

ФЕЛЬ-АТВОР ВА ЁЗУВ

ИНСОННИ ҮРГАНИШ ИЛМИ



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Инсон ёзуви бизга нималар ҳақда маълумот беради? Ёзув эгасининг «сир-асрор»ларини қай даражада фош қилади? Инсон феъл-авторини унинг ёзувига қараб аниқласа бўладими? Бу борада қандай таҳдиллар мавжуд?

Ўзингизни қизиқтирган саволларга кўлингиздаги ушбу китобни мутолаа қилаётib батафсироқ жавоб оласиз. Шунингдек, графология соҳасига оид билимларингиз мустаҳкамланиб бориши-да, шубҳасиз.

Китоб ёрдамида ўзингизнинг, дўстларингизнинг, ҳамкорларингизнинг ёзувини таҳдил қилишингиз мумкин. Бу таҳдил жуда фойдали эканлигини унутманг. Чунки улар инсоннинг яширин ва ошкор, сиз учун жуда муҳим бўлган феъл-авторидан «сўзлайди».

*Лойиҳа муаллифи ва нашрга тайёрловчи
Насиба ЮСУПОВА*

ISBN 978-9943-08-307-3

© Насиба Юсурова, «Феъл-автор ва ёзув», «Янги аср авлоди»,
2009 йил.

ЁЗУВ ҲАҚИДА СҮЗ

Ҳеч ким ёза олиш қобиляти билан туғилмайды. Йу маҳорат кейинроқ орттириллади. Илк онларда ҳар бир ҳарф дона-дона қилиб ёзилади. Вақти келиб бу жараён ҳақиқий кўниумага айланади. Хат-савод жара-еннида (агар, албатта, ўз ҳусніжатингизни атайлаб ўзгартиришга ҳаракат қиласангиз) қандай ёзишингиз ҳақида ўйламайсиз. Сизнинг ўй-фикрингиз ёзаётганнингизга йўналтирилган. Шу сабабли, аслини олганда ост онг (шаклланиб етмаган онг) хат-савод жараёнини идора қилади. Бинобарин, ҳусніжат ва одамнинг руҳий (жисмоний) ҳолати ўртасида маълум борлиқлик мавжудлиги тамоман бор гап. Замонавий клиник тиббиёт бир қатор хасталиклар пайтида ҳусніжатнинг ўзариши тўғрисида ниҳоятда бой манба тўплади. Ҳарфлардаги ҳар бир чизиқ — муаллиф шахсияти изини ўзида мужассам этади. Табиийки, кўп нарсалар одам қаерда ва қачон таҳсил кўргани, қандай муҳитда яшагани, бундан ташқари унинг жисмоний ҳолига боғлиқ бўлади. Аммо анча кучлироқ ҳиссий кечинмалар, руҳий хасталиклар ва атроф-муҳитнинг зўр таъсири ост онгга ўрнашиб қолади ва қўл ҳаракатларида феъл-атвөр ўзгаришларига сабаб бўлади.

Скептиклар (ҳар нарсага шубҳа остида қаровчилар) нинг айтишича, ёзув — шунчаки мушаклар фаолиятидир. Лекин аслида бундай эмас. Ёзув — бу феъл-атвөр ва ақл ҳусусиятларининг ташқи жиҳатдан намоён бўлишидир. Агарда ёзув фақаттина мушаклар фаолияти натижаси бўлганида эди, у инсоний эмоция (хис-

сиёт) ларни очиб бермаган бўларди. Одамнинг ўз ўнг қўлини шикастлантиргани ва бунинг оқибатида у чап қўлда ёзишни ўрганган ҳолатлари бўлган. Бир боқищда чап қўлда ёзилган сўзлар ўнг қўлда ёзилганидан фарқ қилса-да, диққат билан таққослаб кўрилганда, инсон ёзувининг ўша асосий хусусиятлари ошкор бўлади. Бундан ташқари, ҳаттоқи икки қўлидан айрилган ва оёқ билан ёзишни ўрганган одамларда ҳам феъл-авторнинг худди шундай холис қонуниятта асослангани намоён бўлади.

Ёзувни ўрганишда энг янги ва муҳим йўналишлардан бири гипноз орқали олинган муштариylар ёзувни намуналаридан фойдаланиш бўлиб қолди. Ёши катта одамларга, уларни – бола ёшида дея ишонтиришса, улар ёзуви ўзгаради ва худди болалар каби ёза бошлайдилар. Одамлар ёзувини турли ёшларда таҳлил қилиш мумкинлиги туфайли уларни бола ёшидан катта ёшгача кузатиш мумкин. Бошқа қизиқарли текширувлар ёзув хусусиятида намоён бўлган хасталиклар белгисини аниқлаш билан борлиқ. Ушбу синовлар шифокорлар билан бирга ишловчи уста графологлар томонидан ўтказилади. Тадқиқот натижалари шифокорларга ёрдам бериши шубҳасиз.

ГРАФОЛОГИЯ ҲАҚИДА

Ёзувнинг феъл-автор билан борлиқлиги қадимги даврларда ёк маълум бўлган. Шунинг учун ҳам Рим императори Нероннинг мактубида қўйидаги сўзлар бор: «Мен бу одамдан қўрқаман, чунки унинг ёзуви хоинлик табиатидан далолат беради». Хитой файласуфи Конфуций огоҳлантиради: «Шамолда чайқалаёттан қамишни эслатувчи ёзувга эга одамдан қўрқинг». Ёзувга бўлган қизиқиши Арасту, Дионисия Галикарнасского, Светония ва бошқа муаллифларнинг ижодида кузатиш мумкин. Шунга қарамай, XVII аср бошларигача ушбу

мисалага багишиланган алоҳида асар йўқ эди. 1622 йил-дигина италиялик Камилло Бальдо «Ёзувга қараб, ёзган кишининг ҳаёт тарзи ва хусусиятини аниқлаш усула-ри ҳақида мулоҳазалар» деб номланган рисоласини ёзди.

Рисола муаллифи унинг мазмунидаги янгиликни таъкидлаб шундай дейди: «Ёзувига қараб, ёзган кишининг ҳаёт тарзи ва хусусиятини билиш мумкинлигини ким пайқай олади – бу ҳаддан ташқари кулмоқ ёки ҳайрон қолмоқ билан баробардир».

Орадан юз йиллар ўтди. Лекин Бальдонинг мулоҳазаси ўз кучини йўқотмади. Агар графология борасида гап очилгудай бўлса, бугунги кунда ҳам бундай реакция (таъсиrlаниш) ларни кузатиш мумкин. Графология биз билган кўринишида узоқ йиллар давомида юзага келмаган. 1872 йилда француз аббати Мишон ушбу атамани илк марта қўллаган ҳолда «Графология тизими» номли китобини ёзди. Янги фанга ном бериш учун аббат икки юонон сўзини, яъни «графо» (ёзмоқ) ва «логос» (фан) сўзини қўллади.

Китоб катта шуҳрат қозонди ва графологияга қизиқиш кўплаб мамлакатларга ёйилди.

Натижада, жонбозлар туфайли у тараққий этди ва такомиллашди.

Мишон графология соҳасида кўплаб асарларнинг муаллифи саналади. Лекин ўз даврида 1872 йилда нашр қилинган «Ёзув сирлари» китоби ҳам катта довруқ қозонди. Мишон Париж графологлар жамиятининг ва «Графология» журналининг асосчиларидан бири эди. Шунингдек, собиқ Иттифоқ катта Энциклопедиясида шундай жумлалар мавжуд: «Графология (юононча «графо» – ёзаман ва «логос» – сўз, таълимот) – ғайриишимий назария бўлиб, унга кўра одам ёзувига қараб унинг феъл-автори (характер) илини ва ҳаттоқи ташки тузилишини гўёки билиш мумкин... Бундай хуносалар илмий эмас» (1952 й.). Шунингдек, кейинроқ нашр қилинган энциклопедияда эса шундай дейилади: «Графология – бу ёзув ҳақидағи назария. Ёзган кишининг ўзига хос

ва руҳий хусусиятларини ёзув нуқтаи мазаридан ўрганиш демакдир». Графология асослари руҳшунослиқда, шунингдек, тибиёт ва криминалистикада одамнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш учун тадбиқ қилинади (1972 й.). Графология назарияси ғайришмийлиги борасида ҳеч нарса айтилмаган. Графология борасида тўғри хулоса чиқариш учун катта, пухта ва холис экспериментал (илмий тажрибага асосланган) иш зарурдир. Унинг илм ёки илм эмаслиги ҳақидағи саволга фаттина шундай иш жавоб беради.

Фарбда италян руҳшуноси ва криминалисти, жиноят ҳукуқлари бўйича антропологик мактаб асосчиси Чезаре Ломброзо ижоди графологиянинг реакцион йўналишига оид манба ҳозирладилар. Ломброзо ва унинг издошлари турма жиноятчи, гўёки табиатан жиноят содир этишга мойил «жиноятчи одам»нинг ўзига хос тури мавжудлигини тасдиқлашди. Аммо Ломброзо таълимотига кўра, меъёрдан четта чиқиш нафақат «жиноятчи одам»га хос. Матъум даражада турма жисмоний ёки руҳий меъёрдан четта чиқиш барча одамларда бўлади. Бу шуни англатадики, жиноятчи одамнинг меъёрдан четта чиқиши бир мақсадга қаратилган ва очиқ хусусиятта эга. Лекин аксарият одамлар бундай хусусиятта эга эмаслар. Уларнинг кўпчилиги сирли бўлади ёки сирли кўринадилар.

У ёки бу даражадаги меъёрдан четта чиқиш – ҳаракатлантирувчи фаолият билан борлиқ бўлади. У одамнинг ихтиёрий ва айниқса ноихтиёрий ҳаракатларида ўз аксини топади.

Овсар, иришловчи, фалаж киши шалдировчи қадам ташлашдан холи бўлмагани каби, одатдаги «ўртамиёна» одам ёзувда, қўл ҳаракатларида ўзига хос хусусиятларини намоён қилмай тура олмайди. Ёзув ва шахсга нисбатан ўз нуқтаи назарини Ломброзо 1899 йилда чиққан «Графология» китобида баён қилган.

Ломброзо таълимотига кўра, «жиноятчи одам»нинг ёзувига икки гурухга ажralувчи асосий графоло-

гик белгилар хосдир. Ушбу белгилардан бир хили қотиллар, қароқчилар ва талончиларни ажратиб күрсатади. Башка хиллари – ўғриларни «тасвиirlайди». Бирок «жи-ноягчи одам»нинг ёзуви ҳақидағи Ломброзонинг таълиммоти бошқа барча назарияси каби илмий жиҳатдан ассоцисиз бўлиб чиқди.

ХХ асрнинг бошларида, Россияда Моргенштернинг «Психографология» деб аталувчи йирик ижодий иши юзага келди. Муаллиф уни одам ёзувига қараб, ички дунёсини аниқлаш тұрғысидаги психографологик фан деб номлади. Моргенштерн руҳшунослик фанининг психографологик қысметини ҳисобга олиб, унга ижтимоий фанлар тизимидан мұхим жой ажратди. У қуйидағыча ёзади: «Шунга умид қиласыз ва ишонамизки, бизга инсоний камчиликлар ва нұқсанларни очиб ташловчи психографология тұғыри назорат ва қатый таҳлил ёрдамида ижтимоий фанлар қаторида ўрин згалладайди». Моргенштернинг китобида «Графология фанининг истиқболи тұла-тұқис таъминланган» и ҳақидағи ишонч баён қилинган.

ГРАФОЛОГИЯ ФАНИ НИМА БЕРАДИ

Сўровнома манбаларини ўрганиш тадқиқотига кўра инсон ёзуви мұхим аҳамиятта зга. Мисол учун, чизиқлар давомийлигининг эталон (ұлчов) га нисбатан ҳаддан зиёд бўлиши – ҳиссий күрсаттич сифатида графологлар томонидан талқин қилинади.

Ёзув билан шахсият ўртасидаги мавжуд алоқаларни очиб ташлаш – одаминг энг маҳфий ва айни вақтда энг умумий ички сифатларини очиб ташлаш, демак-дир. Шундай экан, эркаклар ва аёллар руҳиятининг ўзига хослиги ҳар хил турдаги ёзувларда намоён бўлади. Эркаклар ёзуви қуйидаги күрсаттичлар билан ажralиб туради: бепарво, нотекис, шошқалоқ, нотўғри (баробар, текис эмас), ҳарфлар орасининг очиқ қолиши, хунук кўриниш, сўзлар орасининг очиқ қолиши. Йирик чи-

зиқлар ва йирик ҳарфлар, аник, қаттиқ босиб ёзилиши, қирра бурчаклар, хатолар, олдинга қияланган, ажратылған, эркин ёзувлар. Аёл ёзуви: пухта, тоза, бир хил, аник, қатыйи, түғри, белгилари қолиб кетмаган ҳарфлар, чиройли, босиб ёзилмаган майда ҳарфлар, юмалоқ, стандарт (бир хил), орқага қия, ихчам, ҳарфлари яқин жойлашган бўлади.

Графология бошқа кўплаб таълимотлар сингари, асоснинг икки тури – ёзув ва феъл-атвор хусусияти ўртасида алоқа ўрнатиш мақсадида алоҳида кузатишларни пухта қўлга киритишнинг узоқ ва згри-бутри йўлидан борди. Бунда машхур руҳшунос Д.Гуревич таъкидлаганидай: «Қизиқ табиатли киши (ғалати киши) ўзига хос ёзади, шунинг учун уни билиб олиш осон».

Қадимги графологлар: Қаттиқ босиб ёзиш – ҳиссий қизиқишлиарнинг ривожланганлигини билдиради. Йирик ёзув – серғайратлик, руҳий кўтаринкилик, мағрурлик, ўз қадр-қимматининг ривожланган ҳисси, кенг кўламга мойиллик, киришимлилик, олдинга интилишга хоҳиш белгисидир, дея таъкидлайдилар.

Замонавий тадқиқотлар натижасига кўра, ёзув – одамнинг баъзи руҳий ҳолатлари билан мавжуд ўзаро муносабатини тасдиқлайди. Баъзи руҳшуносларнинг фикрича, ёзувда одамнинг бошқа ҳар қандай ҳаракат фаолиятидан кўра кўпроқ руҳий мөҳияти намоён бўлади. Гап шундаки, мушаклар маълум гуруҳининг англанмаган зўриқиши барча руҳий ҳаракатлар билан бирга содир бўлади. Демак, одам қандайдир қатыйи ҳиссий ҳолатда бўлса – бу алоҳида мушаклар гуруҳининг қатыйи зўриқишидан юзага келади. Мушаклар гуруҳининг ҳаётий фаоллигидаги ёзув ўзига хослик касб этади. Юзага келувчи фарқ – қорозда чизиқларнинг жойлашишидаги фарқнинг манбаидир.

Кўпгина геометрик тушунчалар биз қабул ёки рад қилиб, турлича ёндашадиган белгиларга айланди. Масалан, «қирра бурчаклар». Ҳарфларни ёзишда қисман ўз аксини топувчи қатыйиilik, кескинлик, ён бермаслик би-

лан бирга қўшилади. Агар қатъийлик ва кескинлик бизга ёт бўлса, ёзувда қирра бурчакларга чап берамиз.

Ёзув замонавий тадқиқотлар тасдиқлаганидек, асаб тизимига қам борлиқ. Ёзув учун ҳам маълум куч-куват йўқотилиши зарур. Уни ушбу ишга камроқ ёки кўпроқ сарф этиш мумкин. Бир хилдаги сўзлар катта ёки кичик ҳарфлар билан ёзилади. Бунда қорозга катта ёки кичик босим билан ёзиш керак. Барчаси миянинг «энергетик блоги»га борлиқ. Бунда юқори асаб фаолиятида юзага келувчи қобиқ асосий жараённи ўтайди.

Графологик таҳлил саноати ривожланган мамлакатлар мутахассисларининг амалиётида қўлланилади. Мисол учун, янги ишчиларни танлашда. АҚШнинг баҳолаш марказларида 238 аломат бўйича даъвогарлар сўровномасининг графологик таҳлили амалга оширилади. Унинг ёрдамида: матннинг жойлашиши, ҳарфлар йўналиши ва қиялиги, уларнинг катталиги ва шакли, ёзув мароми ва бошқалар зътиборга олинади. АҚШда турли лавозимларга даъвогарларнинг сифатларини таҳлил қилишга ихтисослашган графологик бюро кўп тарқалмоқда. Графологик таҳлил – компаниялар ва давлат мутахасссалари учун жуда қўл келмоқда. У анча содда, арzon, муҳими анъанавий руҳий синовларга қараганда анча ишончли усул ҳисобланади. Масалан, Шейли Курцнинг беш ходимдан иборат графологик бюроси бир ёзувга тааллуқли феъл-атворнинг уч юзга яқин хистлатларини таҳлил қиласди. 1980 йилда Р.Рейганга ўзининг биринчи президентлик сайлов компанияси вақтида: «Бу одам чуқур мулоҳазага мойил эмас. У айни пайтдаги шошилинч вазифаларни ҳал этишга яқинроқ-айр», дея берилган тавсифнома ушбу бюрога машҳурлик олиб келди. Ҳозирги вақтда ёзувни аниқлаш космик тиббиётда кенг тадбиқ қилинмоқда. Фазогирларнинг космик парвозлар пайтидаги ёзувлари таҳлили мутахассислар учун қизиқарлидир. Фазогирларнинг марказий асаб тизими ҳолати ва қобиллик даражасини баҳолаш учун бундай таҳлил қўлланилади.

Криминалистикада ёзувни аниқлаш нафақат шахсиятни аниқлаш учун құлланилади. Балки ёзувчининг асаб зўриқиши, руҳий тушкунлик, жароҳат олиш, спиртли ичимликлар ичиб, маст бўлиш ҳолатларини аниқлаш учун ҳам қўлланилади.

Амалиётчи руҳшунос учун ишнинг шакли, усули ва амалга оширилиши ҳар доим долзарб бўлган. Қўлёзма матнлари, ёзувда нималар сақланиб қолишини биласизми?! Инсоннинг ўзига хослиги ўз хусусиятлари билан, ёзув услуги ўзига хослиги билан, яъни қўлёзма эгасининг феъл-автор хусусиятларини тадқиқотчига очиб берувчи хуносалар билан сақланиб қолади.

Ёзувчининг муайян руҳий хоссалари руҳиятнинг маълум даражалари билан боғлиқ, деб бир ёқлама тасдиқлашга йўл қўймайди.

ЁЗУВНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Ёзувни таҳлил қила билиш түфма қобилият эмас. Графология тўғри натижага эга бўлиш учун қатъий қўлланиладиган муайян қоидаларга асосланган. Ёзув таҳлилида билиш зарур бўлган имкониятлар чегараси мавжуд. Агар матн имзоланмаган бўлса, ёзув аёл ёки эркак кишига тегишилигини била олмайсиз. Бир боқищда эркак киши ёзувидай очиқ-очиқ ёзилган, иирик ёзувнинг эгаси кучли ва серрайрат табиатли ёқимтой кампир бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Кўринишидан аёл ёзувидай енгил босим билан ёзилган кичик ҳарфлар таъсирчанликка мойил, уятчан эркак томонидан ёзилган бўлиб чиқади. Ёзув ёрдамида эркакнинг уйланган-уйланмаганлигини, аёл турмушга чиқдан-чиқмаганлигини, фарзандлари бор-йўқлигини билиб бўлмайди. Ҳатто ёзув эгасининг иш хусусиятини аниқлаш қийин. Кўпгина одамлар ўзларига мос бўлмаган ишлар билан машгул бўладилар. Лекин ишларини ўз қобилиятлари туфайли уddaрайдилар. Ёзув истеъдод моҳиятини очиб берадики, одам унга анча мос келади.

Графологик таҳлил санъатини эгаллашнинг илк бос-қичларида бир қанча ҳоигуларга асосланиш зарурдир.

Ҳар бир қўлёзма ҳам таҳлил учун яроқли бўла олмайди. Турли матн ёки шеърдан ёзиб олинган, атанин тузилган ёрдамчи мактублардан ўзни олиб қочиш керак. Эслатиб ўтилган ҳолатларда одам атайин тиришиб ёзади. Кўчириб олинувчи матн ва шеърнинг шакли ёзув тарзини ўзгартиришга мажбур қиласди. Яқин ва таниш одамлар мактубида фойдаланса бўлади. Бунда йигирма-ўттиздан ортиқ қатор бўлиши лозим.

Графологик таҳлилга чизиқсиз қорозга ёзилган матн қўлёзмасини тақдим қилиш керак. Бир хил ифода қилинган шахсий хусусиятларга эга турли одамларнинг ёзувларда муайян белгилар мунтазам учраб туриши мумкин. Бу феъл-атворнинг маълум хусусиятлари ёзуда намоён бўлишини кўрсатади.

Ёзувнинг ҳар бир намоён бўлган белгиси учун одам руҳий чизгисига мос сабаб топишга интилиш лозим.

Одамнинг ўзига хос хусусиятларини турли белгиларга қиёс қилган ҳолда унинг яхлит, бир бутун кўринишини қосил қилиш зарур. Алоҳида, бир-бирига ўзаро борланмаган қўшимчаларга тўхтамаслик лозим. Натижада анча узун ва қарама-қарши рўйхатни қўлга киритиш мумкин. Намоён бўлган хусусиятлардан барчаси ҳам шахснинг руҳий чизгисига кирмайди. Лекин бирор нимани миядан чиқариб ташлашга шошилиш керак эмас. Ажралиб турувчи белгиларни ўрганишда нафақат яхлит, бир бутун кўринишни, балки асосий ички низоларни аниқлаш жуда муҳим. Бу ҳолда тескари, алоҳида хусусиятлар шахснинг асосий таркибий қисми бўлган гурӯҳларга бирлашади. Таркибий қисмлар ўртасидаги низонинг ҳал этилишида одам равшан ва тўла-тўқис очиб ташланади. Бу ёзувда ўз аксини топади.

Ва таҳлил қилиш борасига бир неча сўз. Ёзув намунаси чизиқсиз ва қошиясиз бўлган, оддий оқ қороз варагида бўлиши даркор. Матн китобдан ёки газетадан

кўчириб олинган бўлмаслиги керак. Одамнинг миясига нима келса, ўшани ёзишни таклиф қилган маъқул. Бу ҳолда ёзув анча табиий тус олади. Одамнинг имзосини ҳам олишга ҳаракат қилинг, чунки имзо матндан фарқ қиласди. Ёзуви таҳдил бўлишини синалавчи билмаган пайтда, оддин ёзилган ёзув намунаси излаб топилса, яхши натижа беради. Агар бир қанча бетдан иборат мактуб намуна учун танланса, охирига эътиборингизни жалб қилинг, чунки муаллиф мактуб охирида ҳар-фларни чиройлироқ ёзиш учун атайин тиришмайди. Охирги бетда у анча табиийроқ ёzáди.

ГРАФОЛОГИК ТАҲЛИЛ ЎТКАЗИШГА УНДОВЧИ САБАБЛАР

* Ёзувидан бошқа ҳеч нарсаси маълум бўлмаган, номаълум кишиларга баҳо бериш мумкин. Рухшунос ишлаган пайтда, у ўрганаётган киши билан қанча кўп мулоқотда бўлса, шу қадар унинг холосаси аниқ бўлади. Графолог фаолияти давомида эса, у одамни ёзувидан бўлак қанча кам билса, шунчалик тажриба холосаси холис бўлади.

* **Баҳолашнинг холислиги.** Фикр-мулоҳазанинг тахминийлиги, нохолислиги эҳтимоли йўқ (графолог ёзуви таҳдил қилинаётган одамни мутлақо билмаслиги, у одамни кўрмаслиги мумкин). Бир вақтнинг ўзида бир қанча графологларда тезкор графологик таҳдил ўтказиш имкони бор.

* **Баҳолаш мезонларининг ишончлилиги.** Графологик маълумотлар одамнинг сифатларини таққослаш учун қўлланилиши мумкин эмас. Негаки, баъзи туттан ҳаракатимиз бошқа ҳеч тақрорланмаслиги ёки фақатгина бошқа вазиятда тақрорланиши мумкин. Биз одамни туттан ҳаракати бўйича баҳолаганда, унга ёрдам берувчи сифатлар борасидагина фаҳмлаймиз. Сифатлар бўйича баҳолаганимизда эса унинг негизига асосий эътиборимизни қаратамиз.

* **Таҳлилнинг узоқ масофадалиги.** Графологик таҳлил нусхаси олинган ҳужжат шаҳарнинг ёки ер шарининг бошқа бурчагига интернет орқали узатилганда (одам имзоси, қинир-қийшиқ ёзув ёки бошқа қўлёзма матни) узоқ масофадан ўтказилиши мумкин.

* **Қайси тилда ёзилганлигига боллиқ эмаслик.** Графолог ёзилган нарсанинг мазмунидан фойдаланмай, ёзув белгиларини ўрганади. Шунинг учун графологта ўрганилаётган ҳужжат қайси тилда битилганигининг аҳамиятийи йўқ. Бу ёзув эмас, балки сурат санаалган иероглифдан ташқари ҳар қандай ёзувга тегишли.

* **Тезкорлик.** Уста графолог 1-2 кун давомида таҳлилнинг катта кўламдаги натижасини ҳужжат кўришида топшириши мумкин. Сифатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидағи жавобни саноқли дақиқалардан кейин олиш мумкин.

* **Арzonлик.** Графологик таҳлил – нафақат йирик компаниялар ўзлари учун танлаган йўл, балки ўрта, кичик бизнес вакиллари, ҳатто бюджет ташкилотлари танлаган нисбатан арzon хизматdir.

* **Синаувчидан сир тутиш.** Тадқиқот номзодга билдирилмасдан ўтказилади. Яъни синов ва интервьюдан фарқли ўлароқ, ўзини бирор ҳолга солиб кўрсатиш ёки «тўғри жавоблар»ни ёдлаб олишдан бу ҳолат мутлақо мустаснодир.

* **Номзоднинг бир мақсадга қаратилган ўрганиви учун манба олиш.** Графологик тадқиқот на синовнинг, на интервьюнинг ўрнини босган ҳолда графологик тадқиқот давомида ошкор бўлган шахснинг хусусиятларига бошқаларнинг зътиборини жалб қилишга ёрдам беради. Графологик тадқиқотта асосланиб, номзоднинг касбий лаёқатсизлиги борасида кадрлар хизмати бир томонлама хулоса чиқарганига мисоллар кўп. Шу билан бирга, номзодга рад жавоби мумкин қадар эртароқ ва ўринли баҳона билан берилиши мумкин (зътиборли шахсларни рад қилиш вақтида анча аҳамиятли). Бундан ташқари, бўшаган лавозим учун даъво-

гарлар имзосининг намунасини бўлса ҳам олган ҳолда шахсий хусусуяглари тўплами тезда аниқлаш имконини беради. Ва улар билан бўладиган сұхбатта тайёргарлик кўриш заминини яратади.

* Руҳий ҳасталикларнинг иамоён бўлиши. Графологик таҳлил англашмаган ёки бошқалардан яширилган руҳиятдаги илк босқичлардаги ўзгаришни на-моён қиласди.

* Муносабатларни меъёрга келтиришда табиий сифатларни англаш. Агар бошлиқ ёки ходим бошқаларда тўғрилашга ҳаракат қилган сифатлар ўша одам учун асосий негиз эканлигини англаса, ўз кучи, вақти ва асабларини асраб қолади. Яъни ушбу сифатларга кўни-киши ёки ишдан бўшатиши (агар ўзи бошлиқ бўлса), ўзи (агар ўзи ходим бўлса) ишдан бўшаши лозим бўла-ди. Агар бир киши бошқа бир кишининг сифатларига ройиш берса, у ўзаро алоқаларда ўтқир қирралардан қан-дай қутилиш усулларини аллақачон эгаллаган бўлади.

* Бошлиқ мавқеси ўсишини аниқлаш учун. Ходим ўз раҳбари мавқеи ўсишини аниқлаш истиқболда-ги хизмат зинапояларидан кўтарилиш имконини ярат-гани учун ҳам муҳимдир.

* Раҳбар маъсулиятини камайтириш учун. Масалан, ишга қабул қилишга рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда экспер特 (графолог) нинг маълумотларини бошқаларнинг сўзлари ёки эски асосларни эмас, балки даъвогарнинг ўзи тақдим қилган холосани, асос қилиб кўрсатиш мумкин.

* Ҳасталиклар ташхизнни аниқлаш усулларида. Ёзувни тадқиқ қилишдаги энг янги ва энг муҳим йўна-лишлардан бири – гипноз орқали қўлга киритилган ёзув намуналаридан фойдаланишдир. Ёши катталарни болалар эканликларига ишонтирилса, уларнинг ёз уни ўзгарди. Бу ҳаёт давомида ёзув ўзгаришини таҳлил қилиш имконини беради.

Бошқа қизиқарли тажрибалар ёзув орқали инсон феъл-атворидан келиб чиқувчи касалликларнинг топи-

лиши билан борлық. Ушбу синовлар уста графологлар томонидан шифохоналар билан ҳамкорликда ўтказилади. Гарчи ушбу тадқиқотлар тажриба босқичида бўлса ҳам, сугурта компаниялари уларга жиiddий муносабатда бўлади ва графологларга молиявий ёрдам кўрсатади.

Тиббиётда сил касалликларини ошкор қилиш мақсадида оммавий флюорографик тадқиқотлардан фойдаланилади. Қиёсланган ҳолда ёзувларнинг юзаки графологик таҳлили маош қорозларида, руҳсат бериш бўлимларидаги журналларда руҳий касалликлар (хасталик bemornining ўзи ёки атрофидагилар томонидан аниқлангунга қадар) нинг баъзи турларини қандай бўлса – руҳий мувозанатдаги кескин ўзгаришни ўшандай аниқлайди. Бу VIP ходимлари учун хавфсизлик тадбирларини амалга оширишда фойдали бўлиши мумкин.

* Рақобат кураши борасида. Рақобатчи – душманнинг бир кўринишидир. Рақиблар сифатларини баҳолаш учун қилинадиган графологик таҳлил (кадр иши билан баробар) энг кўп қизиқишга сабаб бўлади. Рақиб ҳақидаги тўғри ва холис баҳо унинг руҳияти заиф томонларини аниқлашга имкон беради. Бу билан борлық муаммоларни бартараф қилиш ва унинг бозорни эгаллаши учун тўскинлик қилишга таъсири этиш мумкинлигига имконият беради.

ЁЗУВДА МИЛЛИЙ ТАҲЛИЛ

Farbda лотин алифбосидан турли мамлакатларда истиқомат қиладиган одамлар фойдаланишига қарамасдан, ҳарфларнинг турлича ёзилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Славян ёзувида ёзадиганлар ёзуви лотин алифбоси ёзуви асосида изоҳланади.

Испанлар – бош ҳарфларни бежамдор ва жим-жимадор қилиб ёзишади, бу уларнинг мағрур ва романтик табиатидан далолат беради. *Французылар* – анча майда ёзиплади, уларнинг ёзуви ҳаётга мантикий ёндашувни акс эттиради. Оддий майда ҳарфлар ва нозик

катта ҳарфлардан иборат *шталянлар* ёзуви — маром ва нағислик белгисидир. *Русларнинг хис-ҳаяжонга таъсиричанлиги* ва киришимли табиат эгалари эканлиги уларнинг йирик ва оралари очилган ёзувларида намоён бўлади. *Ўзбеклар* ёзуви — равонлик ва узвийликни ўзида акс эттириб, бой тафаккур ва меҳр-оқибат мужассамлигини ифодалайди. *Немис* ёзуви — бошқа халқларни кига қараганда анча ғадир-будир ва пухтадир. *Инглизлар* ёзадиган ёзув — вазмин, сипо, оддий, жимжимасиз ва гажаксиздир.

Шубҳасиз, ёзувнинг бу хусусиятлари миллий табиатнинг ажралмб турувчи кўринишини акс эттиради. Бир миллат кишилари шахсиятига кўра фарқланишларини акс эттириб, турли ёзувларда ёзишади.

Америка ёзуви — эркин ва катта-каттадир. У ўзида кўп миллат анъаналарини намоён қиласди. Чунки ушбу мамлакатда ёзувнинг миллий кўриниши охиригача шаклланиб етмаган.

Хитой ва япон ёзуви, *араб* ва *иераш* ёзувлари жиддий тарзда лотин ёзувидан фарқ қиласди. Графолог ҳеч қандай қийинчиликларсиз тегишли таҳлил хуло-саларини баён қилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳарф ҳажми, босим, ҳошия ва ёзувнинг бошқа хусусиятлари зътиборга олинади. *Хитой* ва *япон* ёзуви бизнинг сўзимиз мазмунидаги ёзув ҳисобланмайди. Лекин *Хитой* ва *япониялик олимларининг* тасдиқлашича, *хитой ва япониялар* қорозда тасвиrlаган сўз-суратларни ўрганганд ҳолда одамнинг феъл-авторини таҳлил қилишлари мумкин.

Айни вақтда ёзувларнинг маълум миллий хусусияти аниқланган бўлса ҳам графолог: «Сиз Россияда туғилдингиз, ёки Англияда, ёки Францияда ёки Германияда», деб ёзув намунасига қараб айта олмайди. Ёзув муаллифи ушбу давлатлардан бирида туғилган, лекин уни америка мактабида ўқиш учун АҚШга болалига даёқ олиб келган бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам унинг ёзуви америкача кўриниш ва хусусиятларга

эга бўлади. Бошқа ҳолларда, одам бу ерда туғилиши мумкини, аммо унинг француз ўқитувчиси бор эди. Шу боис унинг ёзувида француз мактаби хусусиятлари акс эттирилади. Шу тариқа ёзув орқали одам ёзишни ўргатган ўқитувчининг миллатини аниқлаш мумкин бўлади. Лекин у туғилган мамлакат бундан мустасно. Миллий хусусиятларнинг ёзувда мавжудлиги таҳлил қилинаётган одамнинг сифатларига таъсир этмайди. Тўғри, ноилож ҳолатларда: немисча радиј-будирлик, инглиз ёзувининг майда ва тиклиги каби тахминлар қўлланилади. Графолог аниқ натижаларни қўлга киритганда, фарқлар тўскенилик қиласлиги учун таҳлилни турли нуқтаи назарларга эътибор қилган ҳолда амалга оширади.

ИНСОН ФЕЛЬ-АТВОРИ

Фель-автор – тарбия ва ҳаётий таъсирлар ёрдамида мустаҳкамланиб, юзага келган одам ҳулқи ва муносабатларининг муайян услубидир. Одамнинг характер (фель-автори) и унинг юриш-туриш нуқтаи назари ва ҳаёт тарзидан ҳақиқий хусусиятида намоён бўладиган эҳтиёжи ва манфаатларини, интилиш ва мақсадлари, ҳиссиёт ва иродасининг муайян тузилишини ифода этади. Фель-автор қўйидағи асосий сифатларни ажратиб кўрсатади: *ахлоқий тарбия олганлик, мукаммалик, яхшилик, қатъиийлик, куч, вазминлик.*

Ахлоқий тарбия олганлик унинг муносабатлари тарафидан ҳам, юриш-туриш шакли тарафидан ҳам одамни таърифлайди. *Фель-авторнинг етакчи ва ижтимоий қадрли сифати бўлиб саналади.* *Мукаммалик* эҳтиёж ва заруратлар, интилиш ва қизиқишилар, одам фаолиятининг турли босқичларида ҳар томонламалиги билан таърифланади. Баъзи одамлар кўп томонлилик билан ажралиб турса, бошқалари – чекланганлик, бир тарафламалик ва тор фикрлилик билан ажралиб туради. *Яхшилик* одам руҳий хусусиятининг ички бирлигини, воқеликнинг турли тарафлари билан муносабатининг уйрунлигини, интилиш ва эҳтиёжларда қарама-қаршиликнинг мавжуд эмаслиги, сўз ва ишнинг бирлигини таърифлайди. *Қатъиийлик* одам фаолияти ва ҳаёти мазмунини ташкил қилувчи, асосий йўналишни белгиловчи, юзага келган ишончга мос келувчи, кескинлик, қатъиийлик ва саботлилиқдан далолатдир. *Куч* – одам ўз олдига қўйган мақсадига интилишини, қизиқишини, қобилияти даражасини ифодалайди. Қийинчилик ва тўсиқлар билан тўқнаш келганда кучнинг кес-

кинлигини ривожлантириш ва уларни енгил үтишини таърифлайди. *Вазманилик* босиқлик ва фаолликка нисбатан одамлар билан муомала қилишга қаратилган. Шунингдек, фаолият учун мақбуллик ва мувофиқликни акс эттиради.

Ушбу асосий хусусиятлар мураккаб, баъзан қарама-қарши алоқаларда мужассам бўлади. Мукаммаллик, яхлитлик, қатъийлик ва феъл-атвор кучи ҳаёт таъсири ва тарбияси натижасида аникланади. Феъл-атвор индивиднинг одамлар билан ўзаро узлуксиз алоқаси, ҳаёт ва тарбиянинг юзага келувчи вазиятлари жараёнида ҳосил бўлади. Одамлар фаолиятининг турлилиги ва таассуротлар даражаси бойлигига мукаммаллик ва феъл-атвор кучи уйғун бўлади.

Феъл-атворнинг энг асосий хусусиятларидан бири унинг қатъийлигидир. Феъл-атвор қатъийлиги ҳар доим ҳам бир хислатнинг устунлигини билдирамайди. Бир қанча хислатлар баъзан бир-бирига зид келади. Хислатлар ҳам устунлик қилиши мумкин. Аниқ ифодаланган хислатларнинг йўқлиги сабаб феъл-атвор ўз қатъийлигини йўқотади. Заиф характерли ёки иродасиз ҳисобланган одамлар асосий хусусиятларнинг равшанилиги ва яққоллигидан иборат қатъийликка зга бўлмайдилар. Қатъийликнинг етишмаслиги ўша одамда характернинг тўлиқ мавжуд эмаслигини билдирамайди. Аксинча унда характер мавжуд. Бундай одам иродасиз дейишга асос бўладиган жуда ноаниқ характерга зга бўлади. Ҳар қандай характер мураккаб ҳисобланиб, характернинг мураккаблик даражаси турличадир. Баъзи характерлар тизимида қарама-қаршилик мавжуд. Бунинг оқибатида уларнинг мураккаблиги факатгина ортиб боради. Характер мураккаблиги дея баъзан ташки ифода қабул қилинади. Шунинг учун сирли, ўз характерини пухта ниқобловчи одамларни фош қилиш осондай туюлади. Феъл-атвор кучи ташки шароит, ўз устида ишлаш жараёнида вужудга келган хислатларида баъзи ўзгаришларни билдириши мумкин.

Шартли равища «Манбага бой» дея аташ мумкин бўлган феъл-автор тури ҳам мавжуд. Характернинг кучлилiği ёки «Манбага бой» лиги устунлик ёки камчилик ҳисобланмайди. Асосийси кучли «Манбага бой» лик нимага йўналтирилганидадир.

Баъзан характер хислатлари орасида унинг **асалиги, бетакрорлигини** ажратиб кўрсатишади. Яъни камдан кам учрайдиган индивидуал ўзига хослик ажратиб ифодаланади. Ўзига хослик — оригиналлик ижобий фазилат ҳисобланмайди. Чунки баъзи одамлар ўйлашга, яна кимдир ухлашга мойил. Оригиналлик, ўзига хослик — олий мақсадларга қаратилганида ижобий хислат ҳисобланади. Характер одатда куч ва қатъиятта нисбатан баҳоланади. Характернинг қатъийлиги ва бир мақсадга қаратилганлиги, унинг мураккаблиги ва кенглиги баробар равища характер кучининг ифодасини англашиб мумкин. Кучининг асосий кўрсаттичи одамнинг бир мақсадга йўналганлиги ва теранлиги алоҳида саналади. Бир мақсадга қаратилганликнинг теранлиги — ҳаётий қонуниятлар, мақсадлар ва сабаблар одамнинг шахсиятига қанчалик таъсир этиши билан аниқланади. Бирор мақсадга қаратилганликдаги юзакилик — ҳаётий мақсадлар, қонуниятлар, манфаатлар одам шахсияти қаърига сингиб кетмайди. Балки унинг учун қандайdir бир ташки нарса бўлиб қолади. Бирор мақсадга қаратилганликнинг кучи — одам интиладиган ютуқлар даражаси билан аниқланади.

Характер кучи учун одам мақсадга қаратилганлигининг событилиги катта аҳамият касб этади. Теранлик, куч ва мақсадга йўналганликнинг событилиги характер кучини бермайди. Уни амалга ошириш учун фаоллик, уюшқоқлик ва барқарорликнинг ирода хислатлари зарурдир. Характер тизими турли-туман, кўп учровчи ва ўзгарувчан ўзаро алоқа мазмунидагина уйғун эмас. Шаклланувчи ва вужудга келувчи шароитларга боғлиқ энг событилар ҳам ўзгаришга дучор бўлган. Унинг хусусиятлари ҳам ўзгаради ва характер янги маз-

мун касб этади. Буларнинг барчаси характер тизимини аниқлашда ҳар қандай муайян ҳолатда ўзига хослик қандай бўлса, характернинг ўзини ҳам шундай ҳисобга олиш лозим.

ЁЗУВДАГИ ФЕЪЛ-АТВОР

Таклиф этилган матн ёрдамида феъл-атвор ва ўзаро муносабатни англаш мумкинлиги ҳақида гапирган эдик. Одамнинг ёзувига қараб, феъл-атворини аниқлаш усули энди сир эмас. Ёзувда ҳам одамнинг барча ҳаракатлари (юриши, имо-ишораси, юз ифодаси) даги каби унъянг феъл-атвори акс этади. Ёзувни таҳлил қила туриб, шахснинг ўзига хос хусусиятини аниқлаш мумкин. Ёзув эгаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мақсадида умумий сифатларни аниқловчи энг содда графологик синовдан фойдаланиш мумкин.

«Ёзув ва феъл-атвор» синови

1. Ҳарфлар ҳажми

Ортиғи билан 2-3 миллиметр – 3 балл.

4-5 миллиметр – 7 балл.

6-7 миллиметр – 17 балл.

7 миллиметрдан ошиқ – 20 балл.

2. Ҳарфлар қиялиги

Чапга ўта қия – 2 балл.

Чапга салгина қия – 5 балл.

Қия эмас – 10 балл.

Ўнгта салгина қия – 6 балл.

Ўнгта ўта қия – 14 балл.

3. Ҳарфларнинг кўриниши

Юмалоқ – 9 балл.

Билиш қийин – 10 балл.

Бурчакли, қиррали – 19 балл.

4. Қорознинг юқори чеккасига нисбатан қаторлар жойлашуви

Юқори чеккасига параллел жойлашган – 12 балл.

Қаторлар юқорига силжиыйди – 16 балл.

Қаторлар пастга силжиыйди – 1 балл.

5. Қаламга нисбатан босим кучи

Салгина – 8 балл.

Үртacha – 15 балл.

Ўта – 21 балл.

6. Ҳарфларнинг ёзилиш табиати

Ҳарфларнинг кўшилиб ёзилиши – 11 балл.

Ҳарфларнинг ажратиб ёзилиши – 18 балл.

7. Ҳарфлар ёзилишининг умумий баҳоси

Барча сўзлар енгил ўқилади, ёзуви батартиб – 13 балл.

Ёзув батартиб, лекин баъзи сўзлар қийинчилик билан ўқилади – 9 балл.

Ёзув мужмал – 4 балл.

Барча тўплангандеги балларни жамланг. Жавоб аниқ бўлиши учун бир неча маротаба синов ўтказинг. Балларни кўшинг ва ҳосил бўлган баллни таҳдил хуносалири билан ойдинлаштиринг.

38 дан 51 баллгача

Бундай ёзувга эга одамлар, одатда қаётдан узилган, кўпинча қийин вазиятларни ентиб ўтишда ожиз ҳисобланадилар. Кўпроқ ўзи ва манфаатлари билан овора бўлиб қоладилар. Муваффақиятсизликларни оғир қабул қиласадилар. Бошқаларнинг таъсирига тушиб қолиши иродасизлигидан далолат. Бундай одамларда спиртли ичимликлар ичиш ва гиёхванд моддалар қабул қилишга юқори даражада мойиллик мавжуд. Бу гурухга компьютер ўйинлари фанатлари ва футбол мухлислари тааллуқлидир.

52 дан 63 баллгача

Бу гуруҳ одамлари ўзларидаги ирода кучини на-
моён қила олмайди. Улар журъатсиз, кўпинча танг
ҳолатларда саросимага тушиб қолади. Кўпгина ҳаётий
саволлар бўйича сусткашликка йўл қўяди. Улар шахс
сифатида ўзларини ҳали англаб етмаган бўлиб, камдан
кам рўёбга чиқадиган ўз орзуларига ўралашиб қолади-
лар. Бу гурухга дайдилар, бошлангич гиёхвандлар ва 32
фоиз шаҳвоний мойиллик даражаси аниқланган ким-
салар киради.

64 дан 75 баллгача

Бу хилдаги одамлар камсуқум, сипо, юмшоқ феъл-
атворга эга бўлиб, атрофдагиларнинг фикрини ҳурмат
қиласди. Табиатан ишонувчанлиги боис уларни осон
ишонтириш мумкин. Ўзларига паст баҳо беришлари са-
бабли уларда нисбатан бошқаларга мослашиш кўни-
маси мавжуд. Мушкул вазиятларда курашишга инти-
лиши, лекин сурбетлик олдида ҳар доим бўш келиши
ўзидан норози бўлиш кайфиятини вужудга келтиради.
Бу гурухга гулчилар, каптарбозлар, майдა моллар билан
савдо қилувчилар, ўз ишлари ва имкониятларини тўғри
режалаштира олмайдиганлар мансубдир.

76 дан 87 баллгача

Бу гуруҳ вакиллари самимий, очиқкўнгил ва бе-
рараздирлар. Улар ҳар доим ўз нуқтаи назарини ҳимоя
қиласдилар. Бошқаларнинг фикрига ҳам сабр билан му-
носабатда бўладилар. Хоинликни одамнинг энг ёмон
хусусияти деб санайдилар ва уларни ҳеч қачон кечир-
майдилар. Бироқ дўсларига садоқатли, улар учун ўзини
ўтта, сувга уради. Олий мақсадлар учун ҳаракат қилишга
қодир. Бундай ёзув ҳуқук тартибот органлари ходим-
лари, сугурта компаниялари хизматчилари, киноак-
тёрлар ҳамда маълум истеъдод эгаларида кузатилган.

88 дан 98 баллгача

Нисбатан кеңг тарқалган тоифа бўлиб, бу гуруҳга кирувчилар батартиб, ёлонга мойил бўлмаган, вазмин феъл-авторли, сабр эгаларидир. Мушкул вазиятларда жасур бўлиб, ғалабага эришиши билан дикқатта сазовордирлар. Режалари жуда кўп бўлишига қарамай, уларнинг бир қисми рўёбга чиқади. Барчага ҳазил-мутойиба билан муносабатда бўладилар. Улар соғлом мухит ҳукм сурган оиласда ўсган одамлардир.

99 дан 109 баллгача

Бу гуруҳдаги одамлар мулоҳаза ва ҳаракатда мустақиллар. Уларда ҳамма нарсага нисбатан ўз мустақил фикрлари бор. Ўткир ақл ва яхши хотира эгалари ҳисоблансалар-да, баъзи вазиятларда ўзларини беъмани тутишлари мумкин. Барча ажойиб нарсаларни севадилар ва кўпинча ўзларини ижодга багишлайдилар. Бундай ёзув журналистлар, мусиқашунослар, идора ишчилари ва бошқарувчиларга тааллуқлидир.

110 дан 121 баллгача

Бундай кишилар ўз ҳукмини ўтказа оладиган кишилардир. Уларга ўз хоҳиши ва инжиқликларига бўйсунишни талаб этадилар. Ҳар қандай танқидни ўз ҳуқуқига тажовуз деб ҳисоблайдилар ва буни эсларидан чиқармайдилар. Улар кўпинча сиз билан гаплашаётуб, илтифот кўрсатаёттанини тушунишингизга изн беришади. Бу гуруҳга тунги барлар муштийўронлари, меҳмонхона дарбонлари ва ўзига ишонган ижодкорлар кирадилар.

Энди эса ҳарфларнинг, қаторларнинг, гапларнинг ёзилиш турлар ҳақида гаплашамиз.

БОСИМ

Ёзаёттган вақтда босим даражаси одамнинг қайси руҳий гуруҳга тегишилигини англашга изн беради. Ёзаёттганда одамнинг қўли қарама-қаршиликни ҳис қилали. Агар ручкага босимни кучайтира бошласангиз, у ҳолда варакда қалин чизиқ пайдо бўлади. Ёзишнинг бундай усули қарама-қаршиликни енгишни англашдаги эҳтиёжни таъминлайди. Шунинг учун серғайрат ҳаракатларга мойил одамларда кучли босим билан ёзиш кузатилишидан қайратланмасангиз ҳам бўлади. Улар ўз кучини намоён қилишдан лаззатланадилар. Бу хилдаги ёзув спорт, айниқса, кураш ва штанга билан шуруллашувчилар учун хосдир.

Кучли босим (1-расм) нафақат қатъий табиат, балки янги, биринчи навбатда – фаол, машҳур кишилар билан учрашувларга интилишни ҳам билдиради. Бундай ёзув эгаси ишқ-муҳаббат борасида катта эҳтиросни ўзида мужассам этади. Унда моддий бойликларга қизиқиш аниқ ва равшан ифодаланган. Бундай кишилар тортинишдан азият чекиши даргумон. Айрим омадсизликлар уларни издан чиқармайди, аксинча янада кўпроқ фаолликка ундаиди.

*Гаурдан шакималарнаме солига оғодам
ўзинчало келедек. Қудсогина мўји шебъян-
вирдом ва масакаласар таъусин тараф.
Каттоқ сабабига дўйонидар кўсансо.
холосиг ҳасимиман съетдорликни гро-
мма бирор ҷараб биделор осонигуз-
куфтар гочлар ҷанадор бекиз жедид.*

1-расм

Ўз ҳиссиётларини намойиш қилишда маълум қатъиyllиги билан ажралиб турувчи, вазмин одам оҳиста ва сокин ҳаракатлар эгасидир. Буни унинг юриш-туришида, имо-ишорасида, гапириш усулида пайқаш мумкин. Бундайин бир маромдалик ёзувда босимнинг тақ-

симланишида, мунгазам ва доимий тер тўка билишда намоён бўлади. Жўшқинлик ва бир лаҳзалик фаолият айнан уларга хосдир. Бундай ёзув эгалари ҳақида олдиндан яхши башорат қилиш мумкин. Уларни вазминлик, ҳаракатларнинг пухта ўйланганлиги, баъзан теран яқинлик ажратиб туради.

Бошқа шахсий хусусиятларга салгина босиб ёзувчи одамлар эга бўладилар (2-расм). Бу ерда ёзув чизири инсон табиатининг сезувчанлигини алоҳида кўрсатувчи ўралган ипни эслатади. Бундай одамнинг фикрича, унга атрофидагилар таъсир ўтказади. У дунёни идеаллаштиришга мойил, яхши таъб эгаси ва вазиятни танқидий баҳолашга қодир.

*Менни Фурӯҳ байтларни ўзиб бўлсан
танир мисални кур билса тоғомебдоҳ,
жалоладар ўзумид сепибди.
Мисални буни, нурга, шоғ тузурни
бандибди да, ву үлибди. .. ву менни жони
зеконирларни ўзиб ташиди. .. борди ҳ
ти праб- ҳалшаб шозимаг ҳаоти ўзибди.*

2-расм

Ёзувни таҳлил қилишда бир вақтнинг ўзида бир қанча ҳодисани таъкидлаш зарур. Барча ҳарфлар бир хил даражадаги босим билан ёзилган ёзувни топиш амри маҳол. Агар босимни ёзувнинг бошқа хусусиятлари билан солиштирганда, одамдаги феъл-автор хусусиятларининг мавжуд эканлигини тасдиқлаш имконияти бўлади.

Равон қаторларга ёпишиб тушган одиста босим – ақлнинг тартиблилиги, янги рояларни ишлаб чиқа олиш ва вазиятни чукур ҳис этиш ҳақида гувоҳлик беради.

Баъзан одиста босим бош ҳарфларни қандай бўлса, кичик ҳарфларни ҳам шундай юмалоқ қилиб ёзишга мойил одамларнинг ёзувида мавжуд бўлади. Бундай одам худбинликдан холи бўлиб, одамларга

күмаклашишга интилади. Улар билан яхши муносабатта бўлади, инсоний муносабатларни қадрлайди. Агар одиста босим нотекис қаторлар билан ёпишиб кептиб, алоҳига ҳарфларнинг ноаниқ ёзуви билан бирга келса — кам ташаббускор, ижро қаракатларига мойил бўлмаган одам ҳақида ҳикоя қилинаётганидан далолатдир. У хушмуомала одам. Танқидий танбехларга ортиқча қайгуришга мойилдир.

Кучли босим одиста босим билан бирга келадиган ҳолатлар ҳам маълум. Бундай вазиятларда жўшқин мижоздаги ҳиссиётли одам ҳақида гап кетади. У истаса-да, ҳар доим ҳам ўзини идора қила олмайди. Бу кўпинча ҳиссий портлашларга олиб келади.

Алоҳига ёзувларда одиста, енгил босим кучли босим билан ёнма-ён келади, лекин кейингиси фақаттина имзоларда қўлланилади. Бу ерда аниқ ва равшан ички низо мужассам. Одам қалбан анча ҳиссий табиатта эга бўлса-да, атрофидагиларга қатъий ва чидамли кўринишни истайди. Бу каби икки хиллик нафақат имзолар, балки ёзувнинг бошқа хусусиятларини таҳлил қилувчи тажрибали графолог томонидан осонгина фаҳмланади.

Кўпгина одамлар ёзувида нотекис ва ғайрихтиёрий босимни кузатиш мумкин. Агар дикҳат билан қаралса, матнда нотекис ёйилган, анча қалин чизиқлардан пайдо бўлувчи ингичка чизиқлар ажралиб туради. Бу ирода ҳаракатларининг, таъсирчанлик, енгиллик, жазавага тушишнинг ғайрихтиёрийлигидан далолат беради. Бундай одамлар фаолияти бир хилдаги зўр келишларнинг бекорчи ишдан кескин воз кечиш, алмашинувчи даврлар билан ажралиб турмайди. Бу ёзув эгаларида ҳар қандай майда-чуйдалар сабабли таъби хира бўлишга ҳайратланарли мойиллик кузатилади. Уларнинг руҳий мувозанати бузилган бўлиб, ички низолари мавжуд.

Алоҳига ҳолларда ёзувдаги ингичка чизиқларнинг қора, қуюқ чизиқларга ўтиши хосдир. Бундай одамларда тасаввур шаҳвоний мойилликка зга.

Ўзига ишончсизлик, доимий иккиланишларга мойиллик, қарор қабул қила олмаслик, қўрқув ва хавотир хуружлари, қўлдан чиқарилган қандайдир важлар жуда заиф ва нотекис босиб ёзувчи одамларни ажратиб туради.

Энди ёзувда кучли босимдан фойдаланувчи одамларнинг шахсий хусусиятларига бир қанча қўшимчалар киритамиз.

Баъзи ҳолларда кучли босимга эга ёзувда палапартиш, айтиш мумкинки, ифлос ёзув таассуротини беради. Бу турдаги ёзув ўз ички энергиясини қийинчилик билан назорат қилувчи одамга тааллукли. Майда-чуйдалар зътиборини жалб қила олмайди. Бундан ташқари, сабрсиз, бегоналар маслаҳатига қўпол муносабатда бўлади.

Салгина босиб ёзилган ёзув – кучли босиб ёзишнинг қизиқарли кўринишидир. У кучли феъл-атворга эга бўлса-да, аслида ташқи томондан юмшоқ кўринишни истовчи одамга тааллуклидир.

Ёзувни таҳлил қилишда энг кўп маълумот имзода эмас, ёзувнинг ўзида мужассам бўлишини унутманг.

Тик чизиқлар – салгина босим билан, ётиқ чизиқлар – кучли босим билан ёзилган пайтдаги ёзувлар ҳам учрайди. Бундай ёзув одатда қизрин, жўшқин табиатта тааллуклидир. Унинг манфаатлари ташқи тарафга йўналган бўлиб, уларга иродавий хатти-ҳаракатлар хосдир.

Агарда ётиқ чизиқлар салгина тик бўлиб, кучли босим билан ёзилса, у ҳолда ўз ҳиссиётлари, жўшқинликларини тийиб, яшириб турувчи одам ҳақида гап борган бўлади.

Ёзув босими салгина босимдан ўртacha босимга, ундан сўнг кучли босимга ўзгарса, бундай ёзув жисмоний ўсиш, ақлий ва руҳий ривожланиш жараёнидаги бўлган одамга тааллуклидир. Одамлар баҳслашувлари кўпроқ ёшлар ёзувидағи эҳтирос ва тоқат, оптимизм ва пессимизм, ақл ва ҳиссиёт ва ҳ. к. лар ўртасидаги

курашга қаратилгандир. Бундай ёзувларни таҳдил қилишда, қўшимча белгиларга қараб иш тутиш маъқ-улдир.

Мактабда қаторлар йўналишини сақлашга ёрдам берувчи махсус ётиқ чизиклар ва сўзлардаги ҳарфларнинг тўғри қиялигини аниқловчи қия, тик чизиклар тасвирланган дафтарларда ёзишга ўргатишади. Катта ёшга кирганимизда, махсус ёрдамчи чизикларсиз қороз ва рақларига ёзишимизга тўғри келди. Қаторлар изчиллиги ва ҳарфларнинг маълум қиялигини сақлаш – ёзаётган кишининг шахсий хусусиятлари ҳақида ахборот беруви манбадир.

Ёзувда қаттиқ босиб ёзиш (кўл нафақат ҳарфларни ёzáди, балки уларни қорозга босиб ёzáди) – ўз кучини намоён қилишни ёқтирувчи ва серрайрат ҳаракатларга мойил одамларда учрайди. Ва аксинча. *Одам ёзса-ю, лекин унинг ручкаси деярли қороз варагига тегмаса* – бу унинг табиати анча заиф эканлигидан далолат беради.

Равон, бироз ўртамиёна бўлган, ўртача босиб ёзилган ёзув (3-расм) – вазминлик, хатти-ҳаракатларнинг пухта ўйланганлиги, дадиллик, чукур яқинлик туйғусига мойиллик белгисидир.

Өзиним буцини тавалдуғу айт-иниңиз барга кепобланадар, бутун ажабиёт ажиним бағранадир. Ол-юниниз сизни алиоди олиб, етук ажабиётшунгеч ошии за танинчи тоғебалар албаби индең тида жениш би. Еди да ғадуллаш.

3-расм

Ўртамиёна босиб ёзилган ёзув (ҳарфларнинг йўрон ва ингичка чизиклари мутлақо нотекис жойлашган) – феъл-авторнинг жўшқинлиги, таъсирчанлиги ва вазминлиги борасида гувоҳлик беради. Бу одам фаоли-

яти унинг кайфияти билан борлиқлиги, ундан ҳар қандай совралар кутиш мумкинлигидан далолат. Бундай одамлар кайфиятида кескин фарқлар кузатилади. Қизиққонлик, сержаҳллик, жizzакилик ана шулар жумласидандир.

Тобора кучли босиб ёзишга айланиб борадиган ўртамиёна босиб ёзишдан бошланувчи ёзув эгаси жуда сезувчан ва эҳтирослидир. Аммо бу эҳтирос жуда тез алангаланади. Ёзув эгаси бирданига тутақиб кетишга мойил эканлигини Зам англатади.

Йўрон, қалин чизиққа айланиб борувчи ўртамиёна босиб ёзиш – шаҳвоний озодлик ва бу маънода бой тасаввур белгисидир.

Нотекис ёзувга айланиб борувчи ўртамиёна босиб ёзиш – ўзига ишонмаслик, доимий иккиланишга мойиллик, маълум, аниқ нарсани ҳал қилишга қодир эмаслик ҳақида гувоҳлик беради.

ЁЗУВДАГИ ИЛГАК ВА ТУГУНЧАЛАР

Сўзниг бошига, охриуга ва ўртасига мавжуд бўлган илгаклар – ўжар характернинг ўзига хос белгиси саналади. Ёзувга дикқат билан қаралмаса, уларни пайқай олмаслик мумкин. Гоҳида графолог катталаштирувчи ойна ёрдамидагина уларни аниқлаб олиши мумкин.

Ушбу илгаклар ортида ўжарликка мойилликни оширувчи ва одам интилишининг нафақат ғояга, жойга ёки одамга маҳкам ёпишиб олиши, балки ушбу алоқаларни барбод қилиш қийин бўлиши учун ўзига «ўргатиш»ни ифодаловчи тугунчалар мавжуд. Ўз-ўзидан маълумки, агар бундай илгаклар ёки тугунчалар камдан-кам учраса, у ҳолда графолог уларга алоҳида эътибор бермаслиги мумкин. Уларни доимо учраттган графолог бу борада маълум хulosалар чиқарса арзийди.

Агар кичик илгак сўз бошига учраса – бу ўжарликдан нишона. Лекин бу арзимас нарсаларга нисбатан бўлса, бундай одам ўжар эмас. У билан ҳар қандай муаммо майда-чуйдаларини ёки янги масала икир-чикирларини муҳокама этиш мумкин. У оқилона далиллар келтиришга доим тайёр. Шунингдек, бошқа одамнинг яхши иш юритиш режасини пайқаганида, мамнуният билан унга йўл беради. Шунга қарамай, янги рояларга дуч келганида фикр юритишда сусткашликка йўл қўйиши мумкин.

Агар кичик илгак фақатигина сўз охирига келса – бу умуман бошқа феъл-автор белгиси саналади. Бундай одам аввало итоаткорлик билан янти рояларни қабул қиласди. Аммо охирига келганида уларга кескин қаршилик кўрсатишни бошлайди. Бундай одамга бошқаларнинг рояси унидан яхшироқ эканлигини англатиш жуда қийин. У инкор қила олмайдиган далилни келтирмай туриб, сизга ён беришига умид қилманг. Шундай вазиятда ҳам унинг ўжарлигини енгиш ниҳоятда мушкул.

Агар бундайин маҳкам ушловчи илгаклар сўз бошига ва охирига намоён бўлса – бу енгиш мумкин бўлмаган бирикма ифодасидир. Бундай одам охирига қадар қаршилик кўрсатади. Агар у бирон нимани режалаштиrsa, ҳаммасини ўзича қила бошлайди. Ҳатто бошқа бировнинг режаси яхшироқ бўлса ҳам ўзиникидан воз кечиши қийин. Кимdir ўзининг иш юритиш тартибини зўрлаб ўтказса, у бу таклифни рад этади. Баъзан бундай одам бошқа бировнинг режасини ҳатто тинглашдан ҳам воз кечади. У билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозим. Махсус тайёргарликсиз янги режа ва таклифларни илгари суриш ярамайди. Ушбу майда илгакларнинг сўз боши ва охирида келиши бу одамнинг ўжарлигини енгиш ниҳоятда мушкул эканлиги ҳақида огоҳлантиради. Шу нуқтаи назардан «7» рақамини бутунлай ўчириб ташловчи чизиқлар қоплаши ажабланарлидир. Баъзан ушбу чизиқлар илгаклар

билин очилади. Шу сабабли «7» рақамини кесиб ўтувчи чизиқ — сўз бошида ва охирида илгакларга эга бўлади.

Илгаклар ва тугунчалар қамкорликка мойил кишиларда юмaloқ ёзувда намоён бўлади. Бундай одамлар ўжар бўлсалар-да, ишда ва ундан ташқаридағи ижобий муносабатларни қўллаб-қувватлайдилар. Қайсарликка мойиллик одатда қияли ҳарфларга эга, анча майдага ёзувда намоён бўлади. Бундай ёзув эгалари — жиҳдий ва танқидий таҳлил қилишга мойил одамлардир. Улар анча йирик ва юмaloқ ёзувга эга одамлар учун хос бўлган киришимлилик билан ажралиб турмайдилар.

Таҳлил давомида шуни назарда тутиш жоизки, қайсарлик доим ҳам камчилик ҳисобланмайди. Кўпгина одамлар ўзига хос қайсарликларини намойиш қилиб, ҳаётлари давомида катта ютуқларни қўлга киритишган. Улар мувозанатни сақлай олганликлари боис, ўз феълатворларини мустаҳкамлаганлар. Графолог холис равишда хислатларни фазилат ёки камчилик дея баҳоламаслиги керак. Шахснинг руҳиятида мавжуд хислатларга зътибор қаратган ҳолда уларни таҳлил қилмоғи лозим.

САТРЛАР

Тўғри сатрлар — кишининг вазминлиги, ўзини тута билиши, саросимага тушмаслиги, ички куч-қувватининг яхши заҳирага эга эканлиги, ишни охирига қадар етказа билишидан далолат беради.

Тўлқинсимон сатрлар — ёзув эгасининг яхши ҳаракат, ўзгарувчан фикр юритиш, қийинчиликларни енга билиш ва ишни устамонлик билан йўлга sola олиш қобилиятига эга эканлигидан гувоҳлиқдир.

Парабола шаклидаги сатрлар учрайди. Ёзувнинг бундай тури чидамсизлик, қизиққонлик, таъсирчанлик, юксак ҳиссиётлилиқдан далолат беради. Агар бундай одамларда қандайдир истак пайдо бўлса, улар бу истакларни ўша ондаёқ рўёбга чиқаришга интилади. Парабола

бала шаклидаги сатрларни графология соҳасидаги мутахассислар одатда ишга қизғин киришувчи, лекин камдан кам ҳоллардагина уни охирига етказувчи одамларга тегишли, деб билади. Улар иш бошида қизишиб кетади, сўнг уларга гайрат етишмайди, ўзларини мажбур қилишлари эса жуда мушкулдир.

Баъзи ёзувларга назар ташлаб, муаллиф *сатр охирiga бўш жой қолдиришини ва бўгин кўчирмаслигини* пайқаш мумкин. Графологлар жуда кўп ҳолларда буни кўркувга ўтувчи қаттиқ эҳтиёткорлик билан борграйди.

Варақда *сатрларнинг юқорига силжиши*. Бу сергайрат, ўзига ишонган, эўр ички куч-кувватта эга, ташаббускор кишиларга хосдир. Улар муваффақиятта интилади, ўз муваффақиятсизликларидан азият чекади, лекин мақсадга қараб кейинги интилиш учун ўзларида куч топадилар.

Пастга томон силжувчи сатрлар – юқорида сабаб ўтилган барча феъл-атворларга эга ёки эга бўлмаган, лекин жуда паст даражада эга бўлган одамларга тааллуқлидир.

ҚИЯЛИК

Мактаб ҳусніхатига кўра қиялатиб, қийшайтириб ёзиш зарур. Чунки бу ёзаётган одам учун анча қулай усулдир. Ҳарфлар ўнгта қия ёзилиши керак (4-расм), шунингдек, қўл ҳаракати йўналиши бўйича ёзилиши лозим. Шунга қарамасдан, баъзи одамлар умумий қоидаларга тўрли сабаблар туфайли риоя қилмайдилар ва ҳарфларни чапга қиялатиб ёздилар (5-расм). Равшанки, улар ўқитувчилар талабидан кучлироқ бўлган ўз турма ҳистийгуларига онгсиз равишда риоя қиладилар. Ушбу турма ҳис-туйгулар нима учун ҳаммага ҳам бир хил таъсир этмаслигини тушунтириш эса жуда мушкул.

Мураббий қанчалик ўргатишга ҳаракат қилмасин, ўқувчиларнинг ҳар бири ўзига қулай ёзиш усулини танлашини тан олишимиздан бошқа илож йўқ.

Одис: көлтүр. Ызделі "Turkistan", "Samsatex",
"Суда" және дарындар түншілдік илгі-жарыс
жүйесі көзіңде. "Sodor Turdiston" орналасқан
1914-жылдан арызасынан шартты иштегі. Сибирь.
жылдан көзіңде "Согашашат" жарыс түншілдік
жарыс көзіңде "Millofingo", "Акмола" атында
шартынан шығынғанда, "Джанхаба" ішкүркін
(1915) жүйесінен көзіңде "Моддо" ишкүркін
жүйесінен (1916) берілген. Аныңда, 16-жылдан берінде

4-расм

Консультанттардың иштеп олған
жарыснан түншілдік түншілдік
XIX-жылдан көзіңде ба II-Республика
жарыс консультанттардың үткөлдік
жылдан көзіңде шартты билдирилген
жарыс түншілдік түншілдік "Семирг" до
жарыс жарыс түншілдік түншілдік
бастапқынан үткөлдік түншілдік
жарыс түншілдік түншілдік түншілдік
бастапқынан үткөлдік түншілдік түншілдік
жарыс түншілдік түншілдік түншілдік

5-расм

Аксарият одамлар учун ($45-50^{\circ}$) қия ёзув хосдир. Лекин (90°) түхри, тих ёзув әдам мавжуд, баъзан (125° гача қия) түнштирилган ёзув ҳам учрайди. Яна ушбу шаклларнинг кўпгина ўтувчи турлари мавжуддир.

Анча кўп учровчи ёзув – ($45-50^{\circ}$) қия бўлган ҳаракат йўналишидаги ёзувдир. Бундай ёзув ўз ҳиссиётларини очиқ ошкор қилувчи, илиқ ва дўстона табиатли кишига таалуқли. Бундай одамлар унчалик таъсирчан эмаслар, ҳиссиётларини назорат қила оладилар, одамлар билан осонгина чиқишадилар, бошқалар билан жам бўлишни севадилар. Агар улар севиб қолишса, муҳаббатига суюнган ҳолда ўз ҳиссиётларини яшириб ўтирумайдилар. Шунингдек, уйда ўтира олмайдилар, уларни жамоа, ижтимоий ҳаёт ўзига тортиб туради.

Нисбатан қия ёзув (баъзан, деярли ётиқ) – меъердан четта чиққандай ҳисобланиши мумкин. Бундай одамларда кескин хислатлар ҳаддан ташқарицадир. Улар учун ўз ҳиссиётларини кўз-кўз қилиши одати хосдир.

Езувнинг ўта қиялиги – куч-қувватнинг катта захираси мавжудлиги ва ҳамма янги нарсаларни қабул қилишнинг катта завқини кўрсатади. Бундай одамлар севиб қолсалар, бутунлай ўз ҳиссиётларига шўнгриб кетадилар. Жуда рашкчи бўлиши билан бирга уларда доимо мулоқот қилиш ва ёкиш истаги мавжуд бўлади. Бундай одамларнинг куч-қуввати атрофидагиларни қойил қолдириш эвазига орттирилади.

Чал томонга тўнтарилган ёзув (125° ҳаракат йўналишига қарама-қарши) – ҳаёт ва тарбиянинг ташки шароитларига шахсий мойиллигининг мос келмаслиги натижасида пайдо бўлади. Тўнтарилган ёзув кўп ҳолларда терслик, ўжарлик, бошқалардан талаб қилишлик, катта ишончсизликни билдиради. Баъзи ҳолларда носамимилик ва сирлилик борасида ҳам гап бориши мумкин.

Орқага қия қилиб ёзганда – ақл ҳиссиётни бошқара билишини ифодалайди. Бундай одамнинг севгисига унинг эс-хушини забт этиш орқали эришиш мумкин. Бундай одамлар ўз ҳиссиётларини ва манфаатларини аранг намоён қиладилар.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳаётнинг маълум даврида одам ёзувининг қиялиги ўзгариши мумкин. Бу ёшлар турли хил «ўйин» ларини бошлаганида, катта одамлар «ясама ҳолат» ларга ўттан даврида рўй беради. Бу ёзув қиялининг онгсиз равища ўзгариши хисобланади.

Езув қиялиги чал томонга 125°дан кўпроқ бўладиган хили қам мавжуд. Демак, ақл ҳиссиётни кучли равища идора қиласи. Бундай қияликнинг мавжудлиги сирлилиқдан далолатdir. Ташки совуққонлик ва сиполик ичда яширин бўлган ҳиссиётлар тутёнига мос келмайди. Бундай хилдаги одамлар ўз ҳиссиётларини узоқ вақт яшира олмайдилар. Улар билан мулоқотда, ҳиссий порглаш аломатларига дуч келишга тайёр туринг. Совуққон ташки кўриниш сабабли эҳтирос вулқони авж олиши мумкин. Улар ҳакида атрофидагилар қандай таассуротта эгалини тушуниш қийин. Шунинг учун

мулоқот жараёнида уларга ташаббусни ўз қўлига олишига имконият яратиши керак. Ўшанда уларнинг ниятини фаҳмлаш осонроқ бўлади.

Қачонки ёзув тик – на ўнгта ва на сўлга қияланмаган бўлса – ақл ва ҳиссиёт ўртасида, мувозанатдан далолатдир. Бундай одамларнинг юриш-туриши анча вазмин. Улар тўсатдан бўладиган ҳиссиётлар ва ақл ўзгариши таъсирига ҳеч қачон дуч келмайдилар.

Тик ёзувчи одам севиб қолса, у ҳеч қачон ўз ҳиссиётларини дарҳол ошкор қилмайди. Энг муҳими, мұхаббатнинг намоён қилиниши кундалик иш ва ташвишларга содиқлик орқали маълум бўлади.

Қия ёзувнинг турли турдалиги, шунингдек, қоришиқ қия ёзув (б-расм). Бунда алоҳида сўзларда ҳарфларнинг турли қиялиги учрайди. Одамда қарама-қаршилик, инжиқлик, кайфиятнинг тез-тез ўзгариб туриши, аниқ бир мақсадга йўналмаганлик каби сифатлар мавжудлигини кўрсатади. Одатда ақл ва ҳиссиёт тўқнаш келади, эҳтиёткорлик таъсирчанлик билан курашади. Бундай одамлар ўз ҳиссиётларини идора этолмайдилар ва уларнинг қурбонига айланадилар.

Аҳмад Ҳидояти.

У адаб аҳмаднома б.н. тий. топ. II
Наноу ч қалонса тих - Наноу бўлинг
“Масак ил-міхаббат” оғим = төстали. 6-
шис сидор қалончи оғди ва и ноги - чу
надлардан бор = иш көн шомлашдиги оғ-
тоди. Себуб. Ҳиват ил-хадоғиг սтобида. Ти
ёға нормас еди адаби нори дея ғаъд бер
я.н. иш көн нормаси нам ишоюл = ҳурак
еа, зекреи бўлганлиқ. Нади = оғди одаби се-
ти қарнида ҷони Ҳидоят ҳарлагон ахлати
Виз = я том = ге шалон = ёю = ишнайди:

б-расм

Ёзув қиялигини турли-туманлиги кескин ифодаланса – бу шахснинг бузилиши, барбод бўлиши ва иккиланишига ишора. Гап асабий табиатли одам ҳақида бормоқда.

Алоҳида ҳолларда, ёзувга диққат билан қарасак, умумий кўринишда, ҳарфлар қиялигининг бир хиллигини пайқашимиз мумкин. Фақаттина илмоқли «в», «д», «з», «у», «ц», «щ» каби ҳарфлар бошқа тарафга қия ёзилган. Масалан, ҳамма ҳарфлар ўнгта қия ёзилган, фақат илмоқли ҳарфлар-чапта, ёки аксинча. Бу ерда янги одамлар билан танишаётган вақтда ёки масъулиятли қарорни қабул қилиш пайтида қийин дақиқаларни бошидан кечирувчи, қатъиятсиз одамлар ҳакида гапириш мумкин. Иншо матнлари ёки мактублар қандай ёзилишига кўз қулоқ бўлиб туринг (чизилмаган қорозга жойлашган сатрларни кузатув учун танлаганингиз маъқул). Улар *тўғри, тўлқинсимон ва парабола шаклида бўлади!*

Тўғри сатрлар – вазминлик, сиполик, изчилик ва камдан кам дадиллик белгиси; *тўлқинсимон сатрлар* – устамонлик, тафаккур ўзгарувчанлиги, одамларда заиф томонларни пайқай олиш белгиси; *парабола шаклидаги* (сатрлар юқорига тезда кўтарилиб, пастта энгаша бошлайди) – таъсирчанлик ва чидамсизлик, ўзига бино қўйиш ва қизиққонлик белгисидир. Бундайин ғайритабиий сатрларни ёзган кишининг ҳиссиёти ва истаги одатда ноаниқ бўлади. У дунёдаги ҳамма нарсани унугиб, уларни ижро қилишга ошиқади. Яна бундай сатрлар одамнинг қандайдир роя иштиёқида ёнишидан, уни амалга ошириш учун барча кучини сафарбар қилишидан, кўпинчча ишни охирига етказмаслигидан далолат беради. Сатр охиридаги ораликлар баъзан қўрқоқликкacha борувчи характернинг зҳтиёткорлигини кўрсатади.

Юқорига кўтаришувчи сатрлар – серғайратлик, ишчанлик, иззатталаблик ва ташаббускорлик каби фойдали ва яхши фазилатлардан гувоҳлик беради. Ўзига бино қўйган ва зардаси тез, қизиққон одамларда барча ҳаракатлар ва шижоат одатда олдинга ва юқорига йўналган. Мисол учун, графологлар ўтказувчи тажрибалар шуни кўрсатадики, агар кўзи борланган одам тушкун кайфият таъсирида доскага ёки қорозга матн ёзса, унинг

ёзувидаги сатрлари доимо пастта тушади. Ёки аксинча, күттаринки кайфиятда ёзилган сатрлар шубҳасиз, юқорига қараб «ўрмалайди».

ЧИЗИҚЛАР

Диққатингизни ҳарфлар ёки сўзлар, улар билан якунланадиган чизиқларга қаратинг. Ётиқ чизиқлар билан тугайдиган сўзлар – ишончсизлик, одамнинг эҳтиёткорлигини билдиради. Агар фикр қилиб кўрилса, бундай одам ёзилган нарсанинг бутун мазмунини ўзгартириши мумкин бўлган тиниш белги ёки нуқтани ўз жойига кўймаслиқдан чўчииди, деган холосага келиш мумкин.

Пастга ва чалга эгилувчи чизиқ – одам худбиннинг белгисидир. Бундай киши кўпинча ўз ҳузурхаловатини, ўз шахсий фойдасини ўйлади. *Ёзувда охирги чизиқ сўз устига юқорига эгилса* – бундай ёзган кишида гуркираган хаёлот ва бой таъсиранлик мавжуд. Бундай одам қандай хуррам бўлишингизни орзу қилган ҳолда барча қизиқарли нарсаларни ўйлаб топади. Унинг орзуларининг рўёбга чиқишига халақит берганда, юз фоиз ҳафсаласи пир бўлади.

Чизиқлари умуман ўйқ бўлган ёзувга эга одам ҳақида нима дейиш мумкин? Бундай киши ҳамма нарсада аниқ, асл далилларга асосланади. Ишда ҳам, сўзда ҳам, фикрлашда ҳам аниқликни яхши кўради. Ҳар бир ишда ўзида қандай бўлса, бошқаларда ҳам шундай бўлишини ёқтиради. Бундай одамга доимо ва ҳамма нарсада суюниш мумкин.

Ҳарфлар ва сўзлардан олдин келувчи чизиқлар – жиддий вазиятларда ўз зътиқодига мос фаолият юритишини яхши кўради.

Кучли, аниқ ва равшан ифодаланган чизиқлар – ўжар ва зулмкор одам ёзувининг яққол далилидир.

Ўзига буралиб келган чизиқлар – гажаклар ва ҳарфларнинг боши ва охиридаги чизма чизиқлар феълатвордаги ўжарлик, унинг муроса қилмаслиги ва очиқдан очиқлиги ҳақида гувоҳлик беради.

ҲАРФЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ ВА ФЕЪЛ-АТВОР

ҲАРФЛАР КАТТАЛИГИ

ХХ аср бошларида ёзув тадқиқоти билан машғул графологлар ҳарфларнинг ўртамиёна баландлиги – 3 мм, алоҳида ҳарфларнинг энлилиги унинг баландлиги билан баробар бўлиши лозимлигини таъкидлаган эдилар. Баланд ёзув деб ҳарфлари 3 ммдан катта, энли деб 3 мм дан энли бўлган ёзувларни ҳисоблаш мумкин. Агар ушбу тадқиқот асос қилиб олинса, ҳарф катталиги ортида феъл-атворнинг қандай хусусиятлари мавжудлигини пухта ўйлаб кўриш мумкин.

Шундай қилиб, йирик ёзув (7-расм) – бу ҳарфларнинг мутаносиб ёзилишида умумий баландлиги меъёрдан ошиб кетадиган ёзувдир; майдалари эса (8-расм) – бундан пастроқ бўлган ёзувдир.

*Динешник яратишига
еншиштимони баланд. Ус-
тодларни яратишига-
ри менни шўнгаб. тубва-гао*

7-расм

*Русси Аристотек ғириғистурган ярни ишт. ки жар
қасиду. Руслон ҳам : топ, ағр., эшишниш.
шеби тоғисиц ғириғистурган ярни ишт. ү. ишсан
бўз қобидибету - баштада ғириғистурган ярниш харнени.*

8-расм

Чўзиқ ёзув – бу энидан баландлиги анча кичик бўлган ёзувдир. Сиқақ ёзув – баландлик ҳарфлар энидан сезиларли тарзда фарҳ қиласдиган ёзув. Агар баландликни ҳам ҳисобга олганда, ёзувнинг бир қанча тури-

ни фарқлаш қийин: йирик ёки майда сиқиқ, йирик ёки майда чўзиқ, шунингдек ўртамиёна (9-расм) ёзув.

*Saddi Iskordariy - жаманинг уакильлари
гафтар би де йишилди оғизи калонинг ахс-
иати киришилор, одир ғадабиҳи нағофаси
оғимлигига сабаблани курган. шаштий оғизи
ни ғалимлар, даими учига янаиди. Ахс-
иати македонийчунинг калтадо чинниланчи
атасига шарбасида. курган, шарбасида
и танни ҳам бодиб ғулбаттага. калтадо
ди калтадо. шарбаси*

9-расм

Энди эса ҳарфлар ҳажмини аниқлаганингизда ва ёзувга қараб турганингизда кўз олдингизда намоён бўлувчи феъл-авторнинг ўзига хос хусусиятлари ва жумбоклари ҳақида.

Шундай қилиб, **йирик ҳарфлар** – бу ўз қадрини билиш ҳиссиинг ривожланган кўринилши. Ҳиссий ҳаваслар ва таъсирчаниликка мойиллик, ўзига ортиқ даражада ишониш, киришимлилик, торгинмаслик ва серғайратлик белгисидир. Йирик ва чўзиқ ёзув ёзаёттан киши қоризда мумкин қадар кўп жой эгаллаш истагини намоён қиласди. Ҳаётда эса бундай кишиларни чегара, ўйлаб чиқилган қоида ва чеклашлар қаноатлантирумайди. Улар фаолиятнинг кўптина жабҳаларида намоён бўлувчи кенг табиатта эгадирлар.

Майда ҳарфлар – бу вазминлик, эҳтиёткорлик, ўзига ҳаддан ташқари ишониш, кузатувчанилик ва со-вукқонлик белгисидир. Майда ёзув асосан ўзи ҳақида жуда кам гапиравчи ва ўйлаёттандари ҳақида ҳеч нарса билдирамайдиган одамларга хосдир.

Сиқиқ ҳарфлар – бу эҳтиёткорлик, зиқналийка айланувчи тежамлилик белгисидир. Турмушда тежамкорлийка ва иқтисод қилишга ўрганиб қолган одам ихтиёрий ёза бошлиганида буни акс эттиради. Унинг ёзувида, масалан, ҳошия мавжуд бўлмайди. Сўзлар ўртасидаги оралиқ қисқа, сатрдаги окирги ҳарфлар – кичрайган ва сиқиқ бўлади.

Равон ва оралари очиқ ёзув – бу уддабуронлик, ишчанлик, номаълум вазиятда осон ва тез йўналишини аниқлаб олиш қобилиятига эга бўлиш белгисидир.

Кашталиги бўйича нотекис бўлган ҳарфлар, қиялик, йўналиш сўзларида сезилаган ёзув – юриш-туришнинг бир хил эмаслиги, ниҳоятда юксак таъсирчанлик, таъсирчанликни тийиб турла олишнинг заиф ривожланганидан («Истайман, бундан чиқадики, мен кўлга киритаман!» қабилида), асаб хасталикларига мойиллиқдан далолат беради.

Меъёрдаги, одатий ёзув – тўла-тўкис, аниқ, узун, бежамдор чизиқларсиз, оддий бош ҳарфларга эга, сатрлар ва сўзлар ораси баробар оралиқларга эга, ҳарфларнинг бир хил баландлигига эга бўлган ёзув. Бу – юриш-туриш, хатти-ҳаракатнинг равонлиги, табиатнинг умумий вазминлиги, ўзгармаслик ва фикр-мулоҳазаларга яқинлик белгисидир.

Ёзувнинг баландлиги ва энлилигига боғлиқ равишда уни чўзиқ, узайиб кетган, сиқиқ, майда, йирик ва ҳ.к. деб аташ мумкин.

Юқорида ёзувнинг сифат хусусиятлари айтиб ўтилди. Улардан фойдаланиб, сиз ўзингиз ва атрофии-гиздагилар ҳақида қизиқарли маълумотларни билиб олинингиз мүқаррар.

ҲАРФЛАРНИНГ ШАКЛУ ШАМОЙИЛИ

Унли ҳарфлар юқориси очиқдайд, юқорисидаги чизиқлар берк бўлмагандайд ёзилган бўлса (10-расм) – бу тинчликсеварлик, ишонувчанлик ва назокатлилик, хушмуомалаликнинг ҳақиқий белгисидир. Бундай одам ҳамдард бўла олади, кўнгли очиқликка мойил, кек сақламайди. *Сатр тагига очиқ унлшлар* (11-расм) иккитаюзламачиликка мойиллиги ва ҳатточи феъл-атворнинг сохталигидан гувоҳлик беради. *Тагидаги берк унлшлар* эса – табиатнинг сирлилигидан далолат беради.

Ч: жөннөш азгадай қарғасет, жолуғаш жай!
Денсаң у үчилегендеги деңгеш тәжілдегендеги есеп
табиғатынан қартастырыла қалғар шыны.

Русе қоғамдастырылған + ғале сенер туғызы
үйнелгендерде + ғале қосаңынан ғал.

10-расм

Газапова Әманбет
Qazgaldaryo viloyati, Kishor tumani
1-шіншінші өркө тә'lim mədəabning
9-3" sinif öðiýschisi

11-расм

Жұмыш 2
ШАРЫН 12 ІІ 09.
ШІ бекемдегі пәндер
ғылсағынан шын.
тапшыба : Қалынбағы
Тұманды.
тапшы : Сәциномыш

12-расм

Бош ҳарфларнинг ниҳоятда калта ҳажми – из-
затталаблик, ўз қадрини билиш ҳисси, ўзига ишонч ва
мустақил бўлишга интилиш белгиси демакдир. Бундай
одам ўта мустақил фикр юритади ва тиришқоқ, қунтли
бўла олади. Агарда бунда бош ҳарфлар гажак билан (12-
расм) ва ноодатий чизиқлар билан безалса, бу бой та-
саввур белгисидир.

«М», «п», «н», «ш», ва «т» каби «қўшма» ҳарф-
ларга эътиборни қаратинг. Бош ҳарфларнинг бирин-
чи қисми (у тузилган тик таёқчалар) ёзаёттан киши-

нинг шахсиятини, ҳарфнинг иккинчи қисми (тик борғловчи чизиқчалар) — одам жамиятда қандай ўрин эгаллашини акс эттиради.

Пасда жойлашган сатрни «тушувчи» («у», «р» ва «г») ҳарфларининг узун илмоқлари тегиб ўтса, бу — ёзув эгаси мантиқан фикр юритмаслигидан далолат. Қисқа илмоқлар эса — юриш-турищдаги аниқлик белгисидир. Бундай одам ортиқча гап-сўзлардан ўзини четта олади. Бундан ташқари, у ўз фикрини очиқ-оидин билдиришдан тийилади. Сиқиқ, пастак ва яланлоқсимон қисқа ҳарфлар — ўжарлик ва чекланганликдан гувоҳлик беради. Энли, ўртасида кучли босиб ёзишган қавариқ каби ҳарфлар — тараққий эттан ҳиссий ҳавас ва эҳтирос белгисидир. Бундай кимсалар кайфијати ишлар қандай кетишига борлик. Барча ҳарфлар шакли жимжимадор ва нақшли бўлса, ёзув маълум услугга солингандай қаралади, у ҳолда унинг эгаси ташки шакларга катта зътибор беради.

Агар сўз охирида ҳарфлар ошса, у ҳолда сатр эгасини — ишончли, очиқкўнгил ва тортинмайдиган, дея тахмин қилиш мумкин. У билан муомала қилиш жуда осон бўлиб, у ҳиссиётга берилишни ёқтиради. Охиридаги сўзлар гёй учбурчак билан якунланади, ҳарфлар ҳар икки тарафдан пайқарли равишда кичрайиб боради. Бу эҳтиёткорлик ва сирлилиқдан далолат беради. Баъзан айёрлиқдан ҳам гувоҳлик бериш ҳолатлари учрайди. Сўзларга (асосан бош ҳарфларда) барча илмоқлар, гажаклар ва ёйлар билан жило бериш пасткашлик ва эзмалик демак. Бундай одамга мақтанчоқлик ва мағрурлик хосдир. У очиқдан очиқ бошқаларга фириб беришни яхши кўради. Яна шуни айтиш мумкинки, ҳам ёзувда ва ёзув шаклида турли шаклар ва илгакчалар — фикр зийраклиги белгиси ҳисобланади.

Дарвоқе, ишқалбозни кўз олдингизга келтиринг. Одам ёзувига қараб фақат битта гап айтиш мумкин бўлган ҳоллар ҳам бўлади — у яхши ёмоннинг фарқига бормайдиган киши. Ичимдагини топ, дейдиган киши

билин иш юритаётганингизнинг юз фоизлик кафолатидир бу. Ниманидир сир тутаётган ёки қандайдир хоҳишини яшираётган одамдан нишона бўлиши қаммумкин.

Ёзувнинг жуда кўп учровчи хусусиятларидан бири – «т», «ш», «п» ва «и» ҳарфларини чизиқлар билан ҳам устига, ҳам тагига чизищдир. Бу чизиқлар тўғри ва тўлқинсимон, қисқа ва узун бўлиши мумкин. Агар одам тартибга одатланса ва табиатан вазмин бўлса, у қолда унинг чизиқлари ҳарф устида тўғри, батартиб ва аниқ бўлади. Агара у табиатан чидамсиз, тезкор қарор қабул қилишга ва сергайрат ҳаракатларга мойил бўлса, ушбу чизиқлар оралари очик, узук-юлуқ ва узилган бўлади. Юқорида жойлаштирилган йўрон чизиқлар – ҳукмини юргизадиган ва иззатталаб табиатдан нишон беради.

СЎЗЛАРДА ҲАРФЛАР БИРИКУВИ

Ҳарфлар ўз-ўзича ҳеч қандай маъно биldирмайди. Улар маълум товушни ифодалашни мужассам қиласди. Ҳарфлардан ташкил топган сўз эса мазмун касб этади. Ҳарфларни ўзаро боғлаган ҳолда, ёзувчи киши бир қанча машгулотдан кейин мантиқан сўз тузади. Баъзан у тезда ҳарф ортидан ҳарф ёзади, бундай жараён онгсиз равища кечади.

Ҳарфлар бирикмасининг алоҳида, анча оқилона мукаммаллигини ўзида мужассам эттан ёзув равонлиги – уддабуронлик, оқилоналий, қийин масала ва муаммоларни ҳеч қийналмай ҳал этишга кириша билишини кўрсатади. Бундай одамлар жуда кўп вазиятларда уддабуронликни, агар зарур бўлса, зеҳнлиликни намоён қиласди. Муаммоларни осонлаштириш уларга ғайрат билан ишлаш имконини беради. Уларни турли хатти-ҳаракатларни бир жойга бириктира олиш, шунингдек, бир-бирига қўша олиш қобилияти ажратиб туради.

Ёзувдаги яхлии равонлик, борланганлик барча ҳарфлар ўзаро борланган вақтида — муаммоларга мантиқ жиҳатидан ёндаша олиш қобилиягини, уларни танқидий баҳолаш ва қарор қабул қила олиш қобилиягини акс эттиради. Уларни бошқалардан қабул қилинувчи қарорнинг бир тарафлилиги ажратиб туради. Улар камдан кам ҳолларда сезгиларига таянади.

Ёзувда баъзи одамларда маълум мутаносибликни кузашиб мумкин: сўз ичидағи ҳарфлар орасидағи алоқаларнинг ва номувофиқликларнинг бир хил миқдори. Бу ерда у ўз идеалларини воқеликка мослаштира оловчичи одамдаги ички мувозанат борасида гап бормоқда.

Ҳарфлари орасида бирикма бўлмаган одамларда феъл-авторининг бошқача кўриниши мужассам. Уларни амалий ишга мойиллик ва ўта хаёлчанлик ажратиб туради. Улар ғояларини амалга оширишга халақит берувчи ҳолат — орзу қилишни севадилар. Улар ғоялари ўрнини баҳолаши мушкул бўлишига қарамай, уларда одатда эстетик ҳиссиётлар, ифодали тафаккур қилиш, хотира, олдиндан сезиш бойлиги мавжуд. Улар илҳоми келганда ишлайдилар, мунтазам меҳнат қила олмайдилар. Бундай ёзувга эга кимсалар ўз ҳаётини мантиқ қонуниятларига кўра қурмайдилар. Шунинг учун уларнинг алоҳида хатти-ҳаракати атрофдагиларда катта ҳайрат туғдиради. Бундай одамлар ёзувда кўп хато қиласидилар, уларга ёзиганларини текшириш одати хос эмас.

Баъзан юксак қобилиятли одамлар бошқача ёзадилар. Улар ёзаётганинг турли хил чизиқлар кўпроқ учрайди. Бу чизиқларнинг бир қисми кўзга осон ташланади, қолгани эса тасаввурда қолади. Қўлнинг тезкор ҳаракати туфайли қорозда ингичка қилдек из қолади, кейинчалик эса қалам қорозга тегмайди, у — муаллақ, тепага кўтарилиб, ёза бошлайди. Бундай ёзувга эга одамлар фикр парвози, бой тасаввур билан ажралиб туради ва ниҳоятда қобилиятли, истеъдодлилар қаторига қўшилади.

Ҳарфлар орасидағи бириншининг узшлиши — одамнинг ички сезгисига таянишини билдирувчи тах-

минга асос бўлиб хизмат қиласди. Шунга қарамасдан, якуний фикрни тушунтириш учун ёзувнинг бошқа хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ёзув бурчаклими, ёки юмолоқми, ё бўлмаса йўғон ёки майдами эканлигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

ЁЗУВ ТУРЛАРИ

Крилл ёзувидаги қирралари ёки юмолоқ қилиб ёзиш мумкин бўлган ҳарфлар («и», «п», «т», «ч») мавжуд. Ушбу ҳарфларнинг кўтарилиувчи ва тушувчи чизикларини баъзи одамлар ярим юмолоқ чизиклар билан боғлайди, бундай ёзув юмолоқ ёзув деб юритилади. (13-расм). Бошқа одамларда чизиклар ўзаро қирраларидан кесишади, бундай ёзув, табиийки, қирралари ёзув деб аталади. (14-расм).

Одамларнинг ҳар иккаласи бир хилдаги ҳарфларни ёзиш билан фарқланмайди, уларда ёзишининг тури-ли-турман усули мужассам.

Онеки 1905-йил, 10-yonorda Tashkentning Yangilik
mishmasida 14-йил - охи: Ўзбекистондаги ах.
бўғчи бўйон, киёнесине в-н ташқирик ёзеп
и-ас-шаб ташкоти ташкоти ёзни ёз сори бўлояр,
насоят, табоға жори. Охиде ўзбек ташкоти ёзни
и-ас-шаб ташкоти ёзни в-н ташкоти охиде осу
сан - в-н ёзинг „Номина“ исми бўланғандеги ташкот:
ёзмади язсан „Uzruk 11 1921“-йилда ташкот
бўйон бўйон. Насоят, номидаси лаъон ва кочкунини

13-расм

- йозмошибин аниш: ўзбуқ тоз, ташкот руҳ бўриб
бу шеғиминиет. Узб, бўниш ўз анишни
ташкоти (у - ташкоти ик ширт ишроғати)
и-ас-шаб ташкоти ташкоти ўзбек - ўзбек (у-ас-шаб)
и-ас-шаб ташкоти ташкоти ик ташкоти.
Бироғ аланидар асоси бўйин - сифоғ ташкоти.
Ташкоти аюб - азоз ташкоти дин бўйин
ик ташкоти ташкоти, бўниш ташкоти - дин, ик ташкоти
зин ташкоти ташкоти ишроғати дин - дин
и-ас-шаб ташкоти ташкоти.

14-расм

Юмалоқ ёзуға эга одам бир лаҳза ҳам тұхтаб турмайды.

Унинг құллари пастдан тепага күтарилади, сүнг ёйсімон чизиқни ўнға ёки сұлға тасвирлайды ва давом этади, масалан, пастта. Қиррали ёзуға эга одамда чизиқни ёзғандан сүнг тұхташ рүй беради. Сүнг у қарама-қарши тарафға ҳаракат қиласы. Агар унинг құли ўнгдан юқорига ҳаракат қилса, у ҳолда бир лаҳзалик тұхташдан кейин у чапга, пастта қараб бириңчи чизик бурчаги тагидан ҳаракатлана бошлайды.

Юмалоқ ёзуви құлловчи одамлар қарама-қаршиликтарни юмшатышига мойилдирлар, улар күпинча мұросага келадилар. Ҳаётда улар деярли үз фикрларини бирдан ўзgartирмайдилар. Уларның ёзуви юмшоқлық ва тинчликсеварлықдан гувохлық беради.

Қиррали ёзуви одам қайсарлықка, кескинлик ва талабчанликка мойиллик фикрини туғдиради. Бундай одамлар бир мақсадға йұналғанлик, сергайратлик, қаттық меңнат қила олиш билан ажralиб туради. Уларда қарама-қаршилик, зиддиятта доим тайёр туриш ҳисси бор. Бу эса улар үзини тутишида қатъий муомалада бўлишга, баъзан эса сурбетликка ҳам олиб келади. Қиррали ёзув жуда кўп ҳолларда жисмоний, руҳий азобга бардош беришга қодир ва дадил одамларда кузатилмайди.

Юмалоқ ёзуудан фойдаланувчи одамлар камдан кам үз ташаббусини намоён қиласы. Уларни күпинча ишдаги ҳамкаслар ёки дўстлар фаоллиги қониқтиради.

Юмалоқ ёзууда баъзан қиррали бош ҳарфлар учрайди. Бундай ёзув баъзан тажовузкор бўлиши мумкин бўлган юмшоқ табиатли одамга таалуқлиидир.

Агар юмалоқ ёзууда майды қиррали ҳарфлар учраса, бу ҳамкорликка тайёр турган, лекин яширинча айёрлик ва мустақилликка эга одамга хосдир.

Юмалоқ ҳарфлар жуда йирик ёзилиши мумкин. Бу аниқ ва қатъий ишончи бўлмаган одамларда мавжуд. Ўзига ишончсизлик ҳислари мавжуд бўлса-да, улар ҳамкорлик қилишга жазм қила оладиган одамлардир.

Майдага юмалоқ ёзув жуда камдан-кам учрайди. Бу равшан, лекин шу билан бирга анча эҳтиёткор ақл. Амалиёт кўрсатганидай, бундай ёзуви бор одамга алоҳида пухталик ва эҳтиёткорликни талаб этувчи ишни топшириш мумкин.

Киррали ёзув, шунингдек, етакчилик қилишга интилиш, тортишувчан, эришмоқчи бўлган мавқесини аниқ режалаштира олиш тўғрисида гувоҳлик беради.

Агар қиррали ёзув ҳарфларининг йўғон ёзилиши кучли босим билан бирга келса – иззатталаб ва анча тиришқоқ одамга хосдир. Унда қадриятнинг ўзгармас тизими бор. Иш ва шахсий муносабатларда уни тобе вазият қониқтирумайди.

Майдага қиррасимон ёзув – қўйилган мақсадга фикрини тўплай олувчи, мустақил равищда ишни мөхиятигача суриштириб, билишга одатланувчи одамни ифодалайди.

Баъзан қиррали ёзув эгаларида ғайриоддий тарзда ёзилган бош ҳарфлар учрайди. Бу ёзув эгаларини умум қабул қилган мутаассиблик қониқтирумайди. Уларни кўпинчча ҳиссиёт бошқаради. Бундай одамларда ракобатчилик ҳисси ривожланган.

Баъзи ёзувларда «ш» ва «т» ҳарфларининг бошқа ҳарфларда «и» ва «11» рақамларининг ёзилиши бирбирига мос келади. Ёзувнинг ҳар иккала тури ўқиш учун анча қийин. Профессионал графологлар ёзувнинг биринчи хилини аркадик, иккинчисини гирляндик, яъни маржондай тизилган дея атайдилар (15-расм). Аркадик ёзув ҳолатида ёйлар ўз қавариқлиги билан варақнинг юқориги бурчагига ўтгани номидан ҳам мълум. Иккинчи ҳолатда, ёйлар пастта қараган.

Графологлар ҳисоблашича, ёзувдаги *аркадик* ташки ифодага, шаклга эътибор берувчи одамларга хос. Жуда кўп ҳолларда бу ички мазмунга ёмон таъсир қиласи.

Гирляндик билан анча қарама-қарши сифатларга зга одамларга нисбат берилади. Уларга лаганбардорлик, иккюзламалик, ишонмаслик, эҳтиёткорлик,

1. Шарф - шарф - шарф - шарф.
2. Руслан, шамшесе ва Руслан - шарф - шарф.
3. Б. ил би Руслан - фраса - фраса.
4. Б. ил би Р. ил - сабз - фраса - фраса.
5. Чарф - аччишке.

Дуссо Габбе тооненчи, шигелештирили ва йолж ҳашни йиғи аер ишниң би оғаннан мөбаккименчи тооненчи, ривоҷсаннириши ишлабишурунчиди - шигени мамирланыш та

15-расм

одамларни алдай олиш каби феъл-атвор хосдир. Жамиятда бундай одамлар ташқи тарафдан жуда илтифотли, мулојим, анча сертакаллуфдирлар.

Юқоридағиларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, ёзувнинг аркадик турида ёзувчилар хаёлда туғилган тасаввурларнинг таъсирчанлиги, таққослашни ёқтириш, маълум худбинлик, таъсирчан мунофиқликка интилиш билан ажралади. Бундай ёзувга эга одамлар кўпинча актёрнинг истеъдодини жувонмарг қиласди, бу уларга қайғудош, дардкаш томошабин бўлишига ҳалақит бермайди.

ҲАРФЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Бош ва кичик ҳарфлар шахсий хусусиятларга борлиқ ҳолда турлича ёзилади. Улар катта, кичик, энли, қисқа, бежамдор ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳарфларнинг ёзилиши – ёзувни таҳдил қилишда анча кўп фойдали маълумотларни беради. Таҳлилимиизни кичик ҳарфлардан бошлаймиз.

Юқориси очиқ унлилар – тинчликсеварлик, ишончилик, хушмуомалалик, кечинмаларга мойилликни билдиради. Бундай одамларга «йўқ» деб айтиш жуда мушкул. Умуман уларни очиқлик ва бошқа одамларга ўта яқинлик ажратиб туради.

Таги очиқ уннашлар – одамнинг иккюзламачилиги, сохталиги, муромбирлиги, чуқур ҳиссиётларга қобил эмаслиги ҳақида гувоҳлик беради.

Ўта худбинликнинг нишонаси *катталашган ҳарфлардир*. Бунга яна ўзига ишониш, иззатталаблик, фикр мустақиллиги, кўзга кўринишга интилишни кўшиш мумкин.

Ҳарфлар ҳажмини катталаштириш баъзан ёзувнинг соддалаштирилгани билан уйгунашади. Бу бой тасаввур, кўпинча майда уйдирмаларга айланувчи тасаввур, манманлик, мақтанчоқлиқдан далолат беради. Одам ҳақиқатда нима мавжудлигини эсдан чиқариб, эришилмаган муваффақиятлар билан фахрлана бошлади.

Пастки сатрни ёпувчи ҳарфлардаги узунчоқ шмоқлар – одамда мантиқан фикрлашнинг яширин қобилиятини, одам ички сезгилари баландлигини кўрсатади.

Кичик шмоқлар – иш ва гапда лўнда бўлиш қобилиятини, воқеликка реал муносабатда бўлишликни, фақат иш ва зарурият бўйича фикрини маълум қиласди.

Япалоқ ҳарфлар – фикри заиф ривожланган, ўта ўжар, тұрма ҳис-түйгесини қўпол намоён қиласидиган одамларга тегишли. Бундай одамда ҳаётнинг турли тарафлари ҳақида бир тарафлама ва жуда оддий тассаввур мавжуд бўлади.

Қаттиқ босиб ёзилган ҳавариқ ҳарфларни одамда кучли ҳиссий ҳаваснинг тараққий этгани сифатида баҳолаш мумкин.

Кўпгина одамлар ёзувида *бош ҳарфларни ёзишга бадший асос намоён бўлади*. Гап бош ҳарфларнинг беихтиёрий безатилиши ҳақида бораёттани шубҳасиз. Агар бош ҳарфда *катта шмоқ бўлса*, бу ёзаёттган кишининг ўзига зътибор қаратишга бўлган кучли истагидан далолат беради. Бундан ташқари, бундай одам киришимли. У нафақат одамлар даврасида, балки дикқат марказида бўлишни истайди.

Агар бош ҳарфлар нисбатан кичик бўлса, унда ҳаётда кичик ва эҳтиёткор қадам ташлаган бу одам ўзига

эътибор қаратишга интилмайди. У ўз эътиқодида маҳкам туради. Унда эҳтимол маълум қобилият бордир, аммо у улар тўғрида биладилар. Бу эса уни тўла-тўкис қониқтиради.

Баъзан бош ҳарфлар нафақат майда ҳажмга, балки чалга қия ёзилган бўлади. Бу эса ўзини ўзи ҳурмат қиласлик ва ўз ишини қадрламасликдан далолатдир. Одам ўз муваффақиятларидан уялади ва онгли равища улардан бош тортишга интилади.

Энсиз шломоқли, баланд бош ҳарфлар – мағурулукни билдиради. Бунда манманлиқдан асар ҳам йўқ: одам ўз ишлари, уйи, оиласидан фахрланади.

Баъзи одамларда босма бош ҳарфлардан фойдаланишга интилишни кузатиш мумкин. Уларда ижодий феъл-автор, мослашувчан ақл ва яхши таъсирчаник мавжуд бўлиб, улар анча топқирлар.

Бошига шамоги бор бош ҳарфлар – нафақат мағрурлик, балки ўз қадр-қимматини билиш ҳиссидан нишонадир.

Баъзи бош ҳарфларга кўзга ташланувчи гажаклар қўшилган бўлади. Бунда ҳам ақлнинг романтик хусусияти ва эътиборни жалб қилиш хоҳишини кузатиш мумкин.

МАТННИНГ ҚОҒОЗДА ЖОЙЛАШИШИ

Одамнинг салоҳияти нафақат алоҳида ҳарфларни, сўзларни ёзишда, балки сўзлар ва сатрлар орасидағи масофа, шунингдек, қаторлар энини ғайрииҳтиёрий тарзда танлашда ҳам билинади. А.С.Пушкин кўркам ва нафис, ҳайрон қоларли дастхатлари билан қорознинг талай қисмини згаллаган. У кайфиятнинг ўзгариши, заиф куч-қувват хусусиятлари, пастга қараб тушувчи узун гажаклар билан ўз дастхатини тасвиirlарди. М.Горький варажни ўзига хос хотиржамлик билан, бирхил масофада жойлашган сатрлар чизиб, бир маромда ва зич қилиб тўлдирган.

Баъзи ёзувларда, сўзлар ўртасидаги оралиқ йўқ, сатрлар эса бири бирининг устига чиқиб кеттандай. Бу эса шубҳасиз тежамкорлик, эҳтимол зиқналикнинг равшан нишонасиdir. Н.В.Гогол асари қаҳрамонларидан бири Плюшкинни эсга олайлик. Сатрлар ва сўзлар ўртасидаги оралиқ қанча кам бўлса, одам тежамкорлиги шунча равшан намоён бўлади.

Одамларнинг бошқа бир гурӯҳида матнда бутунлай бўш жой бўлади. *Сўзлар орасида катта оралиқ, сатрлар ўртасида кўп жой мавжуд.* Ушбу оралиқ қанча кўп бўлса, одам шу қадар катта сахийликка эга бўлади. Оралиқларни катталаштириш билан исрофгарчиликка бўлган ошкора мойилликни кўрамиз. Баъсан ўз тажрибасизлиги сабаб ҳайрон қоларли шакла ўтади.

Жуда кўп ҳолларда *майдо ёзадиган* одамларга тежамлилик нисбати берилади, ўрик ёзув эса олийҳиммат одамларга тааллуклидир. Шунга қарамай, тежамкорлик ёки олийҳимматлиликни намоён қилиш билан

ёзув шакллари орасидаги оралиқ ва қаторлар энлилиги ўртасидаги маълум алоқа белгиланган.

Баъзи бир одамлар ёзувида майдага ҳарфлар биримаси, сўзлар ва сатрлар орасига кичик оралиқ кузатиласди. Кичик ва майдага ҳарфлар истакларнинг зврилишидан далолат беради. *Майдага оралиқ билан келган биримаси нафақат ўзига, балки бошқалар харажатига ҳам зиқналик қилишдан гувоҳликдир.*

Сўзлар ва сатрлар орасидаги нисбатан катта оралиқ билан келган майдага ҳарфлар биримаси – бошқаларга ўта олийҳиммат бўлган, аммо ўзига нисбатан ниҳоятда зиқналикни намоён қилувчи одамларга хосдир.

Бу баъзи одамларнинг ўзига ва ўз болаларига нисбатан муносабатининг яққол далилидир. Одатда бундай одамлар узоқ вақт болаларига барча нарсаларни беришади, аммо кунларнинг бирида уларда норозилик кайфияти орта бошлайди. Уларга муносабатларини қадрлашмаётгандай туюлади, улар тутақиб кетадилар ва қўпол равишда таъна қила бошлайдилар. Сўнгра хотиржамланади ва ҳаммаси бошидан бошланади.

Йирик ёзувнинг сўзлар ва сатрлар орасидаги кичик оралиқлар билан бириниб келиши жуда қизиқ. Бу киришимли, дўстлар даврасининг юраги бўлган одамларга хосдир. Бундай одамлар диққат марказда бўлган ҳолда маблагни аямасдан сарфлайди. Улар дўстларининг ҳаммаси ҳам пайқай олмайдиган даражада кўнглида жуда тежамкор. Эҳтиёждан ортиқ ва жўрттага қилинган хотамтойлик юзаки хусусиятга эга, кўп ҳолларда у юракдан чиқмайди, бинобарин бундай ҳулқнинг тескари томони ҳам мавжуд.

Йирик ёзув, сўзлар ва сатрлар орасига анча катта оралиқ бўлган ёзувга эга одамлар ҳам учрайди. Ҳаддан ошиб кетувчи хотамтойлик, сахийлик ҳақида гап боради бу ерда. Бундай исрофгарчилик аянчли якун топиши мумкин.

Алоҳида бир белги – ёзув ва феъл-авторнинг аҳамиятини солиштириш имконини бермайди. Бир

қанча белгиларни бир вақтнинг ўзида кўриб чиқиш — одам феъл-авторидаги қандайдир бир хислатни ажратувчи муқаррарликни ҳосил қиласди.

ҲОШИЯЛАР КАТТАЛИГИ

Ҳар бир ёзувда доимо мавжуд бўлувчи ва кўп нарса борасида гувоҳлик берувчи яна бир оралиқ мавжуд. Бу ерда ҳошиялар энлилигини кўзда тутаяпмиз. Мактабада ҳаммаси жуда оддий бўлган. Дафтарда ҳошия мавжуд ва бажарилиши шарт бўлган қатъий қоида бор: ҳошиядан чиқиб кетиш мумкин эмас. Улғайишимиз биланоқ, ҳошиясиз дафтар пайдо бўлади. Қандай истасанг, шундай ёзишинг мумкин. Ҳошияларнинг ихтиёрий танлови анча чиройли.

Ҳошиялар энлилиги — тежамкорлик ва сахийликнинг намоён бўлиш даражасини унинг ёрдамида ойдинлаштириш мумкин бўлган қўшимча маълумотни беради. Ҳошия ҳайрон қоларли хусусиятни ўзида музжассам қиласди. Агар кимнингдир қўлидан ёзилган қофоз варагини олиб, уни ўзингиздан нарига суреб кўйсангиз, у ҳолда рўпарангизда — манзара пайдо бўлади. Ҳошиялар эса — манзара рамкаси. Буюк ва унча машҳур бўлиб улгурмаган рассомлар томонидан чизилган ҳақиқий суратларда рамка бир бутун яхлитликни ҳосил қиласди. Уни танлашда маълум даража дидга эга бўлиш лозим. Ёзув ҳам худди шундай бир гап. Ҳошия ичига олинган ёзув табиий рамкани ҳосил қиласди.

Кўпгина вазиятларда **сўзлар ва сатрларни ўраб турувчи ҳошия энли бўлади**. Бу эса жуда баланд дид, нағисликка беихтиёр эргашиш, асл нарсаларни қўлга киритишда катта пул сарфлай олиш қобилияти борасида гувоҳлик беради. Ҳар тарафдан ҳошияларнинг баробарлиги энг қимматбаҳо нарсаларни хариц қилишга ундовчи баъманилиқдан далолатdir. Энли ҳошиялар — рўпарангизда жуда эҳтиёткор одам турганидан огоҳлантиради. У четта чиқишига одатланмаган. Табиий эҳти-

ёткорлик уни бундай вазиятлардан олиб қочади. У ҳам-масини чамалаб, диққат билан ўлчаб кўради ва ҳар қандай хавф-хатар камайади.

Энли ҳошиялар фақат чапда ва ўнгда бўлиши мумкин. Юқорига ва пастга улар деярли йўқ. Яна саҳийлик, олийхимматлик борасида галириш мумкин. Фақат мулоҳоза борасида бирор нарса дейиш қийин. Бундай одамда эҳтиёждан ортиқ диққат хаёлга жамланади. У маълум ҳимоясизликни, балки ҳатто тушкунликни бошдан кечиради. Балки хотамтойлик манби ҳам шундандир.

Баъзан энли ҳошиялар чапда қолади, ўнгда эса топ ҳошиялар жойлашади. Бу келажакка интилевчи одам юриш-туришининг ифодасидир. У хаёллар оғушида яшайди. Ўтмиш тажрибасини кам зътиборга олади. Уни орзулар узоқ-узоқларга олиб кетади. Истрофгарчилиги ҳам шундан. У ўтмиш хатоларини етарлича англаб улгурмаган. Шунинг учун барчаси яна такрорланаяпти.

Чап томонда топ ҳошияларнинг учраши, ваҳоданки, энли ҳошиялар ўнгда қолдирилган. Бу одам ўз ҳаётини режалаштиришга одатланмаган. У бугунги кун билан яшайди. Пулинни аямай сарфлайди, кейин бирдан бу одати яхши иш эмаслигини эслаб қолади. Бундай одамлар истрофгар эканликларини биладилар. Бу уларни безовта қилмайди. Чунки улар учини учига аранг етказишга мослашганлар.

Ёзув жараёнида ҳошиялар катталаштирилган ёки кичрайтирилган ҳолатлар кўп учрайди. Бу жўшқин интилиш нимадан далолат? Бундай ўзгарувчанилик нимадан дарак беради?

Баъзи кишилар юқоридан топ ҳошия қолдирган ҳолда ёза бошлайдилар. Ҳошиялар тобора энли бўла бошлайди. Бу пулин сарфлашни ёқтирувчи одамнинг ёзуви. У ўзини тўхтатишни билади. Ё ҳаёт шароити ёки тарбия оқилона қарор қилишга ўргаттган. Харажатларни назорат остига олиш одати унда шаклланган.

Пулни олиб, у бироз миқдорини сарфлаши мумкин, лекин ўз маблагини йига бошлийди. Ва яна пул сарфлайди. Охир оқибатда у тежашга ҳаракат қилса-да, унга бу базўр эришганини эслайди.

Юқорида айтиб ўтганимиз – *энли дошия қолдурувчи, кейин эса ҳар бир янги сатрда уни кичрайтириб борувчи* одам ўзини бошқача тутади. Ундаги исрофгарчиликнинг алоҳида фаоллиги сусаяди. У илк танишганида саҳийлигини кўрсатиши мумкин. Масалан, бирор нима ваъда беради. Лекин унинг ўз ваъдасини эслали жуда қийин. У буни истайди, аммо феъл-авторидан қочиб, қаерга ҳам бораради...

Баъзи одамларда ҳошиянинг тўғри чизиқлари ўрнига зигзакни эслатувчи шакларни ёзасилар. Бу ҳаяжонсиз одам табиатта хосдир. Улар кўп пул сарфлайдилар. Ўз харажатларини жуда синчилаб назорат қиласидилар. Бу тур вакиллари ҳаёт шартларига мослашишнинг ҳайрон қоларли кўринишини яратадилар. Уларни пулнинг мўллиги хурсанд қиласиди. Маблари кам вақтида ҳам ҳеч ҳандай кулфат йўқлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бундай одамларга хатти-ҳаракатнинг режали эканлиги хос эмас. Уларни тинч ва тоза ҳаводан кўра кичик пўртана қаноатлантиради. Чунки пўртана улар ҳаётига қизиқиш ва ғайрат олиб келади.

Бутун қорозни ёзув билан банд этишга ҳаракат қилувчи одамлар камдан кам учрайди. Бунда уларнинг тежашга интилиши намоён бўлади. Лекин у идрок билан мустаҳкамланмайди. Бундай одамлар кўпроқ санашда хатоликка йўл қўядилар. Яна бир тафсилот: бутун бир қорозни тўлдириб, бундай тур вакиллари бошқалар учун бўш жой қолдирмайдилар. Улар ҳеч ҳандай ишни бошқалар билан баҳам кўришни истамайдилар. Фақат ўзигагина ишонадилар. Гарчи ўзларига чуқурроқ назар ташлаб кўрсалар, уларнинг ишончсизлиги аввало ўзларидан бошланади. Кейин бошқаларга ўтади. Шунинг учун ҳам фақат ўзларини ҳисобга олиб, ҳаётда жуда кўп хатоларга йўл қўядилар.

Ўз ёзувингиз ёки қариндошлар ва танишлар ёзуви ҳақида холис маълумот олиш учун қорознинг катта вараларидан фойдаланинг. Ҳошия одам феъл-автори ҳақида анча батафсил гувоҳлик беришига амин бўласиз. Шунинг учун ҳам баъзида қорознинг кичик бўлагидаги ёзувни топиб ўчиш — жуда мушкул бўлади.

МИЖОЗ ВА ЁЗУВ

ФЕЪЛ-АТВОР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЁЗУВ

Бугунги кунда графология билан бутун дунё қизиқмоқда. Уларнинг негизини асосан ҳуқуқшунос-руҳшунослар ташкил қилади. «Одам сурати менга нима учун керак, деб ёзади машҳур француз антропологи Тард, — менга у ёзган ёзув жуда мухимdir. Модомики, ёзувда унда мавжуд бўлган хурсандчилик, ғазаб, шафқ-атсизлик, руҳ, кайфияти тасвирланган бўлади».

Ёзувда феъл-атворнинг ўзига хос хусусиятлар акс этганилигига қуйида мисоллар келтирамиз.

— **Ақл.** Тўғри, кичик, жимжимасиз ҳарфлар. Сўзлар ўртасида бир хил оралиқ. Бош ҳарфлар асосан мавжуд бўлмайди. Бўлиши мумкин, аммо чаплашиб кетади. Ҳарфлар юмaloқ. Одатда «с», «в», «г» тўлиқ ёзилмай қолади.

— **Аҳмоқлик.** Чўзиқ. Асл безатилган жимжималар билан камдан кам қўйилган ҳарфлар. Сўзлар ўртасида бир хил бўлмаган оралиқ. Баъзан уларни меъморий чиқаришга ҳаракат қилинса, бош ҳарфларни босиб ёзиш, юмaloқ шакл бериш ва уларни нозик ва нафис қилиш. Умуман, аҳмоқликни намоён қилувчи барча ёзувларда жазавага тушиш ва ўта тиришқоқлик сезиларлидир.

— **Зийраклик.** Бири бирига қўшилиб келган хира, қия ҳарфлар. Баъзан узук-юлуқ ва титрагандай кўрининган жойлари бор босимлар, шунингдек, ёзиб бўлинмаган ҳарфлар кузатилади.

— **Жиззакилик.** Қаторлар устида чиқиб қолган ҳарфлар, сўз охирида кичик, узук-узук ҳарфлар. Қатордан пастга тушувчи гажаклар билан тутовчи охирги ҳарфлар.

— **Совуққонлик.** Тўғри ҳарфлар, улар жойлашувда сўзлар ўртасидаги оралиқ бир хил бўлмаса-да, пухта ўйланганлик кўринниб туради. Ҳар бир қатордаги охирги сўз ўзига жой топади ва чизиқдан пастта тушмайди. Ҳарфлар чўзиқ бўлса-да, бири бирига қўшилади.

— **Сангвиник.** Кескин чизиқларга эга узилган ёзув, кўчма ва чиройли. Қийшиқ чизиқли қаторлар ва тез ёзилган ҳарфлар.

— **Флегматик.** Кўп ҳолларда йўрон ёзув, беъзи жойларда ҳарфларнинг йўтонлашуви, ҳарфлар орасида бир хил бўлмаган оралиқ. Ҳуснихатли ҳарфлар чўзиқ ва безакли.

— **Меланхолик.** Ўйноқи, хира. Чизиқлари чўзиқ ҳарфлар. Ҳошияни ҳар хил қолдирувчи катта оралиқли сўз кўчириш.

— **Холерик.** Сўзлар орасидаги ҳар хил оралиқ ва чигал чизиқлар. Кучли ва ўзгача босим билан ёзилган, чапланган ҳарфлар. Туташ ва яхлит, ўнг тарафга қия.

— **Довюраклик.** Асабий ва титровчи белгилар билан ҳарфлар чизиқдан пастта тушади. Тушуварсиз ёзув. Қийин ёзилувчи ҳарфлар охиригача ёзилмаган. Ҳарфлар тўғри бурчакка эга ва заиф ёзилган.

— **Жиноишлик.** Япалоқ, ғалати чўзилган, қисқа, ёйсимон, баъзан кучли гажаклар ва тагида чизиқлари бор ҳарфлар. Қўпол, йўрон ёзув.

— **Иродаг.** тўғри чизиқли, қатъий, бир текис ёзув. Ҳарфлар охири борланган ва туташ. Баъзи чизиқлар катта, лекин чизиқсиз, бурро, гажаклар ва безаклар йўқ.

— **Истеъдод.** Ҳарфлар чўзиқ, одий, аммо чиройли ва нозик. Сатрлар ўнг тарафга кўтарилади.

— **Бўшлиқ.** Юмалоқ, қисқа, баъзан чиройли, лекин тўмтоқ ҳарфлар. Ўрии келганда бетакрорлик бергандай чўзиқ гажакли, силтамли ва босиб ёзилган алоҳида ҳарфлар мавжудлиги.

— **Вазминлик.** Ҳарфлар туташган, доимо бир хил (баробар) бўғин кўчирилади, чаплашиб кетган, текис сатрлар ва доимо бир хил гажаклар.

ИНТРОВЕРТ, ЭКСТРОВЕРТ ВА АМБИВЕРТ

Интроверт – ақл зековатини ўз ичига йўналтирган одам.

Экстроверт – бутун қизиқишларини ўзини ўраб турган оламга йўналтирган одам.

Амбиверт – интроверт ва экстроверт ўртасидаги одам.

Қорозга ручка ёки қалам билан ёзамиш. Ёзув босимини таҳлил қилган ҳолда одам ушбу гуруҳлардан қайси бирита таалуқли эканлитикин кўриб чиқамиш.

Ўз-ўзидан равшанки, босим ёзиш даражаси кўшинча ёзув воситасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун таҳлил учун қулай ва оддий бўлган асбобни қўллашни назардан четта қолдирманг.

Бу ҳолда китобнинг аввалидаги расмда тасвирланган босиб ёзишнинг уч турини ёки ушбу турлар биримасни олишингиз мумкин.

1. Биринчи мисолда биз **енгил босиб ёзилган ёзувни** кўриб чиқдик. Ёзув чизиқларининг иплар сингари ўралганлиги одамларга, атрофдагиларга сезгир табиат эгасининг ёзувидан гувоҳлик беради. Бундай одамга атрофидалар катта таъсир кўрсатади. Улар нима гапирса ҳам, нима иш қилса ҳам ҳаммаси унга таъсир қилмай қолмайди.

Бундай одам дунёни идеаллаштиришга мойил. Унда нозик дид ва танқидий ақл мавжуд. Шу сабаб енгил босиб ёзиш рухияти билан боғлиқ кечади. Шунингдек, зиммасига жавобгарликни олган, одамлар ва иш устида бошқарувни амалга оширувчи, яхши **натижаларга** эришувчи одам – юзаки босиб ёзишини билиб олиш мумкин.

Юзаки босиб ёзадиган одам муваффақият қозонувчи савдогар бўлиши мумкин. Ақли ва бошқа қобиљиятлари унга бошқа жабҳаларда ҳам муваффақият қозонишга имкон беради. Бунинг натижасида у дои-

мий зътибор ва одамлар қуршовида бўлиши мумкин. Шу тариқа, у доимий алоқа зарур бўлган ва маълум гайрат бор жойда намоён бўлади. Бундан ташқари, у интроверт бўлгани сабаб, ҳаётнинг бундай томони билан кўнишиб кетиши осон кечмайди. Вазиятта мослашиш мақсадида шахсий ҳиссиётларини иккиланган кучкуват билан ниқоблашига тўри келади.

2. Анча қора ва йўрон чизиқларни намоён қилувчи ва қатъий табиатни мужассам қилувчи кучли босиб ёзиш. Атрофидагилар ва фаол кишиларга қизиқишини намоён этувчи сергайрат одам шундай ёzáди. Унинг учун ҳаётнинг моддий тарафига кўнгил қўйиш хосдир. Ишқ-муҳаббат бобида бундай одамлар кучли эҳтиросни намоён этадилар.

Улар уятчанлиги билан ажралиб турмайдилар. Бундай ёзув эгасини экстроверт деб аташ мумкин. Лекин интроверт деб атаб бўлмайди. У одамлар билан муомила қилишни ёқтиради. Умидсизлик уни издан чиқаришига асло йўл қўймайди. У олдинга қараб кетаверади. Бундан ташқари, муваффакиятсизлик уни фататгина фаолликка етаклаши мумкин. У узил-кесил жавоб учун «йўқ» деб бирдан айтмайди.

3. Енгил ва кучли босиб ёзиш ўртасидаги ўрта турни ўзида мужассам эттан *ўртacha* босиб ёзиш жуда кўп ёзувларда намоён бўлади. Бу енгил босиб ёзилганликнинг ўта сезилувчанлиги билан кучли босиб ёзишнинг моддийлиги ўртасидаги ўрта ёзувдир. Бундай одамда муваффакиятли бирикма мавжуд. Шу сабабдан бундай ёзув соҳибини амбиверт дея аташ мумкин. Уларни тушуниш жуда осон.

Ручка ёки қалам билан босиб ёзища риоя қилиш зарур бўлган умумий қоидалардан ташқари зътибордан четта қолдирмаслик керак бўлган бошқа шартлар ҳам мавжуд.

Чунки доим айнан бир турдаги ёзув – енгил, кучли ва ўрта босим билан ёзилган ёзувни топа олмаймиз. Бунга мувофиқ равища, тўла тўқис интроверт, экст-

рөверт ёки амбиверт бўлган одамни топа билмаймиз. Билишимизча, ёзувда ҳеч қандай белгини асосийлаштириб, мутлоқлаштириб бўлмайди. Хусусиятларининг тасдиқланишини ёки шахсда қарама-қаршилик мавжудлигини очиб бериш учун бошқа хусусиятларни ҳам таққослаб кўриш лозим.

Баробар ёзилган, бежамдор бўлмаган, майдага, бош ҳарфлар билан кўшилиб келган, енгил босиб ёзиш — тартибга солинган ақддан далолат беради. Бундай одам янги рояларни мустақил ишлаб чиқиши мумкин. Ёзув руҳий даража ривожининг юқори даражасини акс эттиради. Шунингдек, енгил босиб ёзувчи одамларга хос сезувчанлик ўз ифодасини топган.

Агар енгил босиб ёзиш тагига чизилган ифодалардан мосуво, юмалоқ, катталашган бош ва кичик ҳарфларда мавжуг бўлса — худбинлиқдан коли, бошқаларга ёрдам беришга шай ва улар билан ҳамкорлик қилишини истовчи одам билан муносабатда бўлган бўлмиз. Бундай одам тажовузкор эмас. Бошқа одамлар билан муносабати яхши. Унинг учун маҳум роялар эмас, инсоний муносабатлар катта аҳамият касб этади.

Агар енгил босимли ёзувда сатрлар нотекис шузилган, баъзи ҳарфлар чаплашиб кетган, «7» раҳамиши чизиб-ўчириб ташловчи чизиқлар кичик ва енгил босиб ёзилган бўлса — бу одам ташаббус кўрсатувчи кимнидир кутаёттанидан дарак. Унинг ўзи ирова кучини намоён қила олмайди. Бундай ёзувда нозиклик ва таъсирчанлик бор. Лекин ўша вақтнинг ўзида тан олинган нуфуз сабабли тиришқоқлик билан ҳаракат қиласди.

Гоҳида енгил босим кучли босиб ёзилган ёзув билан бирикади. Баъзи ҳарфлар аниқ ва равшан ёзилган бўлади. Бу одамда сезувчанлик ва идеализм мавжуд. Ўзи бошқариш унинг руҳиятни тушириб юбормайди. Шунинг учун ҳам баъзан унда чидамсизлик пайдо бўлиши ва руҳиятида кутилмаган портлашлар рўй бериши мумкин.

Баъзида графолог ҳайрон қолиб, **енгил босиб ёзилган ёзув кучли босим билан имзоланганини кўради**. Бу шуни англатадики, одам қалбан ҳиссиётта бой инсон бўлса-да, у анча мустаҳкам, қатъий шахс бўлиб кўринишни истайди. Шунга қарамасдан, бундай уринишлар фақаттина баҳона бўлиб ҳисобланади. Бу баҳона графологни алдай олмайди: у ўз таҳдилини имзоларга асосланиб эмас, балки ёзувга асосланиб амалга оширади.

Ҳарфларни ёзишда кучли ва аниқ босим асосан бош ҳарфни ёзишда кузатилса – одам куч-қуввати экстимол ижодий ёки бошқарув фаолиятига йўналтирилганлигидан далолат беради. Бундай одам қисқа кўламда ўйлаш ёки ҳаракат қилишни ёктирумайди. Фолиятида қанча кўлам кент бўлса, унинг иштироки шу қадар сергайрат бўлади.

«Ифлос» туюлган кучли босиб ёзиш – ўз куч-куватини тиришиб назорат қилувчи одамга тегишли. Унга «ўтириб қилинадиган» иш тўғри келмайди. Бундай одамга ўз эътиборини алоҳида нарсаларга қаратиш осон эмас. У кўп ҳолларда чидамсизлик қиласи ва сўралмаган маслаҳатларга бирдан муносабатини билдиради.

Ёзувдаги кучли босим ва тагидаги имзо енгил босиб ёзилган бўлса – ташқаридан юмшоқ кўринишни истовчи одамга тааллуклидир. Аслида унда кучли феъл-автор мавжуд. Ёзувларнинг аксарияти мавжуд бўлмаган сиполик ва вазминликка тақлид қилган ҳолатлардан мустаснодир.

Баъзан перлендикуляр чизиқлар енгил ёки ўртамиёна босим билан, ётиқ чизиқлар – кучли босим билан ёзилган ёзувни кўриш мумкин. Бундай одамнинг кучли иродаси бор. У ҳиссиётларини қондирувчи нарсаларга қизиқишини намоён этади. Бу кўпинча ўнга қия, йирик ёзувларда учрайди. Ёзув экстровертнинг сергайрат табиатли одамига тааллукли.

Аксинча, перлендикуляр чизиқлар кучли босим билан, ётиқ чизиқлар эса – заиф босиб ёзилган ёзув

бамайлихотир бўлишни истовчи, аммо ўз шижаатини тийувчи одамга тегишилдири. Бу интровертнинг асосий ёзувиdir.

Ёзувни таҳлил қилишда унинг барча хусусиятларини мувофиқлаштириши зарурлиги доимо таъкидланса-да, босиб ёзишни мустакил белги, хислат деб қарашиб мумкин. Ручка ёки қалам билан ёзилган *ёзувда кучли, заиф ёки ўртамиёна босиб ёзиш* – аввало жисмоний омилини намоён қилишдири. Кучли босим учун зарур бўлган куч енгил ёки ўртамиёна босиб ёзишда мавжуд бўлмайди.

Енгилдан ўртамиёнага, сўнгра кучлига мунтазам ўзгарувчи босиб ёзиш – одам феъл-автори шаклланмаганигидан дарак беради. Бундай ёзув жисмоний ўсиш, ақлий ва рухий тараққиёт жараёнида бўлган одамларга таалуқлидири. Графолог шуни кўзда тутиши керакки, босиб ёзишдаги ҳар хиллик идеализм ва материализм, эҳтирос ва вазминлик, оптимизм ва пессимизм ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади. Бундай ёзувни таҳлил қилишда унинг бошқа белги, хусусиятларига айқатни жалб қилмоқ лозим.

Доимо ўзгарувчан босимли ёзув – тадқиқот учун қизиқарли манбалардан далолат беради. Ички низонинг давомийлиги ёки феъл-авторни барқарор қилиш борасида бир-икки йилдан сўнг бу ёзув намунасини олиш мумкиндири. Устамон графолог ҳалим шаклланиш жараёнида бўлган катта одамлар ёзуви билан таниш (улардан бошқалари анча кекса ёшга етиб қолган). Айнан шу сабабга кўра, ёзувидан ёзаётган одамнинг ёшини аниқлаш мумкин эмас.

Биз босиб ёзишдаги хилма-хилликни фарқлагандар, тиришиб ёки тиришмасдан қилинган, чизиклар бириккан ҳусниҳат ёзувини кўзда тутмаймиз. Кучли босиб ёзиш ва унинг мавжуд эмаслигига риоя қилинади.

Нима учун болалар кучли, катталар эса – оҳиста босим билан ёзадилар, деган савол тез-тез берилади. Бундай кенг тарқалган тасаввур ҳақиқатга мос келмайди.

ди. Хушчақчақ, ўйинни севувчи бола одатда кучли босим билан ёзади. Сезувчан интроверт эса енгил босим билан ёзади. Ўзи учун туриб бера олмайдиган ва интроверт ҳисобланган кекса одам га ҳам енгил босим хосдир. Экстровертнинг яққол тасвирланган хусусиятларига эга кексайган аёл кучли босим билан ёзиши-да, табиий.

РУҲИЯТ СИНОВИ БЎЙИЧА МИЖОЗ ТУРИ

Энди эса руҳият синови бўйича ўз мижоз турингизни аниқлашга ҳаракат қилинг.

Меланхоликлар – осон дили оғрувчи, нозик ҳисли ва ҳиссиётта бой шахслар. Улар бегараз ва доимо ёрдамга шайдирлар.

Флегматиклар – вазминлик ва секинлик асосий хислатлари бўлган шахслар.

Холериклар – ирода ва куч-қувватини тарқатиб, ҳаёт узра парвоз қилувчи «тезучар қушлар». Улар мунтазам зўриқища яшайдилар.

Сангвиниклар – булар энг табиий товуслардир. Ўзларини катта дўстлар даврасининг марказида бўлгандаи ҳис этишни ёқтирадилар. Қийинчиликларга дуч келганиларида – фаолиятини ўзгартириш, курашишни афзал кўрадилар.

Синов

**ОДАМЗОТ
МИЖОЗИННИНГ ҲУЖЖАТИ**

Шахснинг ижобий жавоб берувчи сифатларини «+» белгиси билан белгилант. Ўз мижозингизни билиш сизга ҳаётда ўрнингизни тезроқ топишингизга ёрдам беради. Фақат узоқ ўйламай, тезроқ жавоб беринг. Шундай қилиб, сиз:

1. Тоқатсиз ва чидамсиз.
2. Ўзини тута олмаган, қизишиб кетувчи.
3. Чидамсиз.
4. Одамлар билан муносабатда кескин ва очиқдан очик.
5. Қатъий ва ташаббускор.
6. Ўжар.
7. Бахсада топқир.
8. Силтov билан ишлайдиган.
9. Хавф-хатарга мойил.
10. Адоват сақловчи эмас ва таъби нозик эмас.
11. Тутилувчи оҳанли, таъсирчан нутқға зга.
12. Салга ловуллаб кетувчи, қизувчанликка мойил.
13. Кескин реакцияларга мойил.
14. Атрофдагиларнинг камчиликларига чидамсиз.
15. Ифодали имо-ишорага зга бўлган.
16. Тез ҳаракат қилишга ва қарор қилишга қодир.
17. Янгиликка тинмасдан интилувчан.
18. Кескин, шиддатли ҳаракатлар қиладиган.
19. Қўйилган мақсадга зришишда саботли.
20. Кайфиянинг тез-тез ўзгаришига мойил.
21. Хушчақчақ ва шодмон.
22. Сергайрат ва ишга чечан.
23. Баъзан бошлаганларини охиригача етказмайдиган.
24. Ўзини қайта баҳолашга мойил.

25. Вақти-вақти билан миянгизга шундай фикр келадики, яхшиси уни айтиб ўтиришнинг кераги йўқ.
26. Янги нарсаларни илиб олишга қодир.
27. Қизиқиш ва мойилликларда ўзгарувчан.
28. Ноҳушликлар ва муваффақиятсизликларни осон кечирадиган.
29. Шароитга осон мослашадиган.
30. Ҳеч қачон ҳақиқатни айтмайдиган.
31. Янги ишга қизиқиш билан шўнгрийдиган.
32. Агар иш қизиқтиrmай қўйса, дарҳол совиб қоладиган.
33. Янги ишга киришувчан ва бир ишдан бошқасига дарров ўтадиган.
34. Киришимли ва кўнгилчан, янги одамларга мойиллик ҳис қилмайдиган.
35. Баъзан (вақти-вақти билан, гоҳида) дарғазаб.
36. Ҳар кунлик ва сердиқкат ишларнинг бир хиллигидан қийналадиган.
37. Бардошли ва ишчан.
38. Ифодали юз ишораси, жонли имо-ишора билан бирга келган тез, баланд, дона-дона нутқ эгаси.
39. Кутимаган мушкул вазиятда дадилликни саклаб қоладиган.
40. Фазабланиш (дарғазаб бўлиш) мумкин, ноҳақ айбловларни эшитишга тоқат қила олмайдиган.
41. Доимо тетик кайфиятда юрадиган.
42. Тез ухлаб қоладиган ва тез уйронадиган.
43. Кўпинча фикри чалкаш, қарор қилишда шошқалоқ.
44. Баъзан юзаки мулоҳаза юритишга, чалриб кетишга мойил.
45. Сезиб қолмасликларини билганида, кинофильмни кўришга чилтасиз борадиган.
46. Хотиржам ва совуқён.
47. Ишларда мулоҳазали ва изчил.
48. Эҳтиёткор ва мулоҳазали.
49. Кута оладиган.

50. Нуфузини ошириш учун танишлар ичида таниқли кишилар билан яқын бўлишга ҳаракат қиладиган.
51. Камгап ва бекорга валдирайвермайдиган.
52. Хотиржам, бир текис, тўхтаб-тўхтаб, ҳеч қандай ифодали ҳиссиётларсиз, имоларсиз, ишораларсиз нутқ сўзлайдиган.
53. Вазмин ва саботли.
54. Бошлиган ишини охирига қадар етказадиган.
55. Билганиндан барчаси ҳам ёқавермайдиган.
56. Бекорга куч сарфламайдиган.
57. Ишлаб чиқилган кун тартибига қатъи риоя қиладиган.
58. Ҳиссиёт, энтикиш ва шижоатлардан ўзини осон тиядиган.
59. Танбех, ва мақтовларга кам бериладиган.
60. Гоҳида (вақти-вақти билан) бироз гийбат қила-диган.
61. Кўнгилчан, заҳархандалик қилишларига илти-фотли.
62. Қизиқиш ва муносабатларда муқим.
63. Бир турдаги фаолиятдан бошқасига секин ўта-диган.
64. Барча билан муносабатларда бир хил.
65. Баъзан одамларга яхши баҳо беришда уларни жуда кам биладиган.
66. Ҳамма нарсада тартибни ёқтирадиган.
67. Янги вазиятта қийинчилик билан мослашадиган.
68. Фаолиятсиз, кам ҳаракатли, бўшашган ва суст.
69. Вазмин.
70. Ихтиёрий ҳазилга кулган пайтлари бўлган.
71. Тортинчоқ ва уятчан.
72. Янги вазиятда ўзини йўқотадиган.
73. Янги одамлар билан алоқа қилишда қийнала-диган.
74. Ўз кучига ишонмайдиган.
75. Баъзан сўкинишни истаб қоладиган.
76. Ёлғизликни осон енгадиган.

77. Муваффақиятсизликларда рұхий түшкүнлик ва саросималикни ҳис этадиган.
78. Ўз ўй-хаёлига ботишга мойил.
79. Тез толиқадиган.
80. Газеталардаги бош мақолаларни ҳар куни ҳам ўқыйвермайдиган.
81. Баъзан пичирлашгача ўхшайдиган, заиф ва тинч нутқ сўзлайдиган.
82. Суҳбатдош феъл-авторига беихтиёр мослаша-диган.
83. Йирлагудай даражада тез таъсирчан.
84. Таңбек ва мағтовларга ўта таъсирчан.
85. Баъзан бугун қилиниши мумкин нарсани эртага қолдирадиган.
86. Ўзингизга ва атрофдагиларга юқори талабни намоён қиласидиган.
87. Гумондорлик ва сохталикка мойил.
88. Ортиқ даражада таъсирчан **ва** тез жizzакила-шувчи.
89. Ниҳоятда таъби нозик.
90. Ҳулқи меҳмондагидай унча яхши эмас.
91. Киришимсиз, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳеч ким билан баҳам кўрмайдиган.
92. Сусткаш ва журъатсиз.
93. Итоаткор ва гапга кирадиган.
94. Атрофдагилар ёрдами ва ҳамдардлигини даъват қилишга интиладиган.
95. Ўйинда ютқазишдан кўра ютиш мароқлироқ.

25-саводан бошлаб «0» ва «5» рақами билан якунланувчи рақамларни айлантириб чизинг, яъни қуйидаги рақамларни: 25, 30, 35, 40, 45, 50, 55, 60, 65, 70, 75, 80, 85, 90, 95. Сиз аллақачон фаҳмлаганингиздек, бу 15 савол — сохталикни аникловчи детектор. Лжедетектор бўйича учдан зиёд салбий жавоб берилганида сўровномани ишлаб, битириш ҳеч қандай мантиқда эга эмас. Модомики, саволларга юрақдан жавоб берилмаган. Яна

синовдан ўтиш мумкин. Лекин энди анча юрақдан, түгри жавоб бериб.

Агарда 1-20 саволларга ижобий жавоб берган бўлсангиз, сиз — холерик, 21-44 — сангвиник, 46-69 — флегматик, 71 -94 — меланхолик.

Сўнгра мижоз формуласидан фойдаланиб, мижознинг барча тури бўйича фоизини ҳисоблаб чиқасиз ва уларнинг нақдлигини миқдорларда намоён қиласиз.

$$\Phi_T = \frac{Ax \times 100\%}{A} + \frac{Ac \times 100\%}{A} + \frac{Af \times 100\%}{A} + \frac{Am \times 100\%}{A}$$

Эслатма:

Aх, Ac, Af, Am — мижоз маълумотлари ҳужжатида ижобий жавоблар сони (тегишлича).

A — синов саволларининг умумий сони — 80, сохталики билувчи детектор саволлар ҳисобга олинмайди.

ПИКНИК ВА АСТЕНИК

Кўпгина олимлар, жумладан россиялик ёзувшунослар Д.М.Зуев-Инсаров ва В.Д.Берлов тадқиқотлари кўрсатганидай, қуйидаги руҳият турлари ҳақида гапириш мумкин: астеник, пикник, атлетик. Пикникнинг руҳий типи одамлар билан осон яқинлашиш, мулоқотга эҳтиёж, янги мухитда ўзини бемалол тута олмаслик, сергаллик ва очиқкўнгиллик билан изоҳланади. Астеник — мутлоқ қарама-қарши феъл-атворли, камгап одам. Руҳият турини етарлича аниқлашни таҳдил ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Юриш-туришнинг айтиб ўтилган хусусиятларига эга бўлиш ҳақида ҳукм юртизиш мумкин. Бунинг учун манба берувчи графологик белгилардан бири ёзувдаги ҳарфларнинг юмалоқли ёки қирралилиги саналади. Шундай қилиб, ёзувни тадқиқ қилаётсиб, профессор Р.И. Черановский пикник ёзув тепасининг юмалоқли-

ги, эгилишдан эгилишга ўтишнинг равон хусусияти билан ва бурилиш, эгилишларнинг нисбатан кам сонлилиги билан характерланади. Мижоз хусусиятининг бир мунча умумийлигини бирлаштирувчи атлетоидлар ва астеникларда, эгри чизиклар кескин бурчакли хусусиятта эга. Эгри чизикларнинг тепаси чўзилади ва бирордан бошқасига кескин ўтиши кўринниб туради.

Мисол учун, Бисмаркнинг, яъни табиий астеникнинг дастжатини рус ёзувчиси В. Ивановнинг равшан ифодаланган ёзуви билан солиштириб кўрилса, биринчирига мос келувчи эгри чизикларнинг ниҳоятда ўхшашлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, пикник ёзуви алоҳида чиқсан ҳарфларнинг мавжуд эмаслиги билан ифодаланади. Улар томонидан ёзилган сўзлар эса ўзида бир туташ, равон бир бутун, бир ва икки мураккаб қия чизиклардан тузилган ёзувни мужассам этади. Катталиги, шакли ва қиялиги бўйича баробар ҳарфлар юмaloқ шаклда. Ёзувнинг умумий енгиллиги, эркинлиги, равонлиги, микрографиядан холилигининг умумий таассуротида пикник ёзувининг бир-бирига ўхшашлиги кузатилади.

Астеникнинг ёзуви бир ёки бир неча қуйидаги хусусиятлар билан ифодаланади:

- сўзнинг бир неча қисмга, ҳарфларга ёки бир-бири билан борланмаган ҳарф бўлакларига бўлинганлиги;
- ҳарфлар борланган бўлса, жимжимадорлик ва нотекислик касб этиши;
- алоҳида ҳарфлар нотекис, катталиги, шакли, қиялиги бўйича нотўғри, юмaloқ эмас, учи қиррали эканлиги билан;
- баъзан ҳарфларнинг юмaloқ ва равон, лекин алоҳида ҳарфларни киритишда ортиқча диққатлилик ва аниқлик кузатилади;
- маълум «болага хослик», янглиш, ишончсиз ёзиш;
- микрография;

- ёзувнинг тошдай қотиб қолганлиги, унинг на ҳиссиётда, на ёзув тезлигига ўзгармаслиги;
- ҳарфларнинг грайритабиий қиялиги.

Астеник «фикрловчилар» ва пикник «сүхбатдошлар» ёзувидан фарқли ўлароқ, атлетик ёзуви анча фолдир. Маълум даражада турли вазиятларда атлетек «амалиётчи» ўзи учун танлаган рол билан борлиқ. Бир рордан бошқасига «амалиётчи» атлетикни ўтказиб, гавдалантириш тегишли ёзувда намоён бўлади.

Пикник ва астениклар ёзувини тадқиқ қилишда босиб ёзишдаги фарқ, босим маромидаги, босиб ёзиш кучини ифодаловчи қия ёзув хусусияти кўзга ташланади.

Профессор Д.Гуревич ёзув хусусиятининг физиологик изоҳини топади: пикникларда яққол кайфиятнинг тезда ўзгаришига мойиллик ифодаси мавжуд.

САХИЙЛИК ёКИ ТЕЖАМКОРЛИКНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Графолог мижозига: «Сиз кўп пул сарфладингиз, аммо мижозингизда мақтанадиган бир тийин ҳам йўқ», деб айта олмаса керак. Лекин исрофгарчиллик ёки зиқналийка мойиллик ёзувда намоён бўлади. Пули йўқ одам ниҳоятда сахий бўлиши ҳам мумкин. Киссасида миллион долларга зга одам эса анча тежамкор бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Шу сабабдан, сиз ёзувда сахийлик ёки ажиб исрофгарчиллик хислатлари намоён бўлганини кўрганингизда ва таҳлил қилганингизда, ушбу хислатларнинг мавжудлигига эътибор беришингиз мумкин. Шуни пайқаш мумкинки: «Сизда пул сарфлаш истаги мавжуд» ёки «Сизда сахийликка, олийхўмматликка мойиллик бор».

Мижозингиз ҳамёни маҳкам қулфланган ёки ланг очиқ эканлигини аниқлашга ёрдам берувчи ишкита усул мавжуд: бу сўзлар ва сатрлар ўртасидаги оралиқ, шунингдек, ҳошиялар катталиги, энлилиги бўйича

маълум. Графолог ҳошиялар энлими, торми, улар гоҳида тор, гоҳида энли бўлишига аҳамият бериши лозим. Агарда сўзлар ўртасига оралиқ бўлмаса ва сатрлар бири-бирининг устига чиқиб кепса, бу тежамкорлик-нинг яқъол белгисидир. Агар сўзлар ва сатрлар орасигаги оралиқ катта бўлса, бу одамнинг сахийлиги, олийхимматлигидан далолат. Ушбу оралиқ қанча катта бўлса, харажатлар номувофиқ ва гайриотадий бўлмагунчада истрофгарчиликка мойиллик кучайди.

Кўпинча одамлар киши майдада ҳарфларда ёзса у тежамкор ёки ҳатто қурумсоқ бўлади, деб ҳисоблайдилар. Йирик квадрат шаклда ёзувчи одамни сахий, дея санайдилар. Бу аслида ундан эмас. Ҳарфлар катталиги сахийлик ёки тежамкорликни аниқлашда сўзлар ва ҳар бир сўздаги ҳарфлардай аҳамиятли рол ўйнамайди.

Агар сўз ва сатрлар бири-бираига зич жойлашган, ҳарфлар эса майдада бўлса, бундай ёзув ниҳоятда тежамкорликдан нишона беради. (16-расм). Бундай одам нафақат бошқаларга ёки ташки мақсадларга, ҳатто ўзи учун ҳам пул сарфламайди. Агар майдада ёзув сўзлар ўртасига катта оралиқ билан бирга келса, унда одам ўзига кўп сарфлашга мойил бўлади (кичик ҳарфлар истакнинг жиҳдийлигидан далолат беради). У бошқа одамларга нисбатан жуда сахий.

Агар одам сўзлар ва сатрлар орасига кичик оралиқ қолдирса, ҳарфларни эса йирик ёзса – у ҳам тежамкор саналади. Шунга қарамай, йирик ҳарфларда ёзувчи киши анча бамайлихотир ва майдада ҳарфлар-

Сўзлардаги олар айри билди, муроди сиёҳларнинг оларни
Ейи сериф, олди генгизларни белгани ўз сиёҳларни ўзлари
Ворелик учди Сирди, оли ёки бартичиликни айриш, бартичилик
хизи ташни учди ишмаклиниади. Улутлигини учди номиди. Оларни
тебовини иш дарсанда ишни, та турди, дарсанда ишни. Улутли. Оларни сиёҳларни
тубдуда, оларни ҳарф бўлуди. Ўзини хизи фарзандиди. В тубдуда дарудуда, тубдуда
тубдуда, даруда дарудада ҳарфлари, бомони, сиёҳлари. Шундукдан ташқарашада
сокланадиган чиҳшиғарни макони чиҳшиғарди. Котурасдан даруди сиёҳларни сиёҳларни
Чиҳшиғарни ташқарашада ишни ўзини в сурʼиини даруди ҳарфлари. Бартичиликни

иш саб тағархаш
 маддий шотиакиц
 16 08 08.
 Этуд жиссаошими маддичин би
 амал р.сими
 Торж та ж: түрлиши
 1. Торж иб= маддичин та ж: асос би:чи
 2. Торж иб= абрюнчики та ж: зонд поинчи

17-расм

га ёзувчи одам сингари вазмин эмас. Гоҳида одамлар жамиятнинг жони дили бўлган одамлар қурумсоқ, зикна эканлигидан ҳайратда қоладилар. Бу йирик ҳарфларда ёзашган, лекин сўзлар ва сатрлар орасига оз жой қолдирадиган одамдир. У ҳамманинг кўз олдида сахийлик билан пул сарф қиласди. Лекин пулни совуришдан шахсий ҳузур-ҳаловат олиш имкони йўқ, бўлиши биланоқ унинг исрофгарчилик харжлари тўхтатилади.

Агар ҳарфлар йирик, улар орасигаги оралиқ эса анча бўлса, бу ҳолда одам сахийлиги чегара билмасдир (18-расм). Бундай одам ўзига ва бошқларга харж қилишга шайдир.

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, одамнинг сахийлиги ва тежамкорлиги борасида фақат ҳарфлар катталиги бўйича ҳукм қилиш ярамайди.

ҲОШИЯЛАР КАТТАЛИГИ

Ҳошиялар катталиги графологта одамнинг исрофгарчиликка мойиллик даражасини аниқлашига имкон берувчи қўшимча қўрсатгич ҳисобланади. Қорознинг ёзиб тўлдирилган варағига қаранг. Рўпарангизда рамкадаги сурат ва ҳошия мутаносиб равиша энли ёки тор эканлигини аниқлашга интилинг.

Варағнинг ҳар тарафидан энли ҳошия (чап, ўнг, паст ва тепа) билан ёзилган ёзув – яхши дид, қиди-

рилган нарсага сезувчан майл ва нодир нарсаларни қўлга киритиш учун пул сарфлаш истагидан нишон беради. *Варақни ҳар тарафдан пропорционал ўраб олувчи энли ҳошияларнинг мавжудлиги* – нафақат сахийлик белгиси, балки пулга анча қимматли нарсаларни қўлга киритишга имкон берувчи батъманилик белгиси ҳамдир. *Пастда ва юқордиға ҳошиялар йўқ бўлган ҳолларида чапдаги ва ўнгдаги энли ҳошиялар мавжудлиги* ҳам сахийлик белгиси. Лекин батъманиликдан нишон бермайди. *Фақатгина чапда тўхтаган энли ҳошиялар (ўнгдан тор ҳошияларда)* – курашишга интилган ҳулкнинг исрофгарчиликка мойиллигини намоён қиласди. Охир оқибатда киши йирик харжаларни майда тежамкорлик билан тиклашга интилиб, «бир тийин устидаги қалтираш» и «минг сўм йўқотиш» даги каби қолатни юзага келтиради.

Чапда қолдиришган тор ҳошиялар (чапда энли ҳошиялар мавжудлигига) – киши ўзини тежашга мажбур қилишини, аммо у маблағни тежаш эмас, балки сарфлашни анча яхши кўриши сабабли бунинг уддасидан чиқолмаслигини англатади. Эҳтимол, бундай одам оиланинг қатъий бюджети ҳақида сафсата сўқишини ёқтирас. Аммо у бунинг уддасидан чиқиш ёки чиқмаслиги анча шубҳалидир.

Кўпинча одамлар пулни сарфлашда тежамкорлиги зарурлиги борасида гап тарқаттанини эшигитиши мумкин. Лекин аслида уларнинг ўзлари бундай қилмайдилар. Шунингдек, одамлар ҳулқи аксинча бўлса ҳам, ўз сахийлиги, олийхимматлиги билан мақтанадилар. Эҳтимол, бундай одамлар пулни қандай сарфлаш борасида яққол тасаввурга эга эмаслар.

Киши варақнинг четига яқин ёза бошлаб, астасекин ўнга сурисса, ҳошия энли бўлиб қолади. Табиатан пулни харж қилишини ёқтирадиган одам шундай ёзади. Бундай одам ўз харажатларини маош кунида маълум пулни ажратиб қўйгани ҳолда ёки ҳар ойнинг биринчи кунида қатъий назорат остига олади. Лекин кей-

ин ўзининг пул сақланадиган жойига ҳужум бошлайди. Натижада ойнинг охирида пул сақладиган разнаси бўм-бўш қолади. **Кенгайган ҳошияларда ёзувчи одам умидсизликка тушмайди.** У қайтадан тежашни бошлайди. Шубҳасизки, унинг табиий исрофгарчиликка мойиллиги улар устидан устун келади.

Бошқа бир одам *варақнишг теласига чапга қолдирилган, секин-аста кичраювчи ва бутунлай йўқолувчи ҳошияни эни қиласи*. Мазкур ҳолатда исрофгарчиликнинг вақтингчалик кўтарилиши, тежамкорликка ички чорлаш билан тезда босилади. Гоҳида бундай одамда сажийлик кучайиши вужудга келади. Биринчи учрашувда одам пулни ўнга, сўлга сарфлагандай туюлади. Эҳтимол, у ўз маблағларини баҳам кўришга ваъда берган ва бу ваъдани берган вақтда уларни амалга ошираман, деб ишонганди. Шунга қарамасдан, ҳошиядан олинган маълумот у бундай мажбуриятларга содик қола олмаслиги ва унда тежамкорликка иштиёқ ролиб келишини кўрсатади.

Яна бир мисол. *Ёзув жараёнига ҳошия (айниқса, чап тарафдан) баробар қиррага эга эмас: у ё эни ёки топ, қирра тоҳ бу томонга, тоҳ у томонга буралади*. Бундай ҳошия пулга талвасали муносабатни билдиради. Бундай одамлар ички туртки таъсирида пулни сочадилар. Ўз бюджетини ўйлаб ўтиришга ва ўз харжларини назорат қилишга қодир эмаслар. Уларда ҳозирча пул бор экан, уни харжлайди. Агар пули кўп бўлса, улар вақтини чор ўтказади. Улар ўзларининг беташвиш ҳаётини ўзгалар билан баҳам кўришга шайдирлар.

Бироқ пулсиз қолганларидан сўнг сипо ҳаёт тарзига тез кўникадилар. Бундай кимсалар ҳаётни ва одамларни баҳо кўрсатгичлари билан ўлчамайди. Улар пулларда маблағни кўрадилар, мақсадни эмас. Биринчи на муна бўйича ёзган киши сингари бу одамлар ҳам режалар тузади. Ўзига маблағ, яшаш борасида ваъдалар беради. Лекин режали харж қилишларда ҳеч қандай рўшнолик кўрмайдилар. Камдан кам бюджет борасида ўз режаларни бажарадилар.

Чапдан ва ўнгдан баробар төр ҳошиялар – киши тежамкорлиги ва харидларида оқилона баъманилигини намоён қиласди. Агар бутун варақ ёзув билан тўла, яъни ҳошия деярли йўқ бўлса ёки умуман бўлмаса – бу ўз пулларидан имкони борича фойдаланишга интилишдан нишона. Бундай одамлар нима қиммат, нима арzonлиги ва уларни қандай тежаш лозимлиги борасида нотўри тасаввурга зга бўладилар. Шунингдек, ўз хатти-қаракатларида жиiddий хатоларга йўл қўядилар.

Хатога йўл қўймаслик учун қорознинг катта варғида таҳлил ўтказган маъқул. Одатда катта ҳошия, сўз ва сатрлар орасида бўшлиқ қолдирувчи одамлар ҳошиясиз ёза бошлашади. Улар кичик қороз парчасига ёзишга мажбур бўлишса, сўзлар ва сатрлар орасидаги оралиқни сиқиб борадилар. Сизга кичик қороздаги ёзув намунасини беришса, катта қороздаги бошқа намуна сўранг. Агар бундай намунани олиш мумкин бўлмаса, катта варақда ёзганда сўзлар ва сатрлар ўртасида шундай оралиқ ва шундай ҳошия қолдирадими ёки йўқлигини сўраш керак.

Кўпинча биз бир хил микдордаги пулга эга икки киши хариддан сўнг турлича натижа билан қайтишини кузатишимиш мумкин: бири бошқасига қараганда анча кўп ва қиммат нарсалар сотиб олади. Биз болалар пулга қандай ёндашишини ҳам кузатишимиш мумкин: бирлари пулни дарҳол сарфлашни мўлжаллайди, бошқаси уларни ақчадонга солиб сақлайди.

Уларнинг пулга муносабатини олдиндан аниқлаш мақсадида сўзлар ва сатрлар ўртасида қандай оралиқ қолдириши ва қанчалик ҳошия қолдиришига назар солиш кифоя.

ТАШҚИ КҮРИНИШ ВА УНИНГ ЁЗУВДА АКС ЭТИШИ

Баланд бўй. Сатрлар охиридаги ҳарфлар баробар чизиқлар билан тутайди, ёзув ўзгарувчан, лекин жойи-жойи билан босиб ёзилган. Чалкаш бўлмаган ҳарфлар ва бир хил қатор бўйлаб кеттан; сўзнинг катта қисми бошқа сатрга ўтмайди.

Паст бўй. Безатилган гажакли чизиқли, худди унга бўй беришига интилгандай ўта чўзиқ ҳарфлар; бўш жой қолдирган ҳолда сўз охири ёзиб тутатилмайди ёки бошқа сатрга ўтказилади.

Ўрта бўй. Сатр охиридаги учта ҳарф тушириб қолдирлади; сатр бошида ҳарфлар сиқиқ, баробар, охирида эса сийраклашиб ва пасайиб боради.

Тўлалик. Босиб ёзишнинг катта қисми ҳарфларнинг иккинчи қисмida қилинади; майда, чаплашиб кетган ва туталланмаган ҳарфлар учрайди.

Озғинлик. Баъзи ҳарфлар гўёки чизилгандай, сўзлар чўзиб ёзилган; тиниш белгилари жуда интичка ва майда.

Қора сочишлар. Юқорига кўтариувчи сатрлар; айниқса бош ҳарфлар гажакларида кўрсатилганидай чиройли шакл бериш истаги билан анча қунт билан чўзилган; ҳарфларнинг ўзи эса кўтарилган.

Сарғиш сочишлар. Равон сатрлар, майда ҳарфлар; сатр охиридаги ҳарфлар энсиздроқ бўлиб қолади; ёзув нозик, чўзилмаган.

Ёшлик. Ҳарфлар чўзилган, равон; тўғри чизиқли сатрлар; янгиликни кўрсатувчи шакл бир хил интилиш билан ҳарфларга берилган.

Кексалик. Ҳарфлар – оддий ва равон; илдам ва равон кетган, тажрибали қўлда ёзилгани каби чиройли, тиришмасдан ёзилган; баъзан титрашлар сезиларди ва ёзувда табиий нотекислик пайқалади.

Яқшини кўриш. Сиқиқ ҳарфлар, чапланган, майда; аста-секин кичраювчи ҳарфлар тугашида ишонч-сизлик, баробар қатор бўйлаб жойлашган.

Узоқни күриш. Ҳарфлар түгри, күтарилиган, катталашувчи, эркин, юмалоқ, шаклларнинг чиройли тутатилиши билан изоҳланади. Нуқталар кучли тарзда қўйилган.

ҲИССИЁТ ВА ЁЗУВ

Ақл ва юрак уйғулиги. Графолог учун ёзувдаги қиялик (ўнгта, чапга ёки қандайдир бир қияликнинг мавжуд эмаслиги) жуда муҳим. Яқинлик даражаси ва уларни ифода қилиш қобилияти «ҳиссиёт шкаласи» билан ўлчанади. Ёзувларни ўрганаётib, уларни ўчаб ўтиришингиз лозим бўлмайди ва сиз дарҳол қиялик катталигини аниқлашга қодир бўласиз.

Ўнгта қиялик. Бу ёзувдаги энг одатий қияликдир. У илиқ, дўстона табиатни очиб беради. Ўз ҳиссиётларини очиқ ойдин ифода этувчи ва ўз ҳиссиётларини назоратда ушловчи одам шу тариқа ёзади. Шунга қарамай, бу жудаям ички туртки сабабли юзага келадиган табиат эмас. Бундай қиялик билан ёзувчи одам бошқа одамлар билан чиқишиши мумкин. Чунки унинг феъл-авторида мулоқатта киришишга самимий мойиллик бор. У узоқ вақт ёлғизлиқда бўлса, курсанд бўлмайди.

Бундай одам севиб қолса, ўз ҳиссиётларини яширмайди. Ўз ҳиссиётларига жавоб талаб қилишади. Ўнгта қия ёзувчи одам уйланса (ёки турмушга чиқса) – уйда ўтиришни истамайди. Аксинча у жамоат ҳаётидан ҳузурланади ва ўз уйига дўстларини чақиришни ёқтиради.

Чапга қиялик. Бу ерда анча кескин хислатлар на-моён бўлади. Бундай қиялик яқинликнинг мавжудлиги ва ўз ҳисларини кўз-кўз қилиш истаги мавжуд бўлганида, бу хислатлар ўнгта қия ёзилганга нисбатан анча яққол ифодаланган бўлади. Ўнгта қия ёзиш янги рояларни қабул қилишда катта куч-куvvват ва ғайратни акс эттиради. Бу ерда романтик ички турткilar анча қизгин. Агар бундай ёзувда ёзган одам севиб қолгудай бўлса

— у бир бокищда «қаттиқ севиб қолади». Севган кишиси ундан бошқасига эътибор берса, у ўз ожизлигини, заифлигини намоён қиласди.

Ўнгта қиялаб ёзиш — рашкка ва севги муносабатларини шахсан бошлашга мойиллиги мавжудлигини акс эттиради. Ҳамма одам ҳам ўзларида ҳатто ёзув таҳлилида мутахассис эътироф этганида ҳам бундай хислатлар борлигини тан олмайдилар. Ёлғизлик бундай одамларга қарама-қарши қўйилган. Улар доимо фаолликка муҳтож ва турли хил одамлар билан учрашишни истайдилар.

Ўнгта қиялатиб ёзувчи одам севги дардига мубтало бўлса — ўзига шундай ҳисобот бериши керакки, у аниқ ва қизиқарли қуршовга, муҳитта муҳтожлигини билдирысин. Бундай романтик ва ҳиссиётли табиат уни икки тарафлама завқ олишга ундаиди. Эҳтимол хушомадга ўчлиги сабабдир бунга.

Орқага қиялаб ёзиш. Орқага қиялаб ёзиш — ақл ҳиссиётни назорат қилишидан далолат. Агар сиз орқага қиялатиб ёзувчи ҳар қандай одамнинг қалбини эгаллашни истасангиз, унумтмангки, бу қалбга йўл унинг ақли орқалидир. Бундай одам севишга қодир. Лекин бунга ақли йўл қўйсагина, у севиб қолади. Шунинг учун бундай одам учун ҳиссиётларни ташқарига чиқариш хос эмас. Иштиёқ эса ўз-ўзидан тийилади.

Улар ёзувини таҳлил қилувчилар учун бир огоҳлантиришни айтиб ўтиш жоиз. Бу хилдаги ёзувни ёш одамларда учратсангиз — ёзувларини ўнгта қиялатишдан — чапга қиялатишга алмаштирганида ҳам шундай ёзган, ёзмаганликларини сўраб билинг. Ёшлар (айниқса, ёш қизлар) ҳиссиётлардан баланд бўлиши учун ўзларини ақлли ҳис этадилар. Улар ўта заковатли. Ишқ-муҳаббат каби «ерга борлиқ» нарсалардан ўзларини баланд ҳисоблайдилар. Графолог эса бу ёшдаги одамларнинг орқага қиялатиб ёзишларидан ҳеч ҳайратланмайди. Лекин улар ёши учун ўзига хос бўлган ҳарфларнинг йирик ва юмалоқ шакллари, болаларча, ёш ҳолда

қолган ёзувлари билан ўз феъл-атворларини очиб беришади.

Кўп ҳолларда бундай «ясама» ҳолатдан бош тортиш (ҳарфларни орқага қиялатиб ёзиш билан ифодаланган) – ёзув биринчи – ўнга қияланган шакла ўтади. Кўп оналар ташвишланиб, сўрашадики: «Бола ўз ёзувини ўзгартиришга қатъий тиришиши ва орқага қиялатиб ёза бошлиши нимадан дарак беради?» Графолог уларни тинчлантириб, уларнинг зурриёти ўсиш жараёнида эканлигига, унинг ақли тараққий этаёттанига, шу боис у ўз мустақилларини намоён қилаёттанига ишонтиради.

Тўғри ёзув. Орқага қиялатиб ёзишда ақлнинг юрак устидан назорати худди шу ерда намоён бўлади. Аммо бу вазиятда ҳиссиётлар тушкунлиги анча равshan ифодаланган. Тўғри, қиялатмасдан ёзган одам – чапга қиялатиб ёзган киши каби ҳиссиётта бой бўлиши мумкин.

Ўнга кескин қиялатиб ёзувчи одам – ўз ҳиссиётларини очиқ-ойдин намоён қилса, тўғри ёзувчи одам – ўз ҳиссиётларини ифода қилишда анча босиқдир.

Тўғри ёзув – сирлиликка мойилликни кўрсатади. Бундай одамнинг ташки ниқоби ортида ҳиссиётлар туғёни яширинса-да, совуқлонлик ва яширинлик таассурутини беради.

Кўпинча орқага қиялатиб ёзувчи одамни тушуниш мушкул. Сиз бундай қиялатиб ёзувчи одам билан муносабатда бўлсангиз, ҳиссий портлаш белгиларига дуч келишингиз мумкинлигига шай туринг. Совуқлон ташки кўриниш ортида эҳтирослар вулқони турён уриши мумкин. Ҳеч кимса вулқон отилиши қачон содир бўлишини билмайди.

Ўнга қиялатиб ёзувчи одам сингари тўғрига қаратиб ёзувчи одам ҳам ҳиссий муносабатда шахсий интилишларини намоён қилиши мумкин. Агар ундан етарли эътибор кўрмаса – буёри рашк...

Унинг атрофида гиларни тушуниши осон эмас. Қизиқиши ва севгисини изҳор қилиш учун ташаббусни қўлига олишига имкон бериш лозим.

Юқориға күтарилиувчи тик ёзув ёки сўз. Қачонки ёзув тик – на ўнгта, на чапга қияланмаган бўлса – ақл ва кўнгил ўртасида мувозанат мавжудлигидан далолатдир. Бундай одамнинг ўзини тутиши қаттиқ назорат остида. У ҳамма нарсани оқилона тарозига тортиб кўришни, ўлчашни истайди. Ўзгарувчан ҳисларга ва тасодифий ҳаракатларига гирифтор бўлмайди.

Тик ёзадиган одам севгига гирифтор бўлса – ҳиссий туйгуларини очиқ-ойдин, дарҳол ифода қилишини кутмаслик даркор. У билан яқинлигингиз ҳар кунги яхши муносабатларнинг кўпайиши билан ижобий тус олиши мумкин.

Тик ёзувчи умр йўлдош хурсандчиликни ва рўзгор ташвишларини хотиржамлик билан қабул қиласди. Бу ақл ва кўнгил уйгунилигидан далолат. Уларда ақл ҳам, юрак ҳам бир-бирига қарши турғен урмайди.

Балки қўлингиздаги ёзув юқоридагиларнинг ҳеч бирига мос келмас. Яъни чапга, ўнгта ва тик қиялатиб ёзилган қарфлар бирикмасини ўзида мужассам этган ёзувдир у. Унумтмангки, бутун бир сатр бир тарафга қиялатиб, ундан кейингиси бошқа тарафга ёзилган ҳолатлар ҳам бўлади. Кўп ҳолларда ҳар бир сўз ўз қиялигини ўзгартади. Бу ёзув муаллифи кайфияттининг қулидир. Бу вазиятда ақл ва ҳиссиёт низода бўлади. Яъни: ақл – юрак билан, эҳтиёткорлик – таъсирчалик билан курашади. Улар ўзгарувчанлиги ва тирноқ остидан кир излашлари билан ажralиб туради. Бу уларнинг яхши ёки ёмон ниятидан эмас. Балки назорат қилинмаган ҳиссиётлар қурбони бўлганлигидандир. Бундай ёзув соҳиблари ёлғиз бўладилар. Кўпинча бетакрор табиатли одамларга айланадилар.

Ёзув бир тарафга қияланганини, лекин ёзилгандарни диққат билан кузатилса, илмоқли ҳарфлар («в», «д», «з», «у», «ц», «щ») бошқа тарафга қиялатиб ёзилган ҳоллар ҳам бўлади. Маслан, сўз ўнгта қия ёзилган, илмоқли ҳарф эса чапга. Ёки сўз орқага, илмоқли ҳарфлар эса ўнгта қия ёзилган. Бу – одам қатъиятсизлиги-

дан далолат. Янги танишлар, улар билан учрашиш ва янги рояларни қабул қилиш улар учун қиймат касб этмайды.

Баъзан графологлардан сўрашади: «Менинг ёзувимдан севиб қолганимни билиш мумкинми?» Ёки «Унинг ёзувидан мени севиш-севмаслигини аниқласа бўладими». Бундай саволларга ижобий ёки салбий жавоб бериб бўлмайди. Ёзувда одам севишга қодирми ёки йўқлиги акс этади. У кимнидир севиши ёки севмаслигини билиш мумкин эмас. Бундай саволларга берилган жавоб гумон ва тахминлар доирасига мансуб. Бу графологлар ваколатига кирмайди.

Бир тарафга қиялик таҳлилида ҳиссиётта бойлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини билиб бўлмайди. Ёзув қиялигини бошқа кўрсаттичлар билан солиштириш зарур. Мисол учун, чапга қиялатиб ёзиш (оловли қалб ва түрёнли ҳиссиёт белгиси) вазминликни англатувчи – майда ҳарфлар, киришимли табиатни ифодаловчи – катта ҳарфларни ёзишда қўлланилади. Бу қиялатиб ёзиш – одам кескинлигини очиб ташловчи кучли босиб ёзиш билан кўп ҳолларда бирга келади. Шунингдек, ҳиссийлик, таъсирчанлиқдан далолат берувчи салгина босиб ёзиш билан бирга келиши ҳам мумкин. Шу сабаб, чапга қиялатиб ёзувчи одам – очиқ, самимий ва қайноқ қалбdir. У жуда таъсирчан бўлиши ҳам мумкин. Тажовузкор ва тийиқсиз бўлса-да, ҳиссиётларини изҳор қилишда у жуда қўрқоқ. Қиялатиб ёзиш одамни ақл ёки юрак бошқаришининг кўрсаттичи эмас. Бундай ҳислатларни оширувчи ёки заифлаштирувчи бошқа бир бутун белгилар мавжуд.

Айтмоқчи, қиялатиб ёзилган ёзув фақат ишқ-муҳаббат сифати билан чекланмайди. Бундай ёзувларнинг ўзгариши бирга ишловчи, бир синфда ўқувчи ёки бир гурухдаги одамлар бир-бирлари билан келишиб кета олиш, олмасликларини аниқлашга ҳам имкон беради.

Ёзувдаги қиялик иш муносабатларида ҳам муҳим саналади. Бирорта ширкат ўзига киришимли ва эркин

одамлар зарурлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам биринчи навбатта номзодларнинг аниқ ўнгта ёки сўлга қиялатилган қўлёзма хужжатларига эътибор қаратадилар. Кўпинча йирик ҳарфларда, кучли босиб ёзилган, тик ёзувга эга номзодга ижобий баҳо берилади.

Битта жойда ишлайдиганларнинг бири — орқага, бошқаси олдинга қиялатиб, учинчиси — тик, тўртинчиси — турли қияликлар бирикмасида ёзади. Хулоса чиқариш мумкинки, бу корхонадагиларнинг бир фикрга, битта келишувга келиши жуда қийин. Устоз ва талаба, ота-она ва фарзанд борасида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Барча вазиятларда одамлар яқин алоқада бўладилар, аммо бир-бирларини тушунмайдилар. Бунда графологнинг роли ниҳоятда муҳимдир. У кимнинг қайноқ қалблигини, кимнинг совукқонлигини ва кимнинг ҳар иккаласи ўртасида бир хил туришини айтиб бера олади.

Агар жамоат иштирокчилари ўз феъл-атворлари асосини тушунсалар, уйғун муносабатларга эриша оладилар.

ОПТИМИЗМ ЁКИ ПЕССИМИЗМ

Ёзувнинг тўғри таҳлил қилинишида сатрлар йўналишига эътибор қаратилади. Демак, матн чизиқсиз қорозга ёзилган бўлиши зарур.

Кимнингдир ёзувини таҳлил қилмоқчи бўлсангиз, варакда ётиқ чизиқ ўтказилганлигини тасаввур қилинг. Тасаввурингиздаги чизиқقا риоя этилган ёки ундан бош тортилганлигига эътибор беринг.

Тўғри чизиқ бўйлаб йўналган ёзув — майда нохушлик ва шикоятлардан хафа бўлиши мушкул одамга тегишилдири. Бундай одам ўз фикрлари ва юриш-туриши ҳақида ўйлади. Ўз кайфиятини назорат остига олади.

Агар ёзув чизиқлари юқорига кўтарилса — бу оптимиздан нишона.

Бундай одам руҳини туширмайди. Ишонч ва умидини сақлаб қолади. Олдинга интилади ва бунинг баробарида шухратпараст саналадилар. У хайрихоҳ дўстдир. Шунинг учун ҳам атрофдаги вазиятта яхши мослашади.

Баъзан сатрлар катта бурчак остида юқорига чиқиб кетади. Бошини баланд кўтариб, ерда юрганини унугиб қўювчи одам шундай ёзади. Атрофидаги вазиятни пайқамаслиги сабаб, кўпинча хатоликка йўл қўяди, бу оптимист. Бундай одам ўзича баҳтлидир.

Қарама-қарши кўринишдаги мунтазам пастта тушувчи сатрлар ҳам мавжуд. Бу — барчага шубҳа билан қаровчи пессимистнинг ёзуви.

Агар сатрларнинг пастта тушиши ноаниқ ифодаланган бўлса, пессимизм ўзида бироз эҳтиёткорлик ва танқидийликнинг ҳамоҳанглигини мужассам этади. Бу ёмон хислат санаалмайди.

Сатрларнинг бирдан пастта тушиши — тушкун кайфиятдан олиб чиқиши қийин бўлган, ўзига ишонган пессимистнинг белгисидир. Тўғри, бу вақтингчалик ҳолат. Унинг таҳлилдан олдинги ёзув намунасини кўриб чиқиши ва сатрлар бундан аввал қандай бўлганлигига зътибор бериш яхши самара беради. Дадил одамнинг вақтингчалик сорлиги яхши бўлмаслиги мумкин. Ёки тушкунлик келтирувчи воқеа юз берган ҳолатлар учрайди. Бундай ҳолатларда унинг ёзувидаги сатрлар беихтиёр пастта йўналади. Шароит ўзгариши билан сатрлар тезлик билан равон ёки юқорига ўрмаловчи ҳолатига қайтади.

Келининг, биргаликда *сатрлариаги сўзлар гоҳ юқорига, гоҳ пастга сакровчи ўзгарувчан кайфиятдаги одамнинг ёзувини таҳлил қиласиз.*

Бундай одамда вақт, жой, кайфият атрофдаги кишиларга боғлиқ равиши мунтазам ўзгариб туради. Уларнинг қатъий бир йўналиши йўқ. Гартиб талаб қилувчи ҳар қандай ишга, уй ёки хоббига мослашишлари қийин.

Кўплаб одамларда муваффақиятга интилмаслик ҳолатлари учрайди. Ўзи ҳам, атрофидагилар ҳам унинг

муваффақиятта қандай эришганидан ҳайрон қоладилар. Бундай одамларда сатрлар йұналиши ва ҳарфлар қиялиги доимийлик билан ажралиб турмаса-да, үзгариб туради. Улар ушбу вазиятта зътиборини жалб этишлари лозим. Шунингдек, үзгарувчан кайфиятларини назорат қилишлари керак.

Еш графолог сатрлардаги йұналиш қандай бирекиши ва ҳарфлардаги қиялик ҳосил бўлишига зътибор бериш лозим. Ҳарфлар қиялигини (гоҳ орқага, гоҳ ўнгта, гоҳ тик) үзгартирувчи одам — сатрлар йұналишини (юқорига, пастга, тўғрига) ҳам үзгартиради. Доимий қиялик билан ёзувчи киши — сатрларни бир хил йұналиш билан ёзади.

Графолог алоҳида ҳарфларни ўрганишга киришгунча, асосан сатрлар йұналишига қараб таҳлил олиб боради. Бу бир оила аъзолари ёзувини тадқиқ қилишда жуда муҳим. Агар ота-оналардан бирининг сатри юқорига, бошқа бириники эса пастта қараб кетса — баҳс беришда келишмовчиллик юз бериши тайин. Бу келишмовчиллик нафақат эр ва хотин ўртасидаги муносабатда акс этади. У болаларга ҳам тегишлийдир.

Айттайлик, ота-онада сатрлар йұналиши бир хил. Уларнинг фарзандларидағи йұналиш бунинг акси. Яъни ёзувдаги сатрлар йұналиши турли-туман. Бундай ҳол фарзандлар феъл-авторидаги турлиллик моҳиятини ота-она тушуниши қийин эканлигидан далолат беради.

Мустаҳкам умумий манфаатлар асосига қурилган дўстлик гоҳида нотўғри тушинилган кайфият туфайли зўриқишига дучор бўлади. Инсоний муносабатларнинг барча жабҳалар — уйда, ишда, мактабда ёки гурухларда улар атрофидағилар таъсирланишини ҳисобга олишлари даркор.

ҲАМКОРЛИК ЁКИ РАҶОБАТ РУХИ

Ёзишни ўрганган пайтимиизда бизга юмалоқ ҳарфларни ёзиш осонроқ. Ўша вақтлар ҳуснихатда тасвирланганидек ёзганимиздан ғуурлангандирмиз, эҳтимол. Лекин юмалоқсимон ҳарфларимиз бора-бора бурчаксимон хусусиятта эга бўлади. Ёзувдаги бундай ўзгариш онгнинг ривожланиши ва фаолиятнинг ўзгариши билан рўй берди. Бироқ юмалоқ ҳарфлар билан ёзадиган катта ёшдаги одамлар ҳам мавжуд.

Юмалоқ ҳарфлар – ҳамкорликка мойил киши билан муносабатда бўлаётганимизни англатади. Бундай одам бошқалар билан шодлик ва қайгуларини баҳам кўришни ёқтиради. Ёки меҳнат фаолияти, ижтимоий фаолигини ўзгалар билан баҳам кўргандагина қаноат ҳосил қиласди. Улар ўз қарашларини тасдиқлашда қатъият кўрсатишга мойил эмас. Шунинг учун ҳам кимдир ташаббус кўрсатишни кутади. Бундай одамлар учун ёлғиз яшаш – ҳақиқий баҳтсизлик. Тажовузкор шиддатни, босимни талаб этувчи фаолият уларга мутлақо хос эмас. Юмалоқ ёзадиган одамларни тушуниш қиррали ёзув эгаларига қараганда анча осон.

Қиррали ёзув – тортишув, кимўзарга мойил руҳдан нишона беради. Бундай одам учун мустақилликка интилиш, тафаккур, ўз режаларни тузиш ва амалга ошириш хосдир.

Юмалоқ ва қиррали ёзадиган одамлар ўртасидаги асосий фарқ – бошқалар билан яқин алоқага боғлиқлик ва руҳ мустақиллигидан иборат. Бундай умумий фарқлардан ташқари юмалоқсимон ва қиррасимон ёзувнинг турли йўналишлари мавжуд. Бу мавжудликларда намоён бўлган феъл-атворнинг бошқа таҳлил усуслари ҳам қиймат касб этади.

Агар юмалоқ ёзувда бош ҳарфлар орасида юмалоқлари ҳам пайдо бўлса – билингки, бу одам юмшоқ

фөзл-атворли. Унга «бировнинг қиёфасига кириш» ва тажовузкорона кўринишга эга бўлиш муаммо эмас. Қиррали майда ҳарфлар учрайдиган юмалоқ ёзув – ҳамкорликка мойил кишига тегишли. Шу билан бирга, бундай ёзув эгасида мустақилликка мойиллик ва озгина муромбирлик ҳам бор.

Юмалоқ ҳарфлар жуда йирик ёзилган бўлсанчи?! У ҳол ўз шахсиятини намоён қилишга мойил одам уларни ёзганлигидан далолат беради. Бундай одамнинг қатъий эътиқоди йўқ. Одатий ҳаёт тарзининг бузилиши уни ташвишлантирмайди. Бундай қарама-қаршилик эҳтиёткорлик ва ўзига ишонмаслик бўлиб ҳисобланади. Унинг билан қилинадиган ҳамкорлик ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўринг.

Юмалоқ ва майда ёзилган ҳарфлар йирик юмалоқ ҳарфлар каби кўп учрамайди. Бундай бирикма ёзув муаллифида аниқ ва равshan, эҳтиёткор ақл мавжудлигини кўрсатади. У дикқат талаб қилувчи ишни бемалол амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари, бундай ёзув эгаси ҳамкорликка қобиллик ва холис иш кўриш хусусиятига эгадир.

Қиррали, асосан йирик ва кучли босим билан ёзилган ҳарфлар – ёзув эгасининг тиришқоқ ва шуҳратпарастлик табиатига эгалигини кўрсатади. Бундай одамда муросага келмайдиган қадриятлар тизими мавжуд. У ишда ва шахсий муносабатларда тобе вазиятда қолишни ёмон кўради.

Жуда майда ва ўта равshan қиррали ёзув – ишни аъло даражада удалайдиган мутахассис ақлидан нишонадир. У истаган натижасига зришмагунча фикрини чалғитмайди. Бундай одам ҳеч нарсани «Қилиниши шарт!» деб қабул қилмайди. Унга асоснинг муҳимлигига этиши, баён қилинган ғояни таҳдил қилиши мароқлидири.

Баъзан ҳарфларнинг ғалати ёзилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. **Қиррасимон бош ҳарфлар**, ўз нотекислиги билан ажралиб турувчи майда ҳарфлар бун-

га яққол мисолдир. Бу ғалати кўриниш – катта ички ҳаракат кучига эга одамга тегишли. Бундай одам одатий мутаассибликка риоя қилмайди. Унинг шахсияти ноодатий ва қизиқарли. Унда яшаш иштиёки баланд ва кўпинча одатий тартибларга тескари. Бундай одамда кимўзарлик руҳи ривожланган. У лоқайдликка йўл қўйниши мумкин эмас. Айни пайтда ўзи интилаётган мақсадларга фикрини жамлай олмайди.

Қиррасимон ёзувчи одам юмaloқ ҳарфлар билан ёзувчи кишига нисбатан шошқалоқ. Унинг асаби билан ҳазиллашманг. Йўқса янги рояларнинг охиргиси каби секин қабул этилишига замин яратасиз. Юмaloқ ёзадиган одам гоҳида нафрат ила қиррасимон ёзувчини қабул қилади. У кўпинча ўзидағи ён бермаслик «фазилат»ини намоён этади ва жўрабошилик қилишга интилади.

Юмaloқ ва қиррасимон ёзувчи одамларнинг фикрлаши, одатлари ва феъл-авторидаги хусусиятлари бирбиридан мутлақо фарқ қилади. Улар дид, қарашиб катларда уйғунликка зришиши жуда қийин. Бундай ёзув таҳлилига оид яна бир фойдали далилни таъкидлаб ўтиш жоиз. Яъни бу фарқларни ошкор қилиш одамлар ўртасида энг яхши ўзаро муносабатларга зришиш имконини беради. Шунингдек, ўрнатилган муносабатлар давомийлиги ва холислиги билан ҳам зътирофга лойик.

Мисол учун, қиррасимон ва юмaloқ ҳарфлар бирикмасини оламиз. «Т», «и», «ш», «а» ҳарфлари бирбирига жуда ўхшаш. Ҳарфларда юқори ёйлар аниқ келтирилмаган. Дастреб бундай ёзувни ўқиши қийин. Шунга қарамасдан, сиз унга ўрганиб қолганингиздан кейин уни ўқиши қийин бўлмай қолади. Бора-бора унинг кўриниши ёқимлилик касб этади. Уста графологлар бу ёзувни *гираянг* ёзув дейишади (15-расм). У таҳдил учун жуда қизиқарли. Ҳузур, шинамлик ва дабдабани севувчи одам феъл-автори унда намоён бўлади. Бундай ёзувга эга одамларга бу ҳақда гапирилганида, улар бу фикрни

дарҳол рад қиласидилар. Кўрсатилган қаршилик сұхбат давомида чиқарилган хулосанинг тўғри эканлигини тан олиш билан якунланади. Бу ёзув эгалари кўшинча юзини тер босганча мөҳнат қилувчи, деярли ҳузур нималигини билмай ўтувчи одамлар тоифасига мансуб. Таъкидлаш жоизки, гирлянд ёзуви – ҳузур-ҳаловатга тўла, енгил ҳаёт истагини намоён этади. Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, графолог одамнинг қандай яшашини айта олмайди. У ёзуви таҳлил қилинаётган одамнинг қайси ҳаётта мослигига изоҳ беради.

Бундай ёзув эгаларининг яна бир фазилати шундаки, тароват ва фусункорлик бобида уларга тенг келиш жуда қийин. Гирлянд ёзуви эгаларининг яна бир сири шундаки, уларга жамоатта борлиқ ва ёқимли одамлар билан учрашишга имкон берувчи иш ёқади. Одатда улар мөҳмондўст мезбон ҳисобланадилар. Уй қурилишда, буюм, жиҳоз ва кийим-кечак танлашда ўзларининг ноёб дидларини яққол намоён қиласидилар.

ҲАМКОРЛАРНИ ТАНЛАШ

Сиз ёзувдаги қиялик, ҳарфларнинг қиёфаси ва катталиги, шунингдек, ёзувдаги босим, яъни – босиб ёзиш даражаси, сатрларнинг йўналиши каби сифатлардан боҳабар бўлдингиз. Улар бўйича одам феъл-атворини очиб берувчи асосий фарқлар борасида билимингиз бор. Юқоридаги манбаларга таяниб, уларни муҳокама қилишингиз мумкин. Қуйида сиз учун қизиқарли бўлган бошқа мавзулар борасида фикр юритамиз. Демак, мавзумиз ҳамкорликлар борасида.

Никоҳ борасида, иш ёки ижтимоий фаоллик бўйича ҳамкор бўлган икки кишининг ёзув намунасини қўлимизда дея тасаввур қиласиллик. Улар бизга нималарни сўзлайдилар? Нималардан огоҳ этадилар? Қандай сирларини бизга ошкор этмоқдалар?

Таъкидлаш жоизки, бу икки ёзув намунасидаги ўхшаш жиҳатлар уларнинг бир-бирига яқин хусуси-

ятлари борлигидан далолат. Ёзув намунаси таҳлилида уларнинг феъл-атворида умумий хусусиятлар борлигини аниқлаш жуда қизиқарли машғулотдир. Аввало бу икки ёзувни таққослаганда, уларнинг ҳар биридаги қияликтин солиштириб кўриш лозим.

Олдинга қиялатиб ёзилган ёзув – одамда меҳрибонлик табиати мавжудлиги белгиси. Яна ёзув эгаси ўз ҳиссиётларини яшириб ўтирмаслигини «таъкидлаяпти». Унутмангки, бу тоифадаги одамлар ўз ҳиссиётларини қай даражада бахш этса – сиздан шунчалик илиқлиқ ва эътибор олишни истайдилар. Ҳарфлар қиялиги қанчалик кучли бўлса – одам табиати шу қадар қайнок, шу қадар ўз ҳиссиётлари акс-садосига ташна бўлади. Бундай одам ёлғизликтин ёқтирумайди. Унга мулоқот зарур. Уларнинг қилаётган иши, айтайлик гапириши ҳам одамларда қизиқиш уйротади.

Орқага қиялатиб ёзилган ёзув – ўз ҳиссиётларини ифода қилишни истамайдиган одам ёзуви. У соувуклонлик ила оддинга қиялатиб ёзадиган одамга феъл-атвор жиҳатидан яқинроқдир. Тасодифий равища уларнинг ёзуви ва хусусиятлари бир-бирига ўхшаб кетади. Аслида бундай қиялатиб ёзувчи одам оддинга қиялатиб ёзувчи одамга нисбатан кучлироқ севиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамасдан, унинг қалби ақлнинг қатъий назорати остидадир. Шу сабаб у ўз ҳиссиётларини очик-ойдин ошкор қилмайди. Бундай одам гоҳида ёлғиз қолишини истаб қолиши мумкин. Унинг учун одамлар билан кўпроқ гаплашиш, мулоқотда бўлиш муҳим эмас. Шунингдек, чап томонга қиялатиб ёзувчи одамлар ташна бўлган фаолиятдаги турли-туманлик ҳам уни қизиқтирумайди.

Агар ҳар иккала ҳамкор бир хил қиялиқда ёзсалар – улар бир-бирларига осон ва тез кўнинадилар. Вақт ўтиб ёзувлари турли қиялик касб этганида ҳам улар бир-бирларини тўғри тушунадилар. Феъл-атворларини тушуниш борасида муаммолар деярли вужудга келмайди.

Эр-хотин ёзувидағи қияликнинг фарқини графолог дарҳол илграйди. Графолог бутун эътиборини вазижатта қаратади. Унинг вазифаси уларга ёзувидағи фарқлар борасида муфассалроқ маълумот беришдир. У «анча қизиққон, қайноқ» эр ёки хотин бошқасининг «совуққон» лиги — фақатгина юзаки эканлигини англаб етишини таъкидлайди. «Вазмин» ининг «қизиққон» умрйўлдоши учун ҳиссиятларга эрк бериши табиий эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиласди.

Аёллар анча қизиқувчандир. Улар кўп ҳолларда ўз маҳбуби феъл-авторини тушуниб оладилар.

ЭРКАК КИШИ ЁЗУВИДАГИ «НИҚОБ»ЛАР

Чаплашиб кетган ёзувга эга эркаклар, руҳшунослар фикрига кўра, биргина аёлга боғлангандир. Ҳаётида бошқа аёлларга ўрин бўлмайди. Уларнинг ҳаёти бетўхтов, алров-далров, шошилинч, лекин кам муваффақият қозонувчи фаолият билан ўтади. Жуда ишчан ва пухталиги уларни майда-чўйда ташвишлардан холос этади. Ишидаги бир-бирига уланиб кетувчи муваффақиятсизликларига ортиқча ишончсизлик ва шубҳа қилиши сабабдир. Чаплашиб кетган ёзув эгаларининг яна бир фазилати — улар ёмонликни яқинларига ҳам, бегоналарга ҳам раво кўрмайдилар. Шунга қарамасдан гоҳида уларнинг хатти-ҳаракатларини тушуниб бўлмай қолади. Бу кутилмаган вазиятларда, ички туртки сабаб ёки уларни бошқараётган кимнингдир таъсирида юз беради.

Ҳуснхам ёзувига эга эркак кишиларни графологлар заиф ва феъл-авторсиз одамлар жумласига кўшади. Жамиятнинг қайси синфига тегишли бўлишидан, қандай ҳаёт шароитида яшашидан қатъи назар, улар ҳаётини турли баҳтсизликлардан ҳимоя қила оладилар. Уларнинг ёнида кимнингдир борлиги жуда

аҳамиятлидир. Балки шунинг учун ҳам бу каби одамларнинг ҳаёти хотиржам ва равон, тушкунликларсиз ва парвозларсиз оқиб боради. Раҳбарлар чиройли ёзув эгалари – икки киши учун ишлашини яхши биладилар. Чиройли ёзув эгаларининг яна бир хислати шундаки, орада жиддий салбий вазият юзага келмаса, улар ишдан бош тортмайдилар. Оилада эса улар бенуқсон соҳибдирлар.

Йирик ёзув серғайрат, фаол, жуда киришимли эркак кишиларга хосдир. Лекин бироз бефарқлик улар учун хосдир. Бундай одам жуда ақлли. Эзгулиги, раҳмдиллиги, мардлиги, баъзан бепарволиги туфайли айёрликдан холи.

Ёзув ўнта қия бўлса – тез хафа бўлувчи, қилинган ёмонликни ҳар доим эсида сақловчи, кек тутувчи эркак киши қаршингизда турганини англашингиз мумкин.

Чап томонга қия бўлган ёзув – ўзини ўта юқори баҳолайдиган, доимо диққат марказида бўлишни истайдиган тоифага тегишли эркак кишиларга хосдир. Улар намойишкорлиги ва айни вақтда ўзларини қамтарин тутишлари билан ҳам ажралиб турадилар.

Қатъий тик жойлашган ҳарфлардан иборат ёзув – кучли ирода соҳибига хосдир. Улар режалари устида мукаммал ишлайдиган, уларни амалга оширишга астойдил ҳаракат қиладиган, жиддий одамлардир. Бу ёзувни турма етакчининг ёзуви, дея таҳлил қилинса, муболарага йўл қўйилмаган бўлади.

Юмaloқ ёзув – ўзига одамлар эътиборини жалб қилишни истаган эркак кишилар ёзувиdir. Уларда иззат-нафсини қондириш, қулоч ёйиш истаги аниқ ва равшан ифодалантган. Бир сўз билан айтганда у – тажрибасиз. Шунингдек, одатиyllикдан холи. Юмaloқ ёзув – ўзига бино қўйиш, мулоқотда эркинлик, серғайратлик ва иззатталаблик нишонаси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Майдга ёзув – эркак кишининг вазминлиги ва эҳтиёткорлигидан далолат беради. Ҳарфларнинг сиқиқ

ёзилиши эса унинг тежамкор ва эҳтиёткорлигидан да-
лолатдир.

*Илдам ва чаплашиб кетган ёзув — эркак киши-
нинг уддабуронлиги, фаоллиги, ҳар қандай вазиятда
осон йўл топа олиши ҳақида «мақтанаяпти». Нима ҳам
дердик, бу жуда тўғри.*

*Тушунарли, равон ва аниқ ёзувда узун чизиқ-
лар йўқ, ҳарфлар баланслигининг жойлашуви бир хил
бўлса — доимий нуқтаи назарга эга бўлган, вазмин эр-
как киши қўлингиздаги матнни ёзганлигидан бохабар
бўлаверинг.*

*Сатр охирига бўшлиқ қолдиришган ёки сўзла-
ри бошқа қаторга кўчиришмайдиган ёзув — анча эҳти-
ёткор, айтиш мумкинки, кўрқоқ эркак кишига хосдир.*

*Қаторлари охиригача тўлдиришган, охирги
сўзлари ҳарфларни сиқиш эвазига ёзилган ёзув — сев-
ги, ҳамдардлик бобида яқинларидан илтифот ва эъти-
бор кутмайдиган эркак кишининг ёзувиdir. У ҳеч кимга
юрагини оча олмайди. Кимгadir йиғлаб мурожаат
қилиш зарурияти уни қаноатлантирумайди.*

*Кучли босиб ёзилган ёзув — сабр-тоқатли, ҳар
бир нарсага жиiddий ёндошадиган, аҳамиятсиз санал-
ган ишларга ҳам иштиёқ билан киришувчи эркак ки-
шилар ёзувиdir.*

*Ҳарфлари ҳеч қандай босимсиз ёзилган ёзув —
эркак кишининг ўзига хос феъл-атвор эгаси эмаслиги-
дан, кўникувчанлиги «хабар беради».*

ТАҲЛИЛЛАР АСНОСИДАГИ ТАЖРИБАЛАР

Орқага қия ёзувчи + Олдинга қия ёзувчи = ҲАМКОРЛИК

Қия ёзишда намоён бўладиган феъл-атвордаги фарқ ишдаги ҳамкор ўртасида ўзаро тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳамкорлари орасида ўз совуққонлиги билан ажралиб турувчи ишчан одамнинг *орқага қиялатиб ёзиши* бизга маълум. У ўз ҳамкори нимадан ташвиш қилаёттанини аниқ билади. Фаол ижтимоий фаолиятта у осонлик билан эришади.

Киришимли, яъни *олдинга қия ёзувчи* ишбилармон ошна-օрайнигарчиликка тоқат қила олмайдиган ҳамкорининг вазминлигига қўл силтаб қўя қолади. Агар улар ўз ёзувини графологта тақдим қилсалар, ўзлари ҳақида қўйидаги маълумотларни оладилар: «Сиз ўзаро ҳамкорлигингизнинг муҳим жиҳатларини тушунтириб бериш салоҳиятига эгасиз. Самарали ҳамкорлик учун ёрдам берувчи қадамларни амалга оширишни таклиф қилишга журъатингиз етади. Асосийси ишни аниқ йўналишга йўллай оласиз».

Бундан ташқари, олинга ва орқага кия ёзувчи ҳамкорлар ўз мажбуриятларини қай тарзда яхши тақсимлай олишларини билганларида эди, тахмин қилганидан ҳам кўпроқ муваффақият қозонган бўлар эдилар. Яъни: киришимли киши одамлар билан кўпроқ учрашиб, корхонанинг ташқи ишларини юритса, вазмин киши унинг ички ишларини амалга оширган бўлар эди.

Интрроверт + Экстроверт = ДЎСТЛИК

Ўзаро дўстона муносабатга ўхшаб кўринадиган икки одам ўртасидаги арзимаган (эҳтимол, кенг кўламдаги) тушунмовчилик нимадан иборат? Агар уларнинг

ёзувидаги қиялик ўрганилса, бу тушунмовчилик барҳам топишига кафолат бор. Агар *интроверт* (ақл-заковатини ўз ичига йўналтирган одам) *экстроверт* (қизиқишиларини ўзини ўраб турган оламга йўналтирган одам) муносабатларининг ўхшаш ва қарама-қарши томонлари таҳдил қилинса — муаммо бартараф этилади. Графолог эса уларнинг муносабатлари учун йўл таклиф қилиши мумкин. Ўз навбатида экстроверт ўз дўстининг ҳулқи сохта эмас, балки унга хос бўлган табиий одатларнинг оқибати эканлигини англаб етади.

Қиррали ёзувчи + Юмалоқ ёзувчи = МУҲАББАТ

Кўнгилларнинг яқинлигини қиррали ва юмалоқ ёзувдаги ҳарфларнинг кўринишидан қам топиш мумкин.

Қиррали ёзув сохиби юмалоқ ёзувчи кишига нисбатан қайноқ ҳиссиётта эга бўлади. Жўшқин ҳисларини ўз болалари ёки уй ҳайвонларига эмас, балки ўз маҳбуби (маҳбубаси) га тақдим қиласди. У вазмин ва сипо кўринса-да, молпаст ва рашкчи бўлиши мумкин. Ўз маҳбуби (маҳбубаси) дан айрилса — оғир ва чукур жудоликни бошидан кечиради.

Юмалоқ ёзув эгаси ҳиссиётларни унчалик чуқур ҳис этмайди. Чунки у хаёлпастлиқдан йироқ. Лекин у ҳиссиётта берилувчандир. Бундай одам ўз ҳиссиётларини тақсимлайди. Яъни ҳиссиётларининг анча қисмини болаларига, уйига, уй ҳайвонларига, дўстларига ажратади. Бу тоифадагиларга ҳақиқий ота ёки оналик хосдир.

Хуроса қиласиган бўлсак, қиррали ва юмалоқ ҳарфлар билан ёзувчи кишилар ўртасидаги никоҳ бир-бирини тушунишини ва муросага келишга шай туришни талаб этади. Юмалоқ ҳарф билан ёзувчи одам — талабчан ва вазмин табиатли. У ҳар бир нарсани қандай бўлса — шундайлигича қабул қиласди. Бундай одам мавжуд ва-

зиятни тушуна олмайди, барчасини қандай бўлса, шундай қолдиради.

**Қиррали ёзувчи + Юмалоқ ёзувчи =
ҲАМКОРЛИК**

Агар ўзаро тушумовчилик ҳамкорлик борасида сақланиб қолгудай бўлса – кўп ҳолларда қиррали ҳарфларда ёзувчи киши муносабатларда танаффус қилишни лозим топади. Айни вазиятда бундай феъл-автор эгаси учун танаффус қилиш осон эмас.

Юмалоқ ёзув эгаси бу вазиятда ташқаридан вазмин кўринса-да, деярли уйқусини йўқотади. Бутун хаёлини айни вазиятдан қандай қутилиш фикри чуллаб олади. Китоб титади, яқинлари билан маслаҳатлашади, ҳуқуқий имкониятларини чамалаб кўради.

**Қиррали ёзувчи бошлиқ +
Юмалоқ ёзувчи ходим = ҲАМКОРЛИК**

Худди шундай таҳдил ва ёндашувни ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик борасида ҳам амалга ошириш мумкин. *Бошлиқнинг қиррали ёзувда ёзиши унинг талабчанлигидан далолат*. Ва билингки, у *юмалоқ ёзувда ёзадиган ходимига* нисбатан доимо сабр-тоқатли бўлавермайди. Бунинг сабаби тушунарли: юмалоқ ҳарфларда ёзувчи киши юмалоқ ёзувни матнда акс эттирувчи кишиларга нисбатан шошилмасдан ва пухта фикр юритадилар. Юмалоқ ёзув соҳиблари «Ақлда расо», дея таърифланади. Улар ўзларига ўхшаган ақл-заковатли кишиларни ҳурмат қиласадилар.

**Юмалоқ ёзувчи бошлиқ +
Қиррали ёзувчи ходим = ҲАМКОРЛИК**

Энди эса юмалоқ ҳарфларда ёзувчи бошлиқ феъл-авторини таҳдил қиласадилар. Фараз қилайлик,

унинг қўл остида қиррали ёзувда ёзувчи ходим ишлади. Қиррали ёзувчи ходим ақлли ва ғайратлилиги, тиришқоқлиги билан бошқалардан ажralиб туради. Эҳтимол, назарида латтачайнар бўлиб кўринган одамнинг буйруқ бериши унинг разабини келтиради. Қиррали ёзувда ёзадиган ходим юмaloқ ёзадиган бошлиғи талабларини камдан-кам адо этади. Бошлиқ аниқлик ва ғайрат талаб этувчи ишга ёки бўлимга раҳбар қилиб қўл остидаги бошқа қатъийятли ходимини қўяр...

Графолог барчанинг эътиборини ёзувдаги фарқقا қаратса, бу тарафлар учун фойдали бўлиб чиқади. Юмaloқ ёзувда ёзувчи бошлиқ ходимининг секин ишлашини тушуниши мумкин. Қиррали ёзувда ёзувчи ходим ҳар бир ҳарфни юмaloқ қилиб ёзадиган ўз бошлиғига нисбатан тоқатини намоён қила олишга куч топа олади. Бундай ўзаро тушуниш ҳар икки тарафга фойда келтиради.

Энг қизиги, қиррали ёзув эгаси худди никоҳдаги каби ҳамкорликда ҳам муносабатларни ўзгартиришга биринчи бўлиб ҳаракат қиласди.

Қиррали ёзувчи + Юмaloқ ёзувчи = ДЎСТАЛИК

Дўстлар ўргасидаги муносабатлар ҳам енгил бўлиши эҳтимол. Бундай вазиятда улардан бири иккинчи сига нисбатан ўта қаттиқ талаб қўяди. Униси итоаткороналикини лозим топади. Ҳайратланарлиси шундаки, юмaloқ қилиб ёзувчи жуда кўп одамлар қиррали ёзувга эга дўстларининг амри олдида итоаткорона таслим бўладилар.

Ўз-ўзидан равшанки, юмaloқ қилиб ёзадиган одамлар учун яхши. Чунки уларнинг қиррали ёзадиган дўстлари бор. Дўстларидан вазминлик, ўз ақлини ривожлантириш ва ҳаётий сабоқлар борасида «дарс олишлари» мумкин.

Шунга қарамай, дўстона муносабатлар бир дўстнинг бошқасига тобелигини инкор қилади. Графолог ўз маслаҳатлари билан дўстларга тенг ҳуқуқлиликка эришишига ёрдам бериши мумкин.

**Йирик ҳарфларда ёзувчи +
Майдага ҳарфларда ёзувчи =**ҲАМКОРЛИК****

Ёзуда ҳарфлар қиялиги ва шаклидан ташқари феъл-атвордаги фарқни очиб ташловчи бошқа хусусуяtlар ҳам мавжуд. Масалан, ҳарфлар ҳажми.

Биринчи одам *йирик ҳарфларда ёзди* ва у жуда киришимли инсондир. Иккинчиси эса *майдага ҳарфларда ёзди* ва ўз вазминлиги билан барчанинг зътиборига тушган. Улар орасидаги вазиятта баҳо берайлик. Ўртадаги фарқ ручка ёки қаламни босиб ёзишда намоён бўлади. Кучли босим билан ёзувчи ҳамкор катта тажовузкорликка, заиф босим билан ёзувчи киши эса хиссиятли табиатта эга.

**Йирик ва жимжимадор бош ҳарфда ёзувчи +
Майдага ва одатий бош ҳарфда ёзувчи =
ҲАМКОРЛИК**

Биринчиси *йирик ва жимжимадор бош ҳарфларда*, иккинчиси *майдага ва одатий бош ҳарфларда ёзасиган ҳамкорлар* бирикмаси қизиқарли натижада ҳосил қилади.

Уларнинг биринчиси зътиорталаб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлишга интилади. Ўзининг ўта киришимлилиги билан ажralиб туради. Бошқалардан фарқ қилиш истаги уни турли қўмиталарга, нуфузли клубларга етаклайди. Бош ҳарфлар йириклигидан ташқари турли гажаклар билан безатилган бўлса – бу ақлнинг романтик йириндисидан дарак беради. Бундай одамлар расмда уйни тасвирлаб, кириш эшигини чапга жойлаштирадилар. Ўз портретини ён томондан чизаётib,

юзни чапга буриб тасвирлайди. Бу ўтганларни соғинишидан далолатдир. Уларда чукур англаб етилмаган ўзидан қаоатланмаслик ҳисси мавжуд. Шунинг учун ҳам улар бошқаларнинг эътиборини тортувчи хатти-ҳаракатларини намоён қиласидилар.

Нисбатан майдо бош ҳарфлар — одам ўзига ортиқча эътиборни қаратишни истамаслигини ифодалайди. У ҳётида ва фаолияти давомида эҳтиёткорлик билан олға боришини истайди. Ўз фикрини айтишга, янги дўстлар орттиришга шошилмайди. Шунга қарамай, унда тўғри мулоҳаза юритиш, ривожланган интеллект, бошқа одамларни тушуна олиш қобилиятлари мавжуд.

Уни кўзга ташланмасликка нима мажбур этади? Бу қақда ёзувининг бошқа жиҳатлари гувоҳлик беради. Равшанки, у соя остида қолиб кета олмайди. Уулкан режалар муаллифига айланиши мумкин. Аммо режаларнинг амалга ошиши амри маҳол. Лекин режаларнинг вужудга келиш жараёни ва уларни чукур мулоҳаза қилиш одамнинг руҳиятини кўтаради. Унинг ўз-ўзини баҳолаши жиҳдий равишда ортади. Бундай фикрлар парвозидан сўнг ишга киришиш ва кўзга ташланмайдиган бўлиш жуда қийиндир.

Оила даврасида бундай одамлар ўз муваффақиятларидан намуна келтирган ҳолда, ўз яқинларини қандай яшаш ҳақида ўқитиши мумкин. Иш ва ишбилармонлиқда эришилган ютуқларни интилишлар самараси, деб ҳисобладилар.

Бу иккала тоифанинг ҳамкорлиги катта муваффақиятларга асос бўлади. Ва уларнинг муваффақиятли натижаларга эришганлигига жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биринчиси ўзига вакиллик, матбуот билан учрашиш вазифасини олади. Унинг ҳар доим қўли остида ишлайдиганлар билан алоқада бўлишига тўғри келади.

Иккинчиси сиёсат масалаларга, стратегия, турли хил режалаштириш, янги корхоналар тузиш ва фаолият йўналишларини ташкил қилишга дикқатини қаратади.

Бундай одамларнинг қамкорлигига расмий статуснинг бир хиллиги айни муддаодир. Фақат ўзаро мажбуриятларнинг қайта тақсимланиши барча муаммога нуқта қўяди.

ЯНА ИЛМОҚЛАР ҲАҚИДА

Дикқатимизни яна ёзув намуналарининг хилмакиллигига қаратамиз:

Ёзувнинг баъзи намуналарида илмоқ бутунлай ўйқ бўлади. Илмоқ қисми ўчиб, фақатгина гажаги қолгандаи туюлади. Бундай ёзув соҳиби учун мустақил фикрлаш хосдир. У оддий нарсаларни излашни ёқтиради. Баъзан эса бўлиб ўтувчи нарсаларнинг содда тушунирилишини афзал кўради. У миясини мавжуд бўлмаган майда-чуйдалар билан ачитишни ёқтирмайди. Мулоҳаза юритиш жараёни унда ажойиб кечади. Янги ғоялар билан қизиқади. Уларни муҳокама қилаётуб, бир дақиқа бўлса-да, воқеилиқдан узоқлаш ёки орзу қилиш имкониятига йўл бермайди. Бу ҳолат рўй бериши билан у ўйлаш жараёнини тўхтатади. Яъни осмондан ерга қайтиб тушади.

Одамлар билан муносабати эса қўйидагича: агар уларни аввалдан билса – ўзини хотиржам тутади. Ҳулқатворини аввалдан айтиш қийин бўлган одамлар уни чўчитади. Унинг чуқур мулоҳаза юритиши кўп вақтни олиши ва вазиятни қийинлаштиришини ҳисобга олиб, кўпчиллик уни ёмон кўради.

Бошқа ҳарфлар камталигига нисбатан пастки илмоқ пропорционал бўлмаган ҳолга йирикдир. Бу феъл-авторнинг хушчақчақлигидан нишонадир. Бундай одам меҳнат қилишга қодир. Унинг мияси жуда яхши ишлайди. Лекин ундаги муаммо – ишга меҳрисизликдир. У узоқ вақт бирор иш билан шугууланиши жуда қийин. Дикқати ва фикрини фақат битта ишга қаратиш унинг учун осон эмас.

Езувдаги шамоқ қанча юмалоқ шаклни олса – одам феъл-атвори шу қадар хушчақчақ бўлади.

Агарда шамоқда босим бўлса – бундай одамнинг спорт билан шуғулланишга мойиллиги бор.

Ҳарфлардаги ҳавариқ шамоқлар – дўстлари ва ўртоқларидан ажралган ҳолда ўриндиқда ўтириб ишлайдиган, ишга жалб қилинмаган одамларга хос. Уларни хилма-хиллик ва ҳузур-ҳаловатта тўла ҳаёт ўз комига тортади.

**Илмоқли ёзувчи + Илмоқсиз ёзувчи =
МУҲАББАТ**

Оилавий ҳаётда бундай турдаги икки киши бирбирига мос келиши ўта мушкул. Бир-бирига яқинлашиш учун улардан ҳар бири қандай қадам ташлаши тушунарсиздир.

**Илмоқли ёзувчи + Илмоқсиз ёзувчи =
ҲАМКОРЛИК**

Хизмат шароитида улар биргалиқда ҳамкорлик қилиши мумкин. Мажбуриятларнинг мақбул тақсимланиши янада самарали ҳамкорликни вужудга келтиради. Езувига шамоқлар йўқ бўлган одамга қисқача ҳисоботлар, хизмат мактублари, турли вазиятларда ўзини тутиш қоидаларини ёзишни топшириш мумкин. Ҳамкорларнинг иккинчи тоифаси ўз зиммасига вакиллик мажбуриятларини олиши, вазирлиқда қорозларни тезлаштириш, делегацияларни қабул қилиш, учрашувлар ташкил этиш каби ишлар билан шуғулланса айни муддаодир.

ЁЗУВДАГИ БОШҚА ҲОЛАТЛАР

Ёзувда катталаши, ҳарфлар қиялиги ва қаторларнинг йўналиши бўйича нотекислик ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ёзув соҳиблари учун таъсирчанлик, заиф ирода, иккиланувчанлик хосдир. Уларда ҳам мунтазам равишда меҳнат қилиш истаги мавжуд эмас. Баҳтта қарши уларда асад касалликларига мойиллик бор.

Ёзув тўла-тўқис, аниқ ва равшан. Бу ёзув эгалари ўзларига бошқаларнинг дикқатини қаратишни хоҳлайдилар. Уларда бошқаларга тушунарли бўлиш истаги мавжуд. Бундай одамлар ёзувидага сунъий тарзда намоён бўлиш ҳисси мавжуд эмас.

Кучли босимлар, чизиқлар йўқ, ҳарфларнинг ёзилиши – оддий ва текис, сўзлар ва қаторлар оралиги бир хил. Ёзувига мувофиқ тарзда ҳаётда ҳам бундай ёзувчилар ўзларини меъёрда ва бир хил тутадилар. Нигоҳларида доимийлик ва вазминлик кузатилади. Улар яширинлиқдан холидирлар. Нимани ўйласа, шу ҳақда сўзлаши билан ажралиб турадилар. Бошқалардаги оддийлик ва самимийликни қадрлайдилар.

Бир сўзга ҳарфлар ҳажмининг ўзгариши. Агар сўз майдага ҳарфлар билан бошланса, сўнгра аста-секин улар ҳажми бўйича катталашиб борса – ёзув соҳибининг сир сақлай олмаслигидан далолатдир. Бундай одамлар ўзларининг вайсақиликларини ёқтирумайдилар, аммо ўзларини бундан тия билмайдилар.

Тўғридан-тўғри қарама-қарши ёзилган сўзлар. Қизиқарли суҳбатдош бўла оладиган одамлар ана шундай ёзадилар. Ўз вақтида вазминлик «либосига бурканадиган» бу ёзув эгалари моҳир нотиқлик фазилатига ҳам эгалар.

Сўз охирни тўғри ёки тўлқинсимон чизиқларга айланаб борашибган ёзув. Бу ҳам одамнинг вазминлигидан, суҳбат мавзусидан четта чиқиши истагидан нишон беради. Аммо бу юксак эҳтиром ва судбатдошга ҳурмат билан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда бун-

дай ёзув одамнинг ғайратта иштиёқи йўқлигидан дало-лат беради. Баъзан кайфиятининг баландлиги унинг ишига унумлилик бахш этади.

Графолог янги ҳамкорнинг тўғри танланиши, эр хотинлар, дўст ва ишдаги ҳамкорлик борасида фойдали маслаҳатлар тавсия эта олади. Унинг тавсиялари муҳим ва фойдалилиги билан ҳам таҳсинга лойик. Ўзаро тушунчага эга бўлиш мақсадида ёзув матнларини таҳлил қилиб кўринг. Ёзувлар сизга жуда кўп нарсалар ҳақида маълумот беришини эсингиздан чиқарманг.

ЁЗУВДАГИ СИЗНИНГ ХУЛҚ-АТВОРИНГИЗ

ОЧИҚ ВА ЯШИРИН ХУЛҚ-АТВОР

Болалигингизда йирик ёки майда ҳарфларда ёзишини ўрганингизнинг мутлақо аҳамиятни йўқ. Ваҳт ўттеч, ҳар бир киши беихтиёр ўзига қулай бўлган ҳарфлар ҳажми, ёзув шаклини танлаб олади.

Ҳарфлар ҳажмида кўплаб эътибор қаратиш лозим бўлган турлар мавжуд. Улар зинг аввало уч тоифага бўлинади.

1. Майдага ҳарфлар – фикрни бир жойга тўплашга қодирликни англатади. Бу ҳолда одам ўз фикрларини ва ишларини ниҳоятда кўп йўналишларга йўналтиромайди.

Бундай одамнинг ҳулқи вазмин. У ўта қунтлилиги билан ажralиб турмаслиги мумкин. Табиатида тортичкоқлик мавжуд. Шунга қарамасдан, кўпгина майда ҳарфлар билан ёзувчи одамлар ўз жасурлиги билан дикқатта сазовордирлар. Уларнинг муҳокамасида ва хатти-харакатларида эркинлик мавжуд.

Шунинг учун фақаттина ҳарфлар ҳажмига қараб хulosса чиқариш ярамайди. Ёзувнинг бошқа хусусиятлари билан солиштириш мақсадида ушбу одамнинг кескин бўлмаган феъл-автори ҳақида гувоҳлик берувчи майда ҳарфларни эътиборга олиш зарур.

2. Йирик ҳарфлар – фикрнинг бир йўналишга борланиб қолишини истамаган ақлдан нишона (гарчи у бундай эътиборни бир жойга тўплашга эриша олса-да). Бундай одам учун холислик хосдир. У ташқи таъсирни бошқаришни истайди. Бу ерда «истайди» сўзини таъ-

кидлашни хоҳлардик. Чунки ёзувнинг бошқа жиҳатлари унинг ўз истаги ва умидларини амалга оширишга қодир эмаслигини кўрсатар, эҳтимол.

Йирик ёзув тобелик ролидан нафратланишдан гувоҳлик беради. Шунингдек, киши ўз фикрида қатъий туриб олишини кўрсатади.

3. Ўрта ҳажмдаги ҳарфлар – аксарият одамларнинг ёзувига хосдир. Шу сабаб ҳарфларнинг ўртача ҳажми графолог учун мустакил кўрсаттич бўлиб хизмат қила олмайди. Уни ёзувнинг бошқа хусусиятлари билан солиштириш лозим.

Йирик ва майда ҳарфларинг ҳар хил турлари мавжуд.

Бош ҳарфлар мутаносиблиги кичик бўлган майда, содда, равшан ва ўқиш учун енгил бўлган ёзув (ҳарфларнинг кичик ҳажмига қарамасдан) – сипо ва уятчан одамлар ёзуви. Бундай одам ўткир ва танқидий ақлга эга. Иш фаолияти давомида катта натижаларга эришишга қодир. Унинг ҳиссиётлари сиртдан намоён бўлмаслиги мумкин.

Айнан ёзилган ҳарфлар мавжуд бўлган майда ёзув (айниқса, бош ҳарфлар ораси очиқ ва нозик ёзилган бўлса) – ақлни бир жойга тўплай оловчи ва танқидий таҳдил қилишга қодир одамларга тегишли бўлган ёзув ҳисобланади. У уятчан табиатга эга эмас. Агар ушбу майда ёзув соҳиби «7» ни узун чизиклар билан чизиб ташласа – бу унинг кескинлигидан далилат беради. Шунинг учун ҳам бундай одам ўз-ўзини бошқаришни қисман сусайтиради. Очиқ-оидин ўз иштиёқини ифода қиласди. Одатда у сирлийкка мойчл.

Майда ёзувда кичик ҳарфларга нисбатан бош ҳарфларнинг номутаносиб равишда йирик бўлиши – одам феъл-авторининг юқоридағи тасвирларига тўлатуқис зид бўлиши билан диққатта сазовор. Мазкур мисолда одам ўзини ҳимоя қилиши учун етарли жасурлик ва ишончта эга бўлади. Жуда кўп ҳолларда бундай

ўзини тутиш саховатдан етишмовчиликка айланувчи вазминлик билан изоҳланади.

Майдга ёзув жуда зич, жимшидек ҳарфлар билан ёзишган бўлиб, уни ўқишда ҳийинчлик юзага келса – алоҳида яширин феъл-авторга эга кишининг матни кўлингизда турганлигини англаб олишингиз мумкин. Бундай одам ниҳоятда ажойиб фазилатта эга бўлиши мумкин. Фақат у бу фазилатларининг ривож топишига имкон бериш учун етарли ишончга эга эмас. У кўп вақтини ёзғизлиқда ўтказишни истайди. Баъзан бундай одамнинг вазминлиги ва ҳиссиётта бойлигини атрофидағилар қўполлиқ, дея баҳолаб, ногури тушунадилар.

Йирик ёзув – кўп нарсаларни кўра билиш ва одамларнинг дикқат марказида бўлиш истагидан дарак беради. Агар уларга эътибор қаратилмаса – атрофидағиларнинг эътиборини тортиш учун ўзини кескин ва тажковузкорона тута бошлайдилар.

Йирик ёзувда алоҳига ажралиб штурвчи белгилар бўлмаса – бу киришимлиликка интилишдан даюлат беради. Уларга шахслараро муносабатлар билан борлиқ ишлар тўғри келади. Бошқалар дикқат марказида бўлиш учун имконият яратади.

Ажралиб штурвчи белгилари билан кўзга ташланувчи йирик ёзув (айниқса, агар узун ётиқ чизиқлар мавжуд бўлса) – ижодий тафаккурдан, саҳналаштиришга мойилликдан ва алоҳида нарсаларга истамай эътибор беришдан дарак беради. Бу ёзув юқори малакали мутахассисларга хосдир. Улар ўз фикрларини баён қила оладилар. Уларни иш фаолиятида қўллашдан-да, қайтмайдилар. Ҳеч бир ишда яширинлик ва сирлиликка йўл қўймайдилар. Ҳатто уларда мавжуд бўлган манманлик оғриқли хусусиятга эга эмас. Уларнинг бу хусусияти арзирли мақсадларни ҳаётта тадбиқ қилиш учун фойдали сабаб бўлиб хизмат қиласди.

Агар қогоз варагига бежирим бош ҳарфлар эркин жойлашса – бу шахс бошқа одамларни идора

қилишга ва ўзига жалб қилишга қодирлигини англатади. Бундай одамлар киришимлидиirlар. Кўпинча романтикага мойил бўладилар. *Бежириш бош ҳарфларга эга ёзув жуда йирих бўлса* – ёзув эгаси ўзининг юксаклигини ҳис қилишидан далолат беради. Кўпинча бундай ёзувни қироллар оиласи аъзоларида, оқсусяклар авлодида кўриш мумкин.

Сўзлар орасига кичик жой қолдирилган ва ҳарфлари бурчаксимон бўлган йирих ёзув – зичлик ва қатъийлик мавжудлигидан дарак беради. Бундай одам ташки таъсиrlарга қаршилик кўрсатиш ва адолатга эришишни барча нарсалардан юқори қўяди. Одамлар билан яхши муносабатда бўлишда унга етадигани йўқ. Бундай одам аниқ ва қатъий қарашларга эга бўлади. У чала ёки тахмин бўлиб кўринган ҳар қандай таклифларни рад этади. Одамларга баҳо беришда, уларни «ҳақ» ва «ноқақ»ка ажратган ҳолда иш кўради.

Ёзувда юқори ёйта эга ҳарфларни ёзиш муҳим аҳамият касб этади («р», «п», «т» ва бошқалар). Навбатдаги таҳлиллар ёзув эталарининг қайси сирларини фош қилар экан?! Демак, «сафаримиз» уларнинг таҳлилларига.

Ёзув ҳажмига болиқ бўлмаган ҳолда (йирих ёки майда), бу ҳарфлар бошқалари билан баробар балансликда ёзишса – бу ўзини англатишни истаган шахс матнда худди шундай ёзишидан дарак. Бундай одамлар қизиқарли ҳаётта мойилдиirlар. Улар ўзларини мафтункор қилувчи чиройли либосларни ёқдиради. Шунингдек, ишда ва шахсий ҳаётда тиришқоқ бўлиш уларга хосдир.

Сўз бошига турувчи «м» ва «п» ҳарфлари ҳажм бўйича бошқаларига нисбатан катта бўлса – бу ўз қадр-қимматини кўрсатиш, намоён қилиш белгисидир.

Ушбу ҳарфлардаги баринчи ёй иккинчисига нисбатан катта бўлса – бу ташки кузатувларни пайқамайдиган ҳукмронлик хусусиятидан нишон беради.

Йирих ёзувда кичик ҳарфлардан ҳажми бўйича базўр катта бўлган бош ҳарфларнинг мавжудлиги –

графологнинг миясини гангитиб қўйиши мумкин. Лекин буни тушунтириш аниқ ва равшан: кичик ҳажмдаги бу бош ҳарфлар – ўзаро муносабатларда ҳар бир майда-чуйдага эътибор берувчи одамнинг ёзуви. Унинг эътиборидан ҳеч нарса четда қолмайди. Аммо иш фаолиятида бу қатъийликка унчалик ҳам амал қилмайди.

Баъзида йирик ёзувда ёзувчи одам почта открытикасига, кичик қороз бўлагига ёки майда қаторларга бўлинган варакҳа майда ёзувда ёзишига тўри келади. Майда қаторларга бўлинган қороздаги ёзув намунасига қараб, ёзув турини аниқлаш мумкин: йирик, майда ёки ўртача.

Ёзув давомига ҳарфлар ҳажми ва улар шаклиниг мунтазам ўзгариши – ёзув эгасининг фикрини бир жойга тўплай олмаслигидан дарак беради. Ёки бу – ички ҳиссий низога эга бўлганлигидан нишонадир. Бундай ёзув одамнинг бир намунасида учраб, бошқасида учрамаса – одам феъл-авторини аниқлаш мүшкул. Графолог ёзуви ўрганилаётган киши ташқи кўринишидан қатъи назар, анча ҳаяжонланганлигини билади.

Майда ёзувли ҳарфлар ҳажмининг хилма-хиллиги – анча ҳиссиётли табиатни акс эттиради. Модомики, ҳиссиётлилик кайфиятда ўзгаришта сабаб бўлса, бу онгизз равишда ҳарфларнинг турли ҳажмларида акс этади.

Йирик ёзувда ҳарф ҳажмларида жузъий ўзгариш кузатилса – майда ёзувга хос бўлган табиатнинг ҳиссиётлилиги эмас, балки кайфиятдаги ўзгаришлар белгисидир. Чунки йирик ҳарфлар билан ёзувчи одам – ўзгарувчан кайфиятларини, майда ёзувда ёзувчи киши – ўз ҳиссиётларини ҳеч қачон ошкор қиласлиги мумкин. Улар ушбу вазиятларда ички зўриқишини, эҳтимол яширин дардни бошларидан кечириши мумкин.

Пасти – торроҳ ва юқориси – энлироқ бўлган ҳарфлар – одамнинг ташқи кўринишидан хайриҳоҳлигини акс эттириб турса-да, унинг эҳтиёткор табиатидан дарак беради.

Пасти – энли ва юдориси – төрроқ бўлган ҳарфлар – бу турли вазиятларда анча хайриҳоҳ ва ишончли бўлган одамга хос ёзув эканлигидан «хабар» беради.

МАТН ҚАНДАЙ ХУСУСИЯТЛАРГА ЭГА

Графологияни яхши тушунмайдиган одамлар баъзида ёзув эгасига нисбатан шошибилб холоса чиқарадилар. Агар ҳарфлар тик ва аниқ ёзилган бўлса – улар ҳайрон қолиб: «Қандай ажобий ёзув! Буни энг ақлли одам ёзган бўлса керак», деган холосага келадилар.

Агар ёзувлари аниқ бўлмаган, ҳарфлари нотекис, кўриниши пала-партиш бўлса – «Қандай хунук ёзилган! Бундай одам ёзишини ўрганиш учун мактабга қайтиши керак», деб фикр юритадилар.

Бундай фикрларнинг ҳар иккаласи ҳам янгиш бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда «чирайли» деб аталадиган ёзув эгасининг фикрлаши секин, хунук ёзувчи одамнинг ақли ўткир бўлиши мумкин. Чиройли юзли одамлар – ижобий феъл-автор эгалари, ташқи кўриниши хунук бўлганлар эса ахмоқ деб холоса чиқарилмаганидек, ёзувнинг ташқи кўринишидан одамнинг ички мояти ҳақида фикр юритиш нотўғридир. Диққатингизни турли ёзув намуналарига қаратамиз.

Аниқ ва равshan ёзув. Ҳарфлар секин ва диққат билан ёзилган. Ёзувда зътиборни тортадиган сезиларли ҳарфлар йўқ. Уларнинг йўқлигиги бу одам барча нарсаларни диққат билан чамалаб кўриш қобилиятига эга эканлигини кўрсатади. Айни вақтда унда эркинликка аниқ ва равshan интитиш мавжуд эмас. Бундай аниқ ёзув ҳамкорликка ҳар доим тайёрлиқдан далолат беради. Ёзув эркин, ақлий ишга мойил бўлмаган, аммо ақлли одамга тегишли.

Ёзув аниқ, ҳарфларнинг кўриниши асл бўлса – бу ижодий ақлнинг мавжудлиги, маънавий қизиқувчанлик ва аниқ фикр қилишга қобилликни кўрсатади.

Аниқ өзүнда ҳарфлар сезиларлы, бош ҳарфлар жимжимадорлык ва гажаклардан холи бўлса – биз янги шароитта тез мослашувчи ва янги роялардан фойдаланувчи, қизиқувчан шахс билан муносабатда бўлган бўламиз.

Тартибсиз, бир жойга тўпланган ҳарфларга эга ноаниқ өзув – равшан ва аниқ, мантиқий фикрлашга қодир бўлмаган ақл белгисидир. Ёзувнинг бундай хунук ва ноаниқлиги- ижобий фикрлаш маҳсули эмас. У чиадамсизлик, гумондорлик ва янги рояларни ўзлаштириш учун ўз ақлинни ишлатишни истамаслик оқибатидир. Бундай тартибсиз ва ноаниқ өзувчи одамни кўпинча тушуниш қийин. Бу өзув эгаларига ҳаётда баҳтга эришиш осон кечмайди. Кайфиятнинг тез-тез ўзгариши, ўз эҳтиёжига тартибсиз гул сарфлаш – қурумсоқлик, зиқналийкача олиб бориши мумкин. Уларда ўз мабларига калтафаҳмлик билан муносабатда бўлиш хусусияти мавжуд.

Бир боқишида ноаниқ кўринадиган, ҳеч қийналмай тушуниш мумкин бўлган, ҳарфлари содда ёзилган, деч қандай жимжималар билан безашга уриниш сезилмайдиган, имкон қадар чизиқларни олиб ташлашга интилишни пайдаш мумкин бўлган өзув – ўз фикрларини ижодий таърифлай оладиган, бегона рояларни осон англаб етадиган, мустақил фикрловчи ақл одатда шундай «ноаниқ» өзув ҳосил қиласди.

Ёзувдаги баъзи ноаниқликлар – вақтингчалик ёки доимий касаллик, рухий ҳолат, кексалик оқибатида вужудга келиши мумкин.

Ҳарфлари ҳар хил ёзилиб, иргиб чиққандек шакл ҳосил қилувчи ноаниқ өзув – графолог холоса қилишга шошилмайдиган ёзувдир. Бу ёзув эҳтиёткорлик талаб қиласди ва мураккаб таҳлилли ёзувлар жумласига киради.

Ёзув ҳақида унинг аниқ ёки ноаниқлиги асосида бир тарафлама холоса қилиш ярамайди. Аввал ёзувнинг барча хусусиятларини тушуниш, кейин эса унинг ташки кўринишига аҳамият бериш лозимдир.

Тури ишларга ниҳоятда мос келувчи жуда күп одамлар ишга олиш бўйича ёзган аризаларини хунук ёзува ёзганликлари боис сұхбатдан ўтиш имкониятидан мосуво бўладилар. Бу ниҳоятда ҳайрон қоларли ишдир.

Ўз-ўзидан равшанки, ёзув илмий таҳдил асосида эмас, балки ташки кўриниш нуқтаи назаридан кўриб чиқилса — номзодга нисбатан адолатсизлик қилинган бўлади. Бу билан раҳбар ўз корхонасига қарши йўл тутиб, яхши ходимдан мосуво бўлган ҳисобланади. Бу билан у фақат ўзинигина алдайди.

Ёзувнинг ташки кўринишига қараб ёш аёл (ёки эркак) ёзув эгасининг камчилик ва ютуқларини нотур-ри баҳоласа, шахсий алоқаларга катта талофтот етиши мумкин. Баъзи одамлар хат ёзишдан уялишади. Чунки бошқалар унинг ёзувига нисбатан танбеҳ бериси мумкин. Улар ўз дўстлари томонидан танқид қилинмаслиги учун ёзув машинкасидан фойдаланадилар.

Диққат билан ёзиш зарур бўлган ҳисбот ёки ҳисоб-китобларни олиб бориши каби маълум турдаги ишлар мавжуд. Шунингдек, ўқитувчилар ҳам ўз ўкувчиларига намуна бўлиш учун батартиб ёзиши лозим. Лекин ҳисобчи ва ўқитувчилар иш билан борлиқ бўлмаган ҳолларда умуман бошқача ёзадилар. Уларнинг ёзуви таҳдилида бундай вазиятларни ҳисобга олиб, уларнинг шахсий ёзишмаларидан намуна сўраш мақсадга мувофиқдир. Кутубхоначилар, чизмакашлар, график тузувчилар, босма ҳарфларда ёзиш талаб этиладиган ва ўта аниқ ёзувдан фойдаланилувчи муассасаларда ишловчи барча кишилар ҳам шулар жумласидандир.

Графолог ҳеч қачон ёзув намунаси қайси қорозда намоён қилинганига эътибор бермаслиги зарур. Мисол учун, ёзув намунаси тақдим этилган қимматбаҳо ва чиройли қороз бошқа бир кишидан ўзлаштирилган бўлиши мумкин. Матн сифати унча яхши бўлмаган қорозга ёзилгандир эҳтимол. У ниҳоятда ажойиб дид эгаси бўлиб, чиройли қороз сотиб олишга имконияти мав-

жуд бўлиши мумкин. Одам феъл-авторини у ёзган қоғоз турига эмас, балки ёзув хусусиятига қараб, аниқлаш лозим.

СИРЛИ ЁКИ КЎНГЛИ ОЧИҚ ОДАМ

Маълумки, баъзи одамлар кўп гапиришни ёқтири-майдилар. Улар уятчан, лекин сир сақладиганлар тоифасидан эмас. Кимларнингдир нутқи эркин бўлади. Лекин зарур бўлган нарсаларнигина гапириб, сирли қолишлари мумкин. Кимдир вазминлигини намоён қилиши ва одамлар ишончини сунстеъмол қилмаслигини аниқлаш учун ёзувнинг бир неча намуналарини кўриб чиқамиз.

1. *Сўз ҳажми жиҳатидан ҳар доим каттала-шувчи майда ҳарфлар билан бошланади.* Сир сақлай олмайдиган одамлар худди шундай ёзадилар. Эзгу нијатли эканликлари, ўзгалар сирларини ошкор қилиб қўймаслик учун сабр-тоқат қилиши ҳақида – сўз бошидаги майда ҳарфлар дарак беради. Бироқ тезда ҳамма нарса уннутилади ва улар гапга тушиб кетадилар...

2. *Йирик ҳарфлар ҳажми сўз охира га жимит-дек бўлгунга қадар кичиклашади.* Бу юқоридаги феъл-авторнинг мутлақо аксидир. Бундай одам қизиқарли суҳбатдош бўлиши мумкин. Аммо суҳбат учун мавзу танлашда у ўз вазминлигини намоён қиласди. Сўзда ҳарфлар ҳажмининг бундай кичрайиши – одоб сақлашда ва сир сақлашда асосий эътиборни талаб этувчи одамларда учрайди.

3. *Сўз охира тўғри ёки тўлдинсимон чизиқларга айланади.* Бу аввалги ҳолатдаги вазиятни англатади. Бироқ бу ерда вазминлик – сирлиликка айланади.

Сўз мутлақо аниқ ва равшанилик билан бошланаб, бора-бора ҳарфлар йўқда айланади. Кўп ҳолаларда бундай ҳолат ёзув матнидан кўра одамлар имзоларида кузатилади. Ҳарфларнинг бундай тугаши – но-

зик ақл, одамлар билан муносабатда дипломатлик ва айёрлиқдан нишона.

4. Сатр боши майдага ҳарфлар билан бошланыб, сүнгра көтталаша боради. Еки биринчи варақтар майдага ҳарфлар билан бошланиб, қолган варақтарда ҳарфлар көтталашиб борган узун ёзувлар. Мазкур ҳолатда ёзув намунаси охиридаги маълумотларга асосланиб таҳлил қилинади. Ёзув бошида у ўз сиполигини намоён қилади ва атайлаб ҳарфлар ҳажмини кичрайтириди. Ўз-ўзидан равшанки, ушбу йирик ҳарфларда (намуна охирида) киши ёзув бошида намойиш қилишга интилганидан кўра камроқ сиполик ва одоб эгаси эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Уларга мутлақо мұхим бўлган сирларни айтиб бўлмайди.

5. Йирик ҳарфлар билан бошланган матн охирги сатр ёки бетларда анча майдалашиб кетади. Бу вазиятда ҳам бошланишидаги эмас, охиридаги ёзув таҳлил қилинади. Ҳарфлар ҳажмининг кичрайиши – эътиборга тушиш истаги эмас, балки сиполик намунасиdir. У ишониб топширилган маълумотларнинг маҳфийлигини сақлашига амин бўлаверинг.

Таҳлилда алоҳида ҳарфларнинг ёзилишига эътибор қаратиш ҳам мұхим ҳисобланади. Баъзи ҳарфлар одам феъл-авторида сергаплик ёки индамасликка мойилилик даражасини аниқлашга имкон беради. Буни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин.

Ушбу ҳарфлар қанчалик «очиқ» бўлса – одам шу қадар сергапликка мойил бўлади. Ушбу ҳарфларни «очиқ оғизлар» кўринишида гавдалантириинг. Шунда ёзувдаги мойиликни англаш осонроқ бўлади. Бу – ёзув муаллифи турли миш-мишлар ёки бўлмагур овозалар тарқатишини ёктиради, дегани эмас. Аксинча, у – қизиқарли суҳбатдошдир. Суҳбатининг мазмуни ва йўналишини унинг ёзувини таҳлил қилувчи бошқа хусусиятлардан билиш мумкин.

«Очиқ «в» – «Очиқ «4» каби мазмун касб этапди. Бундай ёзган киши нафақат сергап, балки лақмадир. Графологлар бундай турни «Лакма «в», деб аташдилар.

«Епиқ» тарзда ёзилган бу ҳарфлар – сүхбатдаги сиполикдан дарактады.

Тутунчалари бор ҳарфлар – ўз нутқида ўта эхтиёткорликни намоён қилювчи одамларга хос. Бундай сиполик одамнинг хушмуомалалигидан дарак беради. Ва кўпроқ сүхбатдошига хабар бериш истаги билан ифодаланади. Бундай одамлар ўзларининг гўллиги билан ҳеч қачон ажralиб турмайдилар.

«Эгарсизон «с» – одамларни яхши тушунадиган кишилар ёзувида учратиш мумкин. Улар сир сақлашни биладилар. Ўз ихтиёрида бўлган маълумотларга нисбатан одоб сақлайдилар.

Босим, ҳажмлар ва ҳарф шакллари – сергаплик еки камгапликка мойилликдан дарак беради.

Йирик ҳарфлар билан ёзадиган киши майда ҳарфларда ёзадиган одамларга нисбатан анча сергапдир. Чунки унинг биринчи ҳарфи анча кенг ва киришимли табиятта эга эканлигидан далолатдир.

Ўта босиб ёзиш базўр ручка ёки қалам ушлайдиган кишиига нисбатан сүхбатлашишга мойилроқ бўлади. Чунки кучли босим – ўзи учун жавоб бера оладиган ва қарашларини баён қилишдан қўрқмайдиган одамларга хос.

Бир-бирига нисбатан турли фарқларнинг намоён бўлиши – юмaloқ ва қиррали қарфларга ҳам хосдир.

Юмaloқ ҳарфлар муаллифлари ҳаётта анча енгил муносабатда бўладилар. Уларда сирларини бошқалар билан баҳам кўриш истаги мавжуд. Шу сабаб уларнингн сир сақлашлари мушкул.

Қиррали ҳарфлар юқори даражада эхтиёткорлик ва аниқликни намоён қиласади. Улар ўзларига ишо-

ниб топширилган маълумотни ишончли сақловчи кишилардир.

Пастта ёки юқорига силжийдиган ҳарфларда ҳам сергаплик ёки сукут сақлаш белгиларини топиш мумкин.

Ҳарфлар ўз паспик ҳисмида кенгайса – бу одам суҳбатда ўта эҳтиёткор эканлигидан далолат. Бу «кенгайиш» ёки «торайиш» ни осонлик билан аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам катталашибурувчи ойнага мурожаат қилишимизга тўғри келади.

Сир сақлай олиш ёки олмаслик борасидаги маълумот – ўта маҳфий сирларни кимга ишониш мумкин ёки мумкин эмаслиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, иш фаолиятидаги сергаплик ва унинг ёқимсиз даржаси бўлган – вайсаш лик ҳақидағи маълумот кўпгина ишлар учун ўта муҳимдир. Аксарият иш берувчилар асосий зътиборини бу жиҳатга қаратадилар.

Гаплашишга қизиқадиган кишини тушуниш ҳар доим қийин кечади. Индамаслик эса ўзгартириб бўлмайдиган одатдир. Фикрларини қизиқиш билан баён қилалигинларни тушуна олмайдиган вазмин нутқли одамларнинг шикоятига тез-тез дуч келиш мумкин.

Сергапликни жўмрак мисоли ўчириб, ёқиш мумкин эмас. Уни инсондаги фазилат дея баҳолаб бўлмайди. Графолог матндан ёзувни таҳлил қилиш асосида феъл-авторнинг бу хусусияти кўламларини батафсилоқ англаши лозим.

ИМЗО ВА ГАЖАК

СИЗНИНГ ИМЗОИНГИЗ

Иш қорози, кичик мактуб ёки номани ёзиб тутагиб, жуда кўп ҳолларда ўз имзомизни қўямиз. Шу билан бирга атроф-муҳитта ўзимиз ҳакимиизда яна бир тасаввур берамиз. Айниқса, чизиқларсиз қорозга қўйилган имзони англаш жуда аҳамиятлидир. Бу вазиятда ҳар ким ҳарфларни ўзига хос баландлик ва кенглиқда ёзади. Чизиқ ва гажакларни феъл-авторидан келиб чиққан ҳолда қўллайди.

Одам феъл-автори кўпроқ унинг ёзувида намоён бўлса, имзо – унинг автопортретидай гап. Хулоса ёзувнинг графологик таҳлили билан бирга ўтказилгандағи на мукаммал ҳисобланади.

Деярли иш номаси компьютерда ёзилади ва имзо қўйилади. Бу имзони котиба ёки ҳар ким ҳам қўйиши мумкин. Шу сабаб тадқиқот манбаи учун матн ва имзо баробар тақдим этилса мақсадга мувофиқдир.

Имзо, одатда исм ҳарфидан бошланади ва қисқа ётиқ чизиқлар билан якунланади. Бу ҳақда батафсилоқ тўхталсак. Суҳбатимизни имзо турларидан бошлаймиз.

Гажаксиз имзо – имзо эгасининг маданияти ва дидидан далолат беради. Имзонинг бундай оддий кўриниши кўпроқ ёзувчи ва олимларга хос.

Тўғри гажак (18-расм) – тўлдирувчи имзо. Одамнинг сергайрат, қатъий ва кучлилигидан дарак беради.

18-расм

Тўлқинсизмон имзо – муомалага усталик (дипломатлик) ва қийин вазиятлардан чиқиб кета олиш белгисидир.

Юқорига томон кўтарилган имзо – одамнинг сергайрат, ҳиссият эгаси эканлиги ва оптимистик кайфиятидан дарак беради.

Ётиқ имзо – вазминлик ва саботлилик белгиси.

Пастга томон йўналган имзо – пессимизм, ўзига ишонмаслик, бажарилган ишдан қаноатланмаслик белгиси.

Йирик ва оралари очиқ имзо – имзо соҳибининг худбинлиги ва ўзига юқори баҳо беришидан далаотадир. Улар ҳаётнинг ўртача шароитларига мослашиши қийин.

Имзонинг бош ҳарфи исмни англатиб, кейин фамилияга қараб имзо қўйилса – ишчанлик, масъулляят ва ўйчанликдан хабар беради.

Бош ҳарфнинг чалкашлиги (*турли исмлар: отаси, ғевимли кишиларининг исмларига боғланиши*) – сирлилик белгиси. Бундай тоифадаги одамларнинг дўст танлашда катта талаблари мавжуд. Ҳеч кимга ишонмаслиги билан ҳам ажралиб турадилар.

Бош ҳарфни гажак ва чизиқлар билан ҳаддан ташқари безаб юбориш – иззатталаблик, худбинлик, иш натижаси ҳисобига ўзидан завқланиш, доимий алаҳсираш, ишда тўғри хулоса чиқара олмасликни англатади.

Имзода кўплаб тақрорланувчи бир хилдаги чизиқларнинг учраши – кўтаринкилик, сергайратлик, ижодкорлик, атрофидагиларнинг истиқболини кўра билиш қобилиятидан дарак беради.

Диққат билан ёзишган (*тез ёзишда*), ёзувода қўшимча унсурлар (*чизиқлар, илмоқ ва гажаклар*) мавжуд бўлган имзо – имзо соҳибининг катта тасаввурга, юксак бадиий диқда эгалидан нишон беради.

Пастга тушган мисол тўғри узук-юлуқ гажак – сергайратлилик, қатъийлик, жасурлик, тобе кишиларга нисбатан шафқатсизлик белгиси саналади.

Зигзаг кўршишидаги имзо — сергайратлик, фоллик, баланд кайфиятни намоён қилади. Уларда алоҳида масалаларга юзаки ёндашиб кузатилиши мумкин.

Имзо бошига пастдан қайрилувчи гажак — димоғдорлик, ва ҳеч кимга ишонмаслик белгиси.

Имзони бир вақтнинг ўзида матн билан бирга таҳлил қилиш зарурлиги таъкидланган эди.

Аввало ёзув ва имзо ўртасидаги фарқقا зътибор қаратиш зарур.

Ёзув билан имзода тафовутлар бўлмаса — инсон ҳулк-авторининг табиийлигидан далолат. Унда на ёлрондакам ғуур, на сохта камсуқумлик бор.

Ҳарфлар қиялигини таққослаш ҳам жуда муҳимдир. Тавофутларни аниқлагандан кейин зътибор қилиниши шарт бўлган бу жиҳат ҳам инсон имзодаги кўп сирлардан хабар беради.

Ҳарфлар қиялигига фарқ бўлса — имзо чекувчининг ички дунёси унинг ташки фаоллиги билан мутаносиб эмаслигидан далолат.

Ҳарфларнинг олдинга қиялиги — дўстона муносабатта содиқликни ифодалайди. Ва имзо соҳибининг табиатида ҳистийгуларга таъсирчанлик мавжудлиги белгисидир.

Нисбатан кичик қияликлари мавжуд бўлган ёки қияликлари орқага алдаришган имзо — мураккаб имзо. Бундай имзо одам феъл-авторининг қақиқий моҳиятини очиб бермайди. Бундай имзо соҳиблари совукдан ва мағрур ҳатти-ҳаракатлари билан илиқ табиатини яширмоқчи бўладилар.

Олдинга қиялаган ёзув кишида орқага қиялангандек плаассурот қодирса — турли вазиятларда унинг табиатида иккизламачилик пайдо бўлишидан нишона беради. Унда икки бошланиш ўртасида боғлиқлик мавжуд; биринчи хислатлари мажмуаси — кенг мулоҳаза юритиш, мағрурлик ва мустақиллик туйғуларини ўз ичига олса, иккинчиси — дўстоналик ва илиқликни намоён қила билишдир. Ёзувга қараб баҳо берилганда,

биринчи санаб ўтилган хислатлари иккинчисидан устун келади.

Ёзувда ва имзода ҳарфлар ҳажмини бир-бирига солиштириш жуда зарурдир.

Майда ёзувда ёзив, имзода йирик ҳарфлардан фойдаланилса — одам табиатининг иккиюзламачилиги кўзда тутилади.

Майда ёзувли имзо — вазминлик, яширинлик, ёлрондакам гурурнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Оралари очиқ ҳарфли имзо — довюрак, мағрур, феъли кенг одам бўлиб кўринишга уринишидир. Шунингдек, одамда икки хиллик ўртасида кураш боришидан далолатдир.

Имзо ўта йирик ҳарфлардан иборат бўлса — одам ўзи ҳакида ёлрондакам таассурот қолдиришга уринишидан дарақдир.

Баъзи одамларда икки ёки уч хилдаги имзо мавжуд бўлади.

1. Киши ўз шахсий ёзишмаларида қўллайдиган имзо;

2. Иш фаолияти давомида қўл қўйиш учун фойдаланиладиган имзо;

3. Алоҳида ҳужжатларга, банк чекларига қўйиладиган имзо.

Баъзан имзодан кейин нуқта қўйилади. Бир боқишида уни пайқамаслик мумкин. Тажрибали графолог одатда буни осонгина англаб олади. Бу нуқта — ўжарлик белгисидир. Гоҳида ўтакеттган сергакликни англатиши ҳам мумкин.

Имзодан кейинги нуқта тўқ бўлса — даъват белгиси сифатида хизмат қиласи. Шунга қарамай, унинг мазмунини ёзувнинг бошқа белгиларига қараб таҳлил қилиш лозим. Агар у ўзида ноаниқ ва оғир чизиқни мужассам қилсагина, имзо тагидаги чизиб қўйилган жой даъватни намоён қилиши мумкин.

Енгил босимли нуқта — хушчақчақ феъл-атвор ва завқу шавқ ифодасидир.

Имзо тагидаги ёзувларни ўрганиш мағрурлик ва камтарликни аниқлаш имконини беради.

Ўтган йиллар ва давр мобайнида имзодан кейин унинг тепасига ёки тагига чизиб қўйиш урфга айланди. Бу борада бирор тартиб жорий қилинмаган бўлса-да, тақлид натижасидами имзолар чизиқлар билан «кўркамлаштирилди». Ҳозирги кунда ҳам жуда кўп одамлар имзо қўяётиб, чизиқларга мурожаат қиласидилар.

Ҳақли савол туғилади: улар нима учун бундай йўл тутадилар? Аввало бу – ўз шахсиятини намоён қилишга онгли равища интилишдан дарак беради.

Имзоларининг тепасига ёки тагига чизмайдиган одамлар ўз шахсиятини намоён қилиш ва ишончга мойиллиги билан ажралиб турмайдилар.

Имзо тагидаги чизиқлар кўпинча пайқарли варайриоддий шаклларни ифодалайди. Турли шаклдаги гажаклардан фойдаланиш инсон табиатига боқлик эканлигига шубҳа йўқ. Уларнинг турлари ҳақида батафсилоқ тўхталиб ўтсак.

1. Имзо тагига келтирилган ҳисқа тўғри чизиқ – кўпчилик қатори тажовузкорлик белгиси, дея ўйласангиз – янглишасиз. Бу ерда ўзини намоён қилиш истагининг бошланиши мавжудлигини кўриш мумкин. Улар орасида амалий ақл, хотиржам мулоҳаза юритиш, шунингдек, қариндошлиқ алоқаларига мойилликнинг мавжудлиги маълум бўлади. Охирги вазиятда чизиб қўйилган жой – шахсий «мен»нинг эмас, балки оиласий фаҳр белгисидир.

2. Узун тўғри чизиқ оҳиста босим билан ёзилган бўлса – тиришқоқлик ва шахсиятпарастликдан даголатдир. Лекин бу моддий манфаатларга интилиш дегани эмас.

Узун тўғри чизиқ кучли босим билан ёзилган бўлса – юқоридаги мисолдаги каби феъл-атвор хусусиятларини очиб беради. Фақат бу вазиятда моддий бойиш ва иқрорлик мақсад бўлиб хизмат қиласиди.

Имзода жуда кучли босиб ёзилган тўғри чизиқ – тажовузкорлик белгисидир.

3. Чизиб қўйилган жой марказига келтирилган майдга иккиласми тик чизиқчалар – яхши иш ва ху-шёрлик белгиси бўлиб саналади. Бундай одамни ту-зокқа тушириб бўлмайди. Агар сиз уй бекаси имзосида бундай чизиқларни кўргудай бўлсангиз, бу – ўз уйини яхши юритишидан нишон беради. Бундай имзо кўпроқ молия дунёси корчалонлари орасида учрайди. Улар бир тийин устида тиш синдирилмасалар-да, қатъий равищда мабларини ўз фойдасига сарфлашга интиладилар. Бу тоифадаги одамлар ўз мардликлари билан ҳам диққатта сазовордирлар. Буни ёзувнинг бошқа белги ва хусуси-яларида кўриш мумкин.

Бир неча йиллар муқаддам машҳур бир грофо-лог тасодифан мусиқа олами одамлари гуруҳига тушиб қолади. Меҳмонлар орасида «Метрополитен Опера» си-нинг етакчи тенори Эдуард Джонсон ҳам бор эди. Гро-фолог унинг имзосига диққатини қаратади. Тенор им-зоси: иккита тик чизиқлар билан қайта чизилган, чи-зиб қўйилган жой эса имзо тагида қолдирилган эди. Грофолог унга: «Сизнинг мусиқий қобилиятингиздан гувоҳлик берувчи ҳарфлар кўринишида сирлилик бор. Демак, бир маромдалиқдан ташқари, сизда шубҳасиз ишбилармонлик қобилияти мавжудлигини пайқадим». Ўтирганларнинг барчаси графологнинг мулоҳазасини эшишиб, кулиб юборишиди. Орадан бир йилча вақт ўтиб, графологта маълум бўладики, Эдуард Джонсон «Мет-рополитен Опера»ни идора қилувчи директор бўлиб тай-инланибди. Демак, тажрибали графолог ўз таҳлили да-вомида тенорнинг феъл-авторидаги маълум соҳага бўлган мойилликни сезган.

4. Бежирим эгилган чизиқ – назокатли, ҳаётни севувчан, романтик-хаёлпараст томонидан ёзилган бўлади. Бундай одам ўзига мақтов сўзлар айтилишини ёқтиради. Хушомадга осон ён беради. Бундай имзолар кўпроқ театр ва мусиқа ижрочиларида учрайди. Улар

ўзларининг санъатидан, маҳоратидан бошқалар завқ-ланишини истайдилар.

Гарчи бундай имзолар эскирган бўлса-да, замонавий ёзувларда ҳам учраб туради. Бу прагматизм ва модернизм қобири остида ўтмишга бўлгаи романтик қизиқишнинг яширинлигини кўрсатади.

5. Имзо тагига, ёзувда қирраларнинг кўплиги – феъл-атворнинг жizzакилиги, қатъийлиги ва кучидан нишона беради. Бундай кишилар ўз ғояларини амалга оширишда ўз қобилиятига, ишончига эга бўладилар. Қатъийлик уларга хосдир. Шиддатли босим ўтказилишига қарамасдан, ўз олдига қўйган мақсадларидан чекинмайдиган тоифа имзоси шундай кўриниш касб этади.

6. Охирги ҳарфнинг гажакка айлануб кетиши – одамнинг ўжарлиги, ўзи учун қар нарсага тайёрлигидан дарак беради. Бундай ёзув ҳаёт нимани таклиф қилса, барчасини қатъийлик билан «илинишга» тайёрлигини кўрсатадидиган «илгак» сифатида қаралади. Албатта, бундай ёзувнинг турли хиллари мавжуд.

Охирги ҳарфлардан бошланувчи гажакнинг чироили эгалиши – атрофдагиларга нисбата анча юмшоқ муносабатдан далолат.

Агар у кучли босиб ёзилган ва қиррали бўлса – бу одамда ўжарликка ва иззат-нафсга кучли мойиллик борлигини англатади.

7. Агар имзо ғайриоддий усул билан чизилса – одамнинг ўзини ноёб ҳисоблашидан дарак беради. Графолог учун бундан феъл-атворни тавсифлашнинг мос усулини танлаш қийин бўлади.

Чизиқ қанчалик ғайриоддий бўлса – мазкур шахс ҳам шу қадар ғайриоддий ва ҳайратли бўлиши мумкин. Бундай одамнинг имкон қадар кўпроқ ёзув намуналарини олиш зарур. Бу унинг ёзувини эмас, шахсини ушбу асосда таҳдил қилиш учун лозим.

Чизиқ имзо тагидан эмас, балки устида қўйилса – бу чизиқнинг узун ёки қисқа, қиррали ёки ёйси-

мон эканлигини эътиборга олиш керак. Шунга қарамасдан, ушбу хусусиятнинг шаклидан қатыи назар, у муҳим аҳамият касб этмайди. У графологта фақаттина бу инсонда ғайриоддийлик, эҳтимол жуда ғалатилик хислати мавжудлигини айтиши мумкин. Ёзувдан ғайриоддийлик, ғалатиликнинг бошқа белгиларини қидириб кўриш лозим.

Имзо тагида чизиқ қўйилмаслиги – болалик даврига хосдир. Агар болалар ва ўсмирлар шундай чизиқ қўйсалар – уларнинг йил бўйича ривожланмаганини билдиради. Қизиқишлари ўз тенгқурлари учун ғайриоддийлигини изоҳлайди. Бола имзоси тагида қўйилган чизиқقا дуч келганда, унинг катталар ақлий етуклигига эришганлиги ва шунга мувофиқ тарзда феълатворини таҳлил қилиш учун замин яралади. Лекин бу вазиятда бола бундай чизиқ жойини онгсиз равишда, отасининг ёки катта ёшли кишиларнинг имзосига тақлид қилиб қўймаганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим бўлади.

Ёзган кишининг ёзуви ва ҳолатига қараб ўша вақтдаги руҳий босим ўтказилганлиги ёки йўқлигини, у қаерда бўлганини (қоронги хонада, ҳаракатланувчи транспортда) аниқлаш мумкин. Ёзувга қараб, ширақайф ҳолатдаги муаллифни ҳам билиб олса бўлади.

Суд ёзувшунослик текширувининг вазифаси – ёзувни унинг идентификациялаши мақсадида ўрганишидири.

Агар дастхатлар айнан ўхшаш бўлса, улардан бири сохта бўлади.

Турли одамларда мутлақ ўхшаш ёзувлар учрамагани каби мутлақ бир хил дастхат бўлмайди. Оз бўлса ҳам, ҳар қандай янги нарса олдингидан ажralиб туради. Шу боис, агар дасхатлар бир томчи сувдай бирбирига ўхшаб қолса, эксперtlар шубҳа қилмайдиларки: улардан бири – сохта.

Ёзув ёки имзони икки усуlda сохталаштириш мумкин.

Биринчи усул — техник сохталик. Имзо намунасининг ҳар бир ҳарфи ойна орқали ёруғликка чиқарилиб, кейин барчасига кўз ташлашади. Жуда сердиқ-қат меҳнат натижасида асл ёзув билан мос келувчи ёзув бўйича матн ҳосил бўлади. Лекин бунда ёзувнинг сенингашувчи белгилари намоён бўлади.

Кимнингдир ёзуви ёки имзосига тақлид қилиш зарурӣ ҳаракатлантирувчи кўнилмаларни ҳосил қилали. Олдиндан кўрилган тайёргарлик билан бунинг удасидан чиқиш жараёнида иккинчи усул ҳосил бўлади. Аммо бунинг учун маълум қобилият талаб этилади.

Файриоддийлигига қарамасдан, эксперт-ёзувшунослар анча енгил, кексаларга хос қўлни сохта қилиш уринишларини ошкор эта биладилар. Лекин нотекис гажакларни аниқ тасвирлаш бир қаращдагидай, осон иш эмас.

Сиёҳнинг учадиган таркибий қисмларини таҳлил қила туриб, устига ёзилган ёзув қачон ёзилганини аниқ белгилаш мумкин:

Йил ўтиши билан ёзув сирти қалинлашади. Ундан учадиган таркибий қисмлар камроқ чиқа бошлайди. Лекин 5 йилдан сўнг, фараз қилайлик, 5 ёки 7 йиллар ўртасидаги фарқни белгилашнинг имкони бўлмайди. Ёзувшунослик нуқтаи назаридан ёзув — шахснинг гувоҳлик белгисидир. Гарчи ёзувини ҳар бир кишининг ўзи шакллантирса-да, қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим: Келгусидаги баҳсларга сабаб бўлмаслиги учун ёзув жудаям содда бўлмаслиги даркор. Яъни ҳарфлар қанча йирик бўлса, уни сохталаштириш шу қадар мушкул бўлади. Айнан шунинг учун ҳам нотариуслар тасдиқланувчи ҳужжатларга нафақат имзо, балки исм, фамилия ва ота исми қўйилишини бекорга талаб қилмайдилар.

Баъзи имзо қўювчиларда имзонинг бир қанча тури мавжуд бўлади: *соддароқ* — унча аҳамиятли бўлмаган қорозлар учун ва *мураккаброқ* — ўта муҳим бўлган ҳужжатлар учун.

Агар имзо жуда соддалаштирилган бўлиб, ижроси ҳақида ҳеч қандай маълумот бўлмаса (ёки ўта кам бўлса) — тажрибали текширувчи ҳам ёрдам бера олмаслиги мумкин. Бу вазият ҳар бир ўнинчи ҳолатда 100 фоизлик кафолатнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу боис назарда тутилган ҳолатларда текширув ўтказишдан бош тортган маъқул.

Ҳамкорлик ишларида шерик бўлаётган шахс имзосига дикқатли бўлиш лозим. Унинг имзоси одатдагидан фарқ қилиши ёки қилмаслигига зътибор қаратиш зарурдир. Шундай ҳолатлар бўладики, ўз имзосини кўя туриб, одам келгусида ундан осонроқ бош тортишини ифодалайди.

Шунинг учун қарз билан борлиқ имзоларнинг фаттатгина кўлда ёзилишини талаб қилинг. Уларнинг нимада ёзилгани — сиёҳ биланми, геллик ручка ёки шарикли ручкадами — текширувчи учун муҳим эмас.

ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА, ҲИС-ТУЙФУ ВА ТАСАВВУР

«Ё» ҲАРФИ УСТИГА ҚҮЙИЛГАН НУҚТА

«Ё» ҳарфи устига қўйилган нуқта ёзувни таҳлил қилинда катта аҳамият касб этади. Ҳазил-мутойиба, тасаввур ва адабий машгуулотларга бўлган мойилликни бу ҳарф кўрининиши ифодалайди. Ҳарфнинг нуқталарига дикқат жалб қилиниши кўпгина сирлардан боҳабар қиласди.

Аксарият кишиларнинг фикрлашича, «ё» ҳарфи устидаги нуқталар билан гап охирида қўйиладиган нуқтанинг ҳеч қандай фарқи йўқ. Дикқат билан қилинган таҳлил бу нуқталарни инсон феъл-атвори билан борлади.

* Тўлқинсизмон чизиқлар, ярим айланана, ярим ой ёки бошқа қизиқарли кўринган шакллар — одамда ҳазил-мутойиба ҳиссининг мавжудлигидан нишон беради. «Ё» ҳарфи устига қўйилган нуқталар қанчарай-риоддий тасвиirlанса, шу қадар у одамда ҳазил-мутойиба ҳисси ва бошқа одамларни тасвиirlаш, улар хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш ҳисси кучли бўлади.

* Тўғридан-тўғри ҳарф устига, енгил босим билан қўйилган майдо нуқталар — ҳазил-мутойиба ҳисси бу тоифада унча равшан ифода қилинмаган бўлади. Улар жиддий ва ўз тасаввурлари кўламини кенгайтирмайдилар. «Ё» устидаги нуқталар қанчалик тўғри ва баробар қўйилган бўлса, улар шу қадар вазмин ва эҳтиёткордирлар.

* Астойдил қўйилган ва кучли босим билан ёзилган нуқталар — улар ҳам юқоридаги феъл-атвор хусусиятининг мавжудлигидан гувоҳлик беради. Лекин улар бу ерда катта кучга эра эканлиги билан ажralиб туралар.

ди. Бундай одамлар ўз гапларида туриб олишга мойил бўладилар.

* Нисбатан оғир ва оҳиста пастта йўналгани нуқтадар — ўжарликдан нишона. Бундай одам ўз қарашларини ўзгартириши осон эмас ва уларни ҳаддан зиёд қайсарлик билан ҳимоя қиласди.

* Чодирсифат қилиб тасвиirlанган нуқтадар — одамда мукаммал ақл ва нозик ҳазил-мутойиба мавжудлигидан дарак беради. Бундай одам янги рояларни таҳлилсиз, муҳокамасиз қабул қилмайди. У доимо энг муҳим асосларга етиб боришни, юзага келган ҳолатларга ўз баҳосини беришни хоҳлайди. Ҳазил-мутойиба ҳисси унинг танқидий қарашларини енгиллаштиради.

* «Ё» қарфи устида юқорига парвоз қилиб юрган нуқтадар — бу тирик тасаввурдан гувоҳлик беради. Бундай одам ўткир ақлга зга. У янги рояларни ва турли ўйин-кулгиларни яхши кўради. Баъзан у содда нуқтадар қўяди, баъзан эса тўғри чизиқлар ёки бошқача чизиқлардан фойдаланади. Ҳар қандай вазиятда у нуқтадарни ҳарф устидан юқори қўяди.

* «Ё» қарфи устига қўйилган бодроқсимон нуқта — таҳдил жараёнини мушкуллаштирадиган ҳолат. Бундай бодроқсимон нуқтадар биринчи ёзувда бир маънени, иккинчи бир ёзувда умуман бошқа мазмунни англатиши мумкин. Одатда бундайин бодроқсимон белгилар бадиий табиатдан нишон беради.

Бундай бодроқларни ҳосил қилувчи одам ўз ақлзаковатини ижодий фаолиятда қўллаши мумкин. У гўзаллигу нафосатга интилади. Чиройли доирада, муҳитда бўлишни истайди. Агар ёзув содда, жимжима ва безаклардан холи бўлса, вазиятда бадиий тасаввур ижодий фаолиятга чамбарчас бўлган боғлиқлиқдан далолатдир. Фақат бу чамбарчаслик негизи уй қизиқишлирига қаратилган бўлади. Агар «ё» устига қўйилган бодроқсимон белгиларда гажак кўп бўлса, мавжуд қобилият эмас, балки бадиий ижод тўғрисидаги орзу ифодасидир. Бундай ширин орзуларининг амалга ошишига

фикрни бир жойга түплай олмаслик ва қатый ижодий меңнат билан машғул бўлиш халақит беради.

* «Ё» ҳарфи устига қўйилган нуқтанинг турли хил усулларидан бир матидан фойдаланиш. Бу вазиятда ўз тасаввурига турли рояларни синааб кўришига имкон берувчи одам билан муносабатда бўлган бўламиз. Бундай одамга барча тақрорланувчи ва одатий ҳолатлар тезда жонига тегади.

* Нуқтанинг бутун ёзув давомида ўзгармаслиги – бу вазият барқарор ақл эгасига тегишли. Бундай одам бир роядан бошқасига сакрамайди. Мулоҳаза йилишда ва иш жараёнида фикрини бир жойга түплай олиш қобилиятини намоён қиласди.


* Агар «ё» ҳарфи нуқтасиз қолса-чи? Бу ёзган кимсанинг шошқалоқлигидан берилган хабар. Бундай ҳолатда нуқталарнинг мавжуд эмаслиги графологнинг дикқатидан холи қолиши керак. Шунга қарамай, агар нуқталар доимо зътибордан четда қолдирилса – бу ёзув эгасининг паришонхотирлигидан ёки унинг икир-чикирларга зътиборсизлигидан гувоҳлик беради.

Гап охиридаги нуқтлар ҳақида қисқача изоҳ: Сиз баъзи одамларнинг гап охиридаги нуқта ўрнига чизиқ қўйишини кўришингиз мумкин. Бу – шавқ-завқ, раграт-иштиёқдан ва кенг тасаввурдан нишонадир.

«7» РАҚАМИ

Ёзувдаги фарқ нафақат ҳарфларни, сўзларни ёзишда, балки рақамларни ёзишда ҳам намоён бўлади. «7» рақами (19-расм) бу ўринда айниқса ибратлидир.

«7» рақами устига чизиб қўйилувчи чизиқ аҳамиятсиз, майда-чуйда бўлиб кўриниши мумкин. Аслида у ёзувни таҳлил қилишда, айниқса одамда ирода кучини баҳолашда муҳим таркибий қисм саналади. Боща вазиятлар каби бундай чизиқнинг шарҳланиши таҳлил учун ягона усул бўлиб хизмат қила олмайди. Ёзувда уни бошқа белгилар билан қиёслаб кўрган маъ-



19-расм

кулдир. Лекин бу чизиқнинг ўзи графолог учун қизиқарли бўлади.

* «7» рақамини чизиқ билан кесиштириш учун қия чизиқда тўхтатиш. Бундай еттига зътибор берилса, аниқ чизиқнинг ўнг қисми мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Бу секинлашув, ишни бир кундан бошқасига қолдириш белгисидир. Ярим йўлда тўхтаб қолувчи чизиқ – нима учун одам ўзида кўплаб янги роялар ва уддабуронликлар мавжуддай таасурот қолдиради-ю, уларни ҳаётта тадбиқ қилмайди, деган саволга жавоб бўлади. Уларда бошлаган ишини, иш жараёнидаги муаммоларни охиригача етказиш учун ғайрат етишмайди.

* Рақамда қисқа ва ноаниқ чизиқнинг пастта қаратилиши. Бу танқидий қараш ва ўткир онга эгалик белгисидир. Бу тоифа эгалари ўз фикрида қатъий турешга мойилдирлар. Бирон нимага ишониш улар учун жуда қийиндир. Ўз ғайратини намоён қилиш ҳам уларда камдан-кам учрайди. Бундай чизиб ташлаш «ё» ҳарфи устида бўлган ноаниқ нуқталар муаллифида учрайди.

* «7» рақами ҳажмига монанд ўзининг ўртасидан кесиб ўтувчи чизиқда эга бўлса. Бундай ёзадиган одам бошқача феъл-авторга эга бўлади. Рақамларни ёзишдаги мувозанат одамнинг ўзини яхши идора қилишини, ўз ҳиссиятларини бошқара олиш қобилиятини акс эттиради. Бундай одам бир маромда ишлашга одатланган. Уни камдан-кам ҳоллардагина ғайрат-шижоат маҳв этади. Лекин унинг ишида тўхташ ёки режаларини амалга оширишда кечиктириш бўлмайди. Бундай

одам барча ҳарфларни аниқ ва равшан ёзади, барча ти-ниш белгиларини қўйиб чиқади.

* «7» рақамини кесиб ўтувчи узун чизиқ. Ўзини биринчи ўринга қўйишни ёқтирувчи тоифага хослик белгисидир. У ўз мулоҳазалари ва фаолияти давомида ғайрат-шижоатини намоён этиш борасида устаси фарангдир. Бу вазиятда асосий диққатни чизиқ қандай босим билан ёзилганига қаратиш лозим. Босим қанча кучли бўлса, одам иродаси шу қадар кучли бўлади. Ўз шафқ-завқини идора қила оладими ёки йўқ – кўп ҳолларда ёзувдаги бошқа белгиларга қараб изоҳланади.

* Жимжима ва тугунча билан рақамдан ўтказилган чизиқ. Бу ўжарлик ва қайсарлик аломати. Гоҳида бундай одамнинг ишни орқага суришга мойил эканлиги тўғрисида таассурот пайдо бўлиши мумкин. У ноаниқ ишга қўл урмайди. Фоя етарли равишда пишиб етилгунча кутади. Табиатида қатъиятсизлик намуналари мавжуд. Рақамга кўйилган ғалати жимжима – хушчақчақлик қилишни ёқтиришидан дарак беради. Шунингдек, унда романтизмга бўлган кучли мойилликни кузатиш мумкин.

* Рақам узра парвоз қилгандай кўринган чизиқ. Тасаввур ва ғайрат-шижоатнинг ўзига хослигидан да-лолат. Шунингдек, гоҳида мумкин бўлмаган нарсаларга эришиш истагини ҳам ифодалайди. Бундай ёзув «ё» қарфи устида юқори парвоз этувчи нуқталарда учрайди.

* Юқоридаи бошланувчи ва ўз ҳаракатида рақамини кесиб ўтувчи узун чизиқ. Катта ғайрат ва жаҳду жадаллик билан ишловчи одамга хос. У ўз меҳнати учун моддий рағбат олиш тарафдори бўлган одамдир.

Ёзувда «7» рақамини турлича чизиш – одатий ходиса. Графолог бу вазиятта эътибор қаратади. Бу хиллардан қайси бири бошқаларига нисбатан кўпроқ ишлатилишини пайқашга интилади. Бу феъл-атвордаги мойилликлар манбанини аниқлашга хизмат илади. Масалани оддий ҳисоб-китоб орқали ҳал қилиш мумкин. Ёзувда турли-туманлик маълум бир меъёрда ёки камроқ учраши мумкин. Бундай ҳолат олдиндан айтиш қийин бўлган феъл-атвор эгаси ҳақида «хабар» бермоқда.

ЙИРИК ҲАРФЛАРНИНГ СИРЛАРИ

Йирик ҳарфлар ҳам майдың ҳарфлар каби турлича ёзилади. Улар йирик ва майдың, оддий ва бежамдор бўлиши мумкин. Ўз услубига кўра улар бошқа ҳарфларга нисбатан кўпроқ ажралиб туради. Шунинг учун йирик ҳарфлар графолог учун умумий ва ўзига хос қизиқиши намоён қиласди.

Кўпчилик бош ҳарфларни ёзиш навбати етганида, ўзларида бадиий уйрониш бошланганлигини сезадилар. Баъзилар ишини ёзиб тутатиш учун бош ҳарфларга қайтадилар. Яъни матнни якунлагандан сўнг уларни бежамдор чизиқлар билан безайдилар.

Агар графолог матн ёзиб бўлингандан сўнг бундай чизиқлар айнан қўшилганлигини пайқаб қолгудай бўлса, фотолар учун мўйлов ва кўзойнак каби қўшимча сурат олгандагидай муносабатда бўлади. Бундай қўшимчалар графологда қизиқиш уйротмайди.

Одам бундай безакларни ҳар доимо қиласа ва онгсиз равища амалга ошираса, катта аҳамиятта эга ҳисобланади. Уларни зътибордан четта қолдириб бўлмайди.

Дейлик, бош ҳарфларнинг ҳажми кичик ҳарфлар ҳажмига мос. Уларни ёзишда ҳам худди шундай босим ва қиялийка риоя этилган. Усуlda ҳам фарқ сезилмайди. Бундай вазиятда матннаги бошқа ҳарфларни кузатгандек муносабатда бўлинади. Шунга қарамай, бош ҳарфлар қолган ҳарфларга нисбатан номутаносиб равища йирик ёки жимжимадор, майдароқ ёки соддароқ ёзилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда улар таҳлилдаги асосий диққатни талаб этади.

Йирик бош ҳарфларда машҳурликни истовчи одамлар ёзадилар. Унинг машҳурликка интилиши, олқиши ва хушомадга истаги қанчалик кучли бўлса – унинг бош ҳарфлари шунчалик бежамдорлик касб этаверади.

Бош ҳарфларнинг ҳеч қандай безакларсиз ва жимжималарсиз ёзилиши – жамоадан ўзини олиб қочув-

чи, орқа кўринишида бўлишни истовчи вазмин одам ҳақидаги тасаввур ифодасидир. Гоҳида у бош ҳарфларни кичик ҳарфларга нисбатан фарқсиз ҳажмда ёzádi.

Йирик ҳарфларнинг ёзилиш намуналари билан танишишида давом этамиз.

* Крилл ёзуидаги «Я» ҳарфининг қавариқ илмоқларда ёзилиши. Шубҳасиз, бундай одам вазмин ва камсукум саналмайди. Бу ерда аниқ ва равшан дикқатни тортиш истаги намоён қилингган. Илмоқ қанча кўп бўлса, одамда ўзига эътибор беришларини исташ хоҳиши шу қадар кўп бўлади. Бундай «Я» уни кўришлари ва эшигитишларини истайди. Шу боис ҳам бу тарзда ёзувчи инсон, одатда киришимли бўлади. У кўп одамлар билан учрашиш имконини берувчи ишдан анча қаноат ҳосил қиласди. Шу билан бирга бундай одам қўмитанинг оддий ходими бўлишни истамайди. Унда ҳамма вазиятда бошқарувчанлик хоҳиши устун. Ижтимоий фаолиятини жонидан ортиқ кўради.

Кўпгина ижрочилар, айниқса опера ва драма ижрочилари «Я» ҳарфини ўз феъл-авторининг қувончли ифодасига айлантирадилар. Бундай «Я» нинг коммивояжёр ва гумашталар ёзувида учраши, моддий фойда учун эмас, одамлар билан муносабатда бўлиш имконини бериши учун ўз ишини яхши кўришини англатади.

* «Я» ҳарфининг оддий ва майдага ёзилиши. Одамнинг дикқатини ўзига тортишни истамайдиган одам ифодаси. Бошқалар орасидан отилиб чиқишига интилмаслик хусусиятидир. У эҳтиёткорлик билан кўтарилишга қаноат қиласди. Дўстларини ҳам шошмасдан тандайди ва ўз юрагини секин бошқаларга беради. Дўстларига содиқ қолиши билан дикқатга сазовордир.

Оддий ва безатилмаган «Я» ифодасини қандай одам ёзишини биласизми? Бу ифодани ўзининг бир марта қабул қилган роясида маҳкам туриб олганлиги билан машҳур бўлган одам ёzádi. Унинг бошқа ҳарфларида кучли маънавий сифатларни, фикр ва тафаккурнинг асл ва аниқдигини, бошқа одамларни туши-

нишга мойиллигини аниқдаш мумкин. Ички фазилатларини намоёни қилишга имкон бермаслигини ифодалайди.

* «Я» ҳарфининг бошда ҳарфларга нисбатан анча майда ва чапга қия бўлиши (бу вақтда қолган ҳарфлар ўнгта қаратилган бўлади), бу — ўз-ўзини йўқ қилишдан гувоҳлик беради. Мазкур вазиятда вазминлик яхши хислатдан нуқсонга айланиши мумкин. Графолог таҳлилга зарурат бўлмагандга ва олдинга юришга халақит берганда кўпроқ ишончни намоён қилиш ва сояда қолиб кетмасликни маслаҳат беради. Ҳаддан зиёд кўп масъулиятни бундай одам елкасига юклаш ярамайди. Чунки у бундай вазиятда жуда кўрқдан ва ҳаяжонланган бўлади.

* «Я» ҳарфи баланд, безаксиз ва тор илмоқларда ёзилиши. Мағрурлик кўрсаткичи саналади. Бу ерда манманлик аломати йўқ. Улар ўз уйи ва оиласи билан мағрурланади, яқинларига содик бўладилар. Агар сиз бундай одамга журсанҷчилик бахш этишни истасангиз, унинг яхши хусусият билан ажралиб турувчи қариндошларидан бирини мақтанг. Фаолиятнинг янги жабҳаларини излаш тавсия қилинмайди. Ўз оиласининг мустаҳкамлиги, дўстлик ришталарига содиклик уларнинг фазилатлариидир.

Босма ёзувда ёзилган «Я». Киши ўзига эътибор излаётганини кўрсатади. Бу интилиш шахсий манманликдан эмас. У яхши бажарилган иш учун мақтов олишини истайди. Бу ҳақда нафақат «Я», балки бошқа бош ҳарфлари ҳам гувоҳлик беради. Уларда ижодий қобиляят мавжуд ва топқирлик хусусияти ривожланган. Агар у янги рояларга дуч келса, унинг тез мослашувчан ақли доимо улардан фойдаланишга қодир бўлади.

* Баъзи ёзувларда «Я» ҳарфини ёзишининг турли усуслари учрайди. Уни ёзища вариантлар хилмакиллиги киши ўзини жуда ҳам жиiddий қабул қиласлигини кўрсатади. Унинг қатъий қарашлари йўқ. Ўзига ҳазил-мутойиба ҳисси билан қарайди. Бир хилдаги ҳарф турлича ёзилса, турли-туманликка қизиқиши намоён

бўлади. «Я» ҳарфидан бошқа бош ҳарфлар мағрурлик-нинг турли даражасини ифодалаши мумкин.

* Эътиборингизни «М» ҳарфига қаратамиз. «М» ҳарфининг биринчи эгилган жойи иккинчисидан юқорида бўлган тарзда ёзилса, бу – ўз фикрини маъқуллаш ва атрофидагиларни қайрон қолдиришни исташ белгисидир. Мақтov ва маъқуллаш, катта завқ замирида унинг меҳнат фаоллиги, ижтимоий фаолияти ва бўш вақтлари бўлишини истайди. Кўпинча бундай «М» ҳарфи майда ва оддий ёзувда намоён бўлади. Вазминлик унинг хос белгисидир. Унда тан олиниш истаги устун. Бир бошлиқнинг котибаси ўз бошлирининг ёзувини графологта йўллайди. Грофолог унинг феъл-авторини тушуна олмайди ва таххилга яхшироқ тайёргарлик кўришини билдиради. Унинг ёзуви майда, босими – оҳиста, ҳарфлари орасида қиялари учраса-да, юмaloқ эди. Котиба бошлигини ходимларига нисбатан меҳрибон ва ҳалол раҳбар деб хабар беради. Ўша вазиятнинг ўзи бошлиқ ўз зиммасига ниҳоятда кўп нарсани олганлигини ифодалайди. Чунки: у доимо ўз фаолияти кўламини кенгайтиради ва унда янги машғулотлар пайдо бўларди. Котиба фикрита кўра, унинг феъл-авторида қарама-қаршилик мавжуддай кринарди. Котиба ҳақ эди. Графолог асосан «М» бош ҳарфининг дастлабки эгилиши юқорига баланд парвоз қилганлигига эътибор қиласди. «Я» бош ҳарфи иззат-нафс билан ёзилган бўлиб, юқорида парвоз қиласди. Бу юмшоқ, журъатсиз одамда тан олиниш зарурати мавжуд эди. Ҳаммага маъқул бўлишига қарамасдан раҳбар хушомадга ниҳоятда ўч эди.

* Илмоқлар билан бошланувчи бош ҳарфлар – мағрурлик ва ўз иззат нафсини яхши билишдан гувоҳлик беради. Аммо бу шахсий манманлик белгиси эмас. Ушбу илмоқлар – оилавий фахр белгиси ҳамдир. Бундай одам агар унинг аждодлари машҳур бўлиб, ўзи соядга қолса ҳам бутунлай қаноатланади.

* Бош ҳарфларга қўшилган жимжима – кийимга, атрофдаги одамларнинг эътиборини тортувчи уйда-

З. Малека

Малик+

Малека

малека

20-расм

ги нарсалар ва безакларга күнгил қўйишни ифодалайди. Гоҳида ёзувда умуман бош ҳарфлар бўлмайди ва улар майда ҳарфлар қандай ёзилса – худди шундай ёзилади. Бу зарурий ишни амалга оширишида кишига ҳалақит бериши мумкин бўлган киши ёзувиdir. Шунингдек, ўз-ўзини йўқ қилишнинг яққол белгисидир. Баъзан «М» бош ҳарфи ўрнига «м» майда ҳарфи ёзилганини кўриш мумкин. Ҳаддан зиёд вазминлиқидир. Ҳарфлар жуда бежамдор қилиб ёзилган ҳоллар ҳам учрайди. Бу баҳам кўришни исташдан далолат беради (20-расм).

ФАЙРИИХТИЁРИЙ СУРАТ

Графолог учун катта қизиқиш түғдирадиган вазиятлар мавжуд. Булар: одамлар телефонда гаплашаётганда, ресторанда хизмат кўрсатгунга қадар куттанида, мажлис ёки иш суҳбати мобайнида, телефон дафтарчаларида, ён дафтарларида, қороз салфеткалар ва газета ҳошияларига ёзган турли белги ва суратлар чизиш жараёнидир. Одамлар ихтиёrsиз равишда қорозга нималарнидир чизадилар. Бу чизгилар одамнинг ички дунёсини очиб ташлашга имкон яратади.

Гажак билан ёзадиган одамлар кўпинча нима қилаётганларини англамайдилар. Сиз киши телефонда қандай жиддий суҳбат кураёттанини эшигтишингиз ва айни пайтда ўз ён дафтарини гул, қушлар ёки меъморий иншоотлар тасвирлари билан қандай тўлдиришини кузатишин-

гиз мумкин. Ёки кимдир кўнгил очувчи тадбирни ўтка-зиш режасини муҳокама қилиши мумкин, лекин шу вақтнинг ўзида қорозга даҳшатли қиёфани чизади. Айнан шу боисдан, ушбу гажаклар онгсиз равишда ёзилади. Улар графолог учун кизиқиши намоён қиласди.

Графологлар гажакларни ўргана бошлиашди. Бу уларга ёзувни изоҳлаш учун мавжуд бўлганларга ўхшаш феъл-авторни аниқлаш усувларини ишлаб чиқишига имкон берди.

Гажаклардаги хилма-хилликнинг чеки йўқ. Шунга қарамасдан, қуйида келтирилган мисоллар умумий қоидалар намуналари сифатида хизмат қилиши мумкин.

1. **Уйча ёки уй жиҳозларини тасвирлаш** – уй муҳитига кўнгил қўйишиликни очиб беради. Бундай суратлар ёлғиз аёлларда ёки бўйдоқларда учрайди. Дастрраб қўпол ёки дарал кўринган бундай суратларни ҳам қорозда уйланган ёки турмушга чиқсан шахслар қолдирадилар. Кўп ҳолларда уйнинг алоҳида икир-чикирлари катта аҳамият касб этади.

Уй ёки уй жиҳозлари қандай тасвирланмасин, бу суратлар уй саранжом-саришталиги ва оилавий илиқликка эришишини кўрсатади.

Рўпарадаги эшик – тушунарлилик, ён томондан чапда тасвирланган эшик – ўтмишга интилиш (болаликка), ён томондан ўнга – келажакка интилиш.

Ойнасиз дераза, уларнинг биринчи қаватда йўклиги, ёпиқ эшикчалари ёки тортишлган дарпардалар – индамас, одамовилик белгисидир. Ўз ички дунёсига ҳеч кимни қабул қиласликдан далолат.

Аниқ солинган пойдевор – барқарорлик, ҳаётда таянч нуқтасининг мавжудлиги.

Мўрининг мавжуд эмаслиги – оиласда илиқликтининг етишмаслиги ёки баъзи жинсий муаммолар.

Трубадан тутун чиқса – ҳаракатланиш, қўзғалув-чанлик. Мўри бир неча марта аниқ чизилган бўлса, жинсий низо.

Үй мавжугуравишида ётиқ чизиқ бўйлаб чўзилса — ўтмишни кўп эслаш ва келажакка катта умид.

Үй бир хил кўршишида чизилган бўлса — ҳақиқий ҳиссиётларни тийиш.

Үйда сиртқи кўршиши кўп маротаба айлантириб чизилса — ўзини идора қилишининг мушкуллиги.

Үй фундаменти ўта штрихланган бўлса — келгуси оиласбат сабабли безовталаниш.

Енгил диван — бу одамга бошқаларнинг ишларини юклаш осон, унда нисбатан ўзини баҳолаш ҳисси паст.

Стол (квадрат, тўғри тўртбурчак шаклда) — низо, мулоқотда кўпунча қийинчилик вужудга келиши.

Шкаф — одам ўзига ҳаммани ҳам яқинлаштиримайди, унга яқинлашиш учун муомала йўлини топиш лозим. Сир тутишни хуш кўради. Ўз қарашларини ўзгартириши қийин.

Пол устидаги гилам — ўзини ўзи баҳолаш ҳиссими ошириши лозим. Ўз юмшоқлиги билан диққат жалб қилишга интилади.

Девордаги гилам — ёлрондакам юмшоқлик, феълатворнинг ҳақиқий юмшоқлиги жуда кам ҳолларда намоён бўлади.

Девордаги сурат — ўзини рамкада ушлашга ўрганиб қолган, мулоқотда оралиқ сақлайдиган одам. Сурат мазмуни камдан кам феъл-атвор хусусиятлари билан борлиқ.

Қандил — Одам бошқаларга илиқлик ва ёрурлик беришни ёқтиради. Лекин унинг жуда ўзгарувчан феълатвори бор. Уни хафа қилиш осон. Бундай вазиятда у ўз қобигига ўралиб қолади. Лекин ёқимли муомала билан уни порлатиш мумкин.

Ваза — инсон қалбини вайрон қилиши осон бўлган, ташаббусни бошқа одамлардан кутадиган одамга хос.

Енгил ва ҳарир гарпардалар — бундай одамни бошқариш осон, кўриниб турган ҳамма нарса ёқади. Унга

куч олиш муаммоси мавжуд, далда берувчи кишига эҳтиёжи бор.

2. Гуллар ва япроқлар – одамнинг очик кўнгил-лигини ифодалайди. Бундай одамлар бошқаларга ёрдам беришни ёқтирадилар ва ўзларининг юмшоқ феъл-атворлари билан ажралиб турадилар.

Вазадаги ёки бошқа ҳар қандай идишдаги гул – куч-қувватнинг мунтазам таъминоти зарур ёки кимнингдир кўмаги лозим.

Гулнинг банди ҳирқилган бўлса – воқелик билан одам алоқадан сақланади, куч-қувват манбаида мураккаблик эҳтимоли бор.

Роза – бирорларнинг кўз олдида бўлиш ёқади, кўнгил нозиклиги, фикр алмашинуви бузилганлигидан далолат беради.

Кўнгироқгул – табиий, ўзига жалб қилувчи, лекин одамовилиги халақит беради, жуда мустақил.

Мойчечак – табиий, жуда қийин ва мураккаб тарзда қарор қабул қиласди. Қабул қила туриб, кўпинча уни қайта кўриб чиқади.

Қирмизи гул – бошқалар кўз олдида бўлишни варайриоддий бўлишни жуда истайди, лекин доим ҳам бунга қандай эришишни билавермайди.

3. Дараҳт сурати. Бу ерда қўйидагича мувофиқлик сезилади.

Кўп барғлар ва гуллар – одамлар билан яхши алоқалар, турли вазиятларда хушмуомалалик.

Синган бутоқлар – ўтмишдаги руҳий мураккаб вазиятлар.

Илдизсиз дараҳт – ҳаётда таянч нуқтаси, суюнчири йўқ.

Үй олдиға жойлашган дараҳтлар – ота-оналар, опа-сингиллар, ака-укалар билан жуда тез-тез боғланади (бу ерда суратдаги икир-чикирларнинг ўзаро жойлашувчи муҳим).

Дараҳтдаги ковак – ўз ичига шўнфиш, ўз интилишларини тушунишни исташ.

4. Дарё тасвири. Одамларнинг бу тасвирни чизиши кўп учрайди.

Дарё чапдан ўнгта оқса – келажакка интилиш.

Дарё ўнгдан чапга оқса – ўтмишдаги ечилмаган муаммоларни англатади.

Дарёнинг тўғри ўзани – мақсадга аниқ ва равшан ҳаракат қилишни билиш.

Дарё бурумларининг мавжудлши – фикрни бир жойга тўплай олмасликдан ёки пайдо бўлган муаммоларни ечмасдан, тўсикларни четлаб ўтишдан дарак беради.

Дарё, остона ёки тўрондаги тош – қарор қабул қилиш учун кучли таъсир ўтказувчи нуфузли шахснинг мавжудлигидан далолат.

5. Чиройли кўринишлар ва хушрўй одамларнинг турлича тасвирини инсон табиатига қизиқсанлар чизишади. Одамлар билан фаолияти борлиқ мутахассисларда кўпроқ кузатилади. Бундай суратлар – киришимилийк ва одамларга меҳру муҳаббат ифодасидир. Шунинг учун ҳам улар одамларни чиройли тасвирлашга интиладилар.

6. Чеҳра кўримсиз ёки даҳшатли бўлса – бу сурат муаллифи нимадандир норози эканлигини ёки уни нимадир хафа қилганини билдиради. Ва бу ўз нохуш қолатининг акси саналади.

7. Тўртбурчаклар, тухумсимон шакллар, квадратлар – идора қилув фаолияти қобилиятининг белгисидир. Кўпинча бундай геометрик шаклларнинг бурчаклари штрихланган бўлади. Бундай чизиқлар муаллифи режалаштириш ва ташкил қилиш қобилиятини кўрсатувчи тўғри нақшлар яратади.

8. Эгилган ва бежирим, баъзан узлуксиз ўралувчи чизиқлар – одам хушмуомалалигидан, турли саволларга қизиқишидан ва осон ва бемалол сұхбат қилишидан далолат беради.

9. Патлари, думлари пирпировчи ва катта чанглари бор қушча – тирик тасаввур ва ҳазил-мутойиба ҳисси белгисидир. Бундай суратлар гоҳида ёзувчилар то-

монидан тасвирланади. Қизиқарли, кўп безатилган ҳайвончалар ва балиқлар худди шундай тоифага хосдир.

10. Юлдуз. Бу оптимистик табиатдан нишона. У қийинчилик олдида ҳам тан бермайдиган одам.

11. Айлана. Моддий фойдани кўзда тутмайдиган, юқори маънавий мақсадларга эга инсонга хослир.

12. «Крест», нол, доира ва бошқа шу каби шакллар – спорт руҳи намоёнлигидан дарак.

13. Муттасил букилувчи тўлқинсимон чизиқлар – одамда мусиқага мойиллик ривожланганидан дарак беради.

14. Скрипка калити ва мусиқа ноталари – одам лидининг баландлигидан хатосиз сўзлайди.

Ушбу мисол ва намуналар одамлар чизган барча мумкин бўлган суратларни батамом келтириб ўтмайди. Турли ёзувларнинг юз минглаб хиллари бор. Шу сабаб, қар бир шундай сурат унтилмас феъл-атворга эга бўлади.

Баъзи кишилар қеч қачон телефонда гаплашаётганда, маъруза тинглаётганда ёки иш музокаралари олиб бораётганда сурат чизишмайди. Бу одамда яширин ички низолар ва сирли истаклар мавжуд эмаслигидан гувоҳлик беради. Шунга қарамай, бундай хулосалар графолог ваколатидан ташқаридадир.

Суратлар таҳлили ёзув таҳлили ёрдамида феъл-атвор хусусиятларини ўрганиш каби аниқ натижা бермайди. Лекин уларни ўрганиш қизиқарли ва улар ёзув таҳлилини жиiddий равища тўлдиришади. Бундан ташқари, суратларнинг юмaloқлиги ва қиялиги, унинг ҳажми, ручка, қалам босими ва шу кабиларга зътибор берган ҳолда суратларни таҳлил қилишда ёзувни таҳлил қилишдаги айни усулларни қўллаш мумкин.

МУНДАРИЖА

3	Ёзув ҳақида сўз
4	Графология ҳақида
7	Графология фани нима беради
10	Ёзувни таҳдил қилиш
12	Графологик таҳдил ўтказишга ундовчи сабаблар
15	Ёзувда миллий таҳдил
18	Инсон феъл-автори
21	Ёзувдаги феъл-автор
25	Босим
30	Ёзувдаги илгак ва тугунчалар
32	Сатрлар
33	Қиялик
38	Чизиклар

ҲАРФЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ ВА ФЕЪЛ-АТВОР

39	Ҳарфлар катталиги
41	Ҳарфларнинг шаклу шамойили
44	Сўзларда ҳарфлар бирикуви
46	Ёзув турлари
49	Ҳарфларнинг ёзилиши

МАТННИНГ ҚОРОЗДА ЖОЙЛАШИШИ

54	Хошиялар катталиги
----	--------------------

МИЖОЗ ВА ЁЗУВ

58	Феъл-автор хусусиятлари ва ёзув
60	Ингреверт, экстроверт ва амбиверт
65	Руҳият синови бўйича мижоз тури
70	Пикник ва астеник
72	Сахийлик ёки тежамкорликни аниқлаш усуллари
74	Хошиялар катталиги
78	Ташқи кўрининш ва унинг ёзувда акс этиши
79	Ҳиссиёт ва ёзув
84	Оптимизм ёки пессимизм

- 87 Ҳамкорлик ёки рақобат рухи
 90 Ҳамкорларни танлаш
 92 Эркак киши ёзувидаги «ниқоб»лар
 95 Таҳлиллар асносидағи тажрибалар
 101 Яна илмоқлар ҳақида
 103 Ёзувдаги бошқа ҳолатлар

ЁЗУВДАГИ СИЗНИНГ ҲУЛҚ-АТВОРИНГИЗ

- 105 Очиқ ва яширин ҳулқ-атвор
 110 Матиң қандай хусусиятларга зға
 113 Сирли ёки күнгли очиқ одам

ИМЗО ВА ГАЖАК

- 117 Сизнинг имзоинги

ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА, ҲИС-ТҮЙФУ ВА ТАСАВВУР

- 127 «Ё» ҳарфи устига күйилган нұқта
 129 «7» рақами
 132 Йирик ҳарфларнинг сирлари
 136 Файриихтиерий сурат

Оммабол нашр

ИНСОННИ ЎРГАНИШ ИЛМИ

ФЕЪЛ-АТВОР ВА ЁЗУВ

**Лойиҳа муаллифи ва
нашрга тайёровчи
Насиба ЮСУПОВА**

**Муҳаррир
Наргиза АБДУРАҲМОНОВА**

**Бадиний муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ**

**Тех. муҳаррир
Елена ДЕМЧЕНКО**

**Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА**

Босишига 14.07.2009 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобори 4,5. Шартли босма тобори 7,56.

Адади 500 нусха. Буюртма № 163.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.ru